

## Таховий ақидасининг енгил шарҳи

﴿ شرح العقيدة الطحاوية الميسر ﴾

[أوزبكي - Uzbek - Ўзбек]

Муаллиф : Муҳаммад Абдураҳмон Ал Хамис

Таржимон : Усмон Ҳаким

2010 - 1431

islamhouse.com

# ﴿ شرح العقيدة الطحاوية الميسر ﴾

« باللغة الأوزبكية »

تأليف: محمد بن عبد الرحمن الخميس

ترجمة: عثمان حكيم

2010 - 1431

islamhouse.com

# Ислом Нури

## Китоблар

### Таховийя акидасининг енгил шархи

Матн сохиби: Абу Жаъфар ибн Ахмад ибн Мухаммад ал-Аздий  
ат-Таховий

Мутаржим: Усмон Хаким

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
إن الحمد لله ، نحمده ، ونستعينه ، ونستغفره ، ونعوذ بالله من شرور أنفسنا و  
من سيئات أعمالنا، من يهده الله فلا مضل له ، و من يضلل فلا هادي له ، و أشهد أن لا إله  
إلا الله وحده لا شريك له ، و أشهد أن محمدا عبده و رسوله، صلى الله عليه و على آله و  
أصحابه أجمعين.  
أما بعد:

#### Мукаддима

Аллохга хамдлар ва мактовлар бўлсин. Ундан ёрдам сўраймиз. Нафсларимиз ёмонлиги ва амалларимиз хатоликларидан Аллохнинг панохига ўтамыз. Аллох кимни хидоят қилса, уни ҳеч ким адаштира олмас ва Ул зот адаштириб қўйган кишини бирор кимса хидоят қила олмас. Ёлғиз Аллохдан бошқа ибодатга ҳақли бирор илох йўқлигига гувоҳлик бераман. Унинг шериги йўқ. Ва Мухаммад Ул зотнинг қули ва элчиси эканлигига гувоҳлик бераман.

"يا أيها الذين آمنوا اتقوا الله حق تقاته ولا تموتن إلا وأنتم مسلمون".

“Эй иймон келтирган зотлар, Аллохдан хақиқий кўрқув билан кўркинлар ва факат мусулмон бўлган холларингизда дунёдан ўтинлар!”

"يا أيها الناس اتقوا ربكم الذي خلقكم من نفس واحدة وخلق منها زوجها وبث منهما رجالا كثيرا ونساء، و اتقوا الله الذي تساءلون به والأرحام، إن الله كان علىكم رقيبا".

“Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (яъни Одам алайхиссаломдан) яратган ва ундан жуфтани (Хавво алайхиссаломни) яратган хамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни таркатган Роббингиздан кўркингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллохдан кўркингиз ва кариндошларингиз (билан ажралиб кетишдан сакланингиз)! Албатта Аллох устингизда кузатувчи бўлган зотдир”.

"يا أيها الذين آمنوا اتقوا الله و قولوا قولا سديدا، يصلح لكم أعمالكم و يغفر لكم ذنوبكم، و من يطع الله و رسوله فقد فاز فوزا عظيما"

“Эй мўминлар, Аллохдан кўркинлар ва тўгри сўзни сўзланлар! (Шунда Аллох) ишларингизни ўнглари ва гунохларингизни магфират қилар. Ким Аллохга ва Унинг элчисига итоат этса, улуг бахтга эришибди”.

Аммо баъд:

Сўзларнинг энг тўгриси Аллохнинг китоби ва йўлларнинг энг яхшиси Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам йўллари дир. Ишларнинг энг ёмони динда пайдо қилинган янгиликлар бўлади. Хар бир пайдо қилинган янгилик бидъат, хар бир бидъат залолат-адашиш ва хар бир залолат дўзахда дир.

Ахли суннат вал-жамоат эътиқодини баён қилиш учун ёзилган бу китобнинг матнлари улуг имом Абу Ханифа, Абу Юсуф ва Мухаммад бин ал-Хасан уламолари мазхабига мувофиқ дир (барчаларини Аллох таоло Ўз раҳматига олсин!). Бул зотларнинг эътиқодларини имом Абу Жаъфар Таховий раҳимахуллох ўзларининг “Ал-ақийдатут-Таховия” китобларида баён қилдилар. Бу киши ханафий мазхабининг етук муҳаддис уламоларидан бўладилар. Мухаммадия умматининг жумхур-кўпчилик уламолари Таховийнинг мазкур китобларида баён қилинган ақидани эътироф қилиб тасдиқлашган. Бу китобдаги матнларга ёзилган шарх ва изоҳлар кўп. Уларнинг айримлари суннатга мувофиқ бўлса, бошқалари фалсафа йўналиши билан тушунтирилди. Бу шархларнинг серфойдалиси имом Ибну Абил-Из Ал-Ханафий ёзган шарх дир (барчаларидан Аллох таоло рози бўлсин!).

Азиз биродарлар, Аллох таолонинг мадади ила Таховий ақидаси ва юкорида эслатилган унинг шарҳидаги маъноларни Сизларга қисқача таржима қиламиз, иншааллох. Аллох таолодан офият сўрайман! Кавслар орасидаги тушунтиришлар, оятлар тафсири ва ҳадислар шарҳи таржимон томонидан. Ушбу китоб таржимасида камчилик сезиб қолган китобхон биродаримдан уни тўғрилаб қўйишини илтимос қиламан! Ахли суннат вал-жамоат йўлини мустаҳкам тутсам деган барча биродарларимни Аллох Субхонаху ва таоло магфират қилиб, дахшатли қиёмат кунида Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам ва Ул зот саҳобалари жамоасида тирилтиришини илтижо қилиб сўрайман! Зеро Аллох таоло раҳмиларнинг раҳм қилувчироғи бўлган зот дир!

Таржимон

۱. نقول في توحيد الله معتقدين بتوفيق الله أن الله واحد لا شريك له

**1-матн: Аллохнинг бизга берган тавфик-хидояти билан эътиқод қилган ҳолда Аллохнинг тавҳиди тўгрисида айтамыз: Албатта Аллох ёлғиз, Унинг шериги йўқ.**

Шарх: (Ёлғиз Аллох таолога ибодат қилиб, ширк келтирмасликка тавҳид дейлади. Аллохни қўйиб яратилган нарсаларга, яъни фаришта, жин, авлиё, бут, дарахт, олов ва бундан бошқаларга сизгинишга ширк деб аталади). Тавҳид пайгамбарлар даъватининг боши, (жаннатга олиб боровчи) йўлнинг аввалги манзили ва Аллохга юзланувчи банданинг қиладиган энг биринчи иши дир. Аллох таоло айтади:

"لقد أرسلنا نوحا إلى قومه فقال يا قوم اعبدوا الله ما لكم من إله غيرہ" (الأعراف: ۵۹)

(Табарий ушбу оятни куйидагича тафсир киладилар: “Роббимиз Аллох таоло бу оят билан эшитувчи одамларга Нух عليه السلام ни кавмига юборганини эслатади. Шунда Нух айтдилар: Ибодатга ҳакли бўлган ёлғиз Аллохгагина ибодат қилингиз. Тоатлар қилиб, Ул зотнинг олдида ўзингизни паст тутингиз. Бутларга ибодат қилишни тарк этингиз. Чунки, сизлар учун Аллохдан бошқа ибодат қилишингизга лойик бирор илох йўк”). (Табарий тафсири: 8-жуз, 213- саҳифа).

Худ, Солих, Шуайб алайхимуссалом каби бошқа пайгамбарларнинг ҳам юкоридагидек тавҳидга даъват қилишганини Аллох таоло “Аъроф” сурасининг кейинги оятларида баён қилган. Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам айтадилар:

"أمرت أن أقاتل الناس حتى يشهدوا أن لا إله إلا الله، و أن محمدا رسول الله" (رواه البخاري: ٢٥ و غيره).

Маъноси: “Одамлар то ла илаха иллalloх ва Мухаммад расулulloх деб гувоҳлик бермагунларича улар билан курашишга буюрилдим”.

Демак, инсонни энг биринчи Исломга олиб қирадиган ва охирида дунёдан чиқиб кетишидаги нарса тавҳид бўлиши керак экан. Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам бундай деганлар:

"من كان آخر كلامه لا إله إلا الله دخل الجنة" (المستدرک على صحيحين: هذا حديث صحيح الإسناد ولم يخرجاه).

Маъноси: “Қимнинг охирги сўзи ла илаха иллalloх бўлса, албатта жаннатга қиради”.

٢. و لا شيء مثله

## **2-матн: Аллохга ўхшаш бирор нарса йўк**

Шарҳ: Аллох таолога бирор нарсанинг ўхшамаслигига Аҳли суннат уламолари иттифок қилишди. Хох Унинг зотида, хох сифатларида ёки феълларида бўлсин, бирор нарса Унга ўхшамайди. Аллох таоло айтади:

"ليس كمثله شيء، و هو السميع البصير" (الشورى: ١١)

(Мазкур оят маъносини Абдурроҳман бин Носир Саъдий раҳимахulloх бундай тафсир киладилар: “Аллох таолога яратган халқидан бирор нарса ўхшамайди ва тенг кела олмайди. Хох Унинг зоти, исмлари, сифатлари ё феълларида бўлсин, ҳеч бир нарса Ул зотга асло ўхшамайди. Чунки, Ул зот исмларининг барчаси гўзал, сифатларининг ҳаммаси камол ва улуг сифатлар, феъллари эса улкан махлуқларни шериксиз пайдо қилгувчи феъллардир. Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай томонда ҳам Ул зотга тенг бўла оладиган бирор нарса йўк. Ул зот яққою ягона. Аллох таоло барча овозларни хилма хил тиллар ва сўралаётган турли-турли хожатлар бўлишига қарамай эшитгувчидир. Ул зот туннинг зулматида қора тошнинг устида юрган қора қумолининг изини ҳам ва бундан бошқа барча нарсаларни ҳам қўргувчидир. Аҳли суннат вал-жамоат уламолари (уларга Роббимнинг раҳмати бўлсин!), Аллох таолонинг сифатларини исбот қилишга ва уларни махлуқларнинг сифатларига ўхшамаслигига бу каби оятларни далил қилиб келтиришади).

۳. و لا شيء يعجزه

3- матн: **Бирор нарса Аллохни ожиз колдира олмас.**

Шарх: Аллох таоло айтади:

"إن الله على كل شيء قدير" (البقرة: ۲۰)

(Оят маъносини Саъдий раҳимахуллох бундай тафсир киладилар: "Шубхасиз Аллох таоло барча нарсаларга кодир Зотдир. Бирор нарса Уни ожиз колдирмайди. Унинг кудрати жумласида шу нарса борки, қачон бир нарсани қилмокчи бўлса, бирор тўсик ва қаршилиқларсиз уни амалга оширади. Бу каби оятлар адашган қадария тоифасининг даъвосини ботилга чиқаради. Уларнинг фикрича, бандаларнинг феъллари Аллох таолонинг кудрати остига дохил бўлмас эмиш. Бу даъво рад этилади. Аллох таоло ҳамма-ҳамма нарсаларни, мавжудотларнинг феълу ҳаракатларини ҳам яратувчи бўлган Зотдир).

Аллох Субхонаху ва таоло барча нарсага кодир Зотдир, ожиз эмас. Ожиз ҳеч қачон илох бўла олмайди. Бундай қамчиликлардан Аллох Субхонаху ва таоло олийдир.

و لا إله غيره

4 матн: **Аллохдан ўзга ибодатга ҳақли бирор илох йўқ.**

Шарх: Бу тавҳид қалимаси. Юқориқда айтилганидек, барча пайгамбарлар ўз қавмларини шу қалимага қақришган.

۵. قديم بلا ابتداء، دائم بلا انتهاء

5 матн: **Аллох таолонинг бошланиши йўқ, азалдан мавжуд ҳамда Ул зот доимий, абадийдир, охири йўқ.**

Шарх: Аллох таоло бундай деган:

" هو الأول و الآخر" (الحديد: ۳)

(Табарий раҳимахуллох мазкур оятни қуйидагича шархлайдилар: "Аллох таоло ҳамма нарсалардан бурун, чегарасиз аввалги, ва барча нарсалардан кейин, чексиз охиридир. Хулоса қилиб айтганда бирон нарса бўлмаганда ҳам, Аллох таоло бор эди. Барча нарсалар йўқ бўлиб кетганда ҳам, Ул зот бўлади. Ул зотнинг юзидан бошқа ҳамма нарса ҳалок бўлгувчидир. Аллох таолога ҳамду санолар бўлсин!")

۶. لا يفنى و لا يبئد

6 -матн: **Аллох таоло ҳеч қачон йўқ бўлмайди.**

Шарх: Аллох таоло бундай дейди:

" كل من عليها فان، و يبقى وجه ربك ذو الجلال و الإكرام" (الرحمن: ۲۶, ۲۷)

(Ибни Қасир раҳимахуллох бу оятни қуйидагича тафсир киладилар: "Аллох таоло барча халқига оммавий хабар бериб айтади: Хар бир жон ўлим (жон топшириш аччиғлиги)ни тотгувчидир. Ёлғиз Аллохнинг ўзигина ўлмас зот. Жину инсон тоифалари, фаришталар ва аршни кўтариб тургувчи малоикаларнинг ҳаммаси ўладилар. Яққою ягона Қаххор зотгина доимий қолгувчидир. Шунинг учун ҳам Ул зот аввалги бўлганидек, охири ҳамдир. Бу оятда барча халқларга таъзия бериш бор. Чунки, ўлмасдан ҳеч қим қолмас. Ҳамма ўлиб бўлгач, Аллох Қиёматни қоим қилади. Кейин халқларнинг амалларига, қаттасию қичиги, озию қўпи ва ошқорасию яширинчасига қараб, муқофот ё жазо беради. Ул зот зарранинг мисқолича ҳам зулм қилмайди).

۷. ولا يكون إلا ما يريد

7- матн: **Аллох таоло хоҳлаган нарсаларгина амалга ошар. Ул зот хоҳламаган нарса ҳеч қачон амалга ошмас.**

Шарх: Бу сўзлар Кадария ва Муътазила тоифаларининг даъволарини ботилга чикаради. Уларнинг даъвосича, Аллох таоло одамларнинг баридан Иймонни хохлаган, кофир эса куфрни хохлаб кофир бўлган эмиш. Бу даъво бемаъни, бўлмагурдир. Чунки Куръон, суннат ва соглом аклга каршидир.

Кадарияларга, Аллохнинг тақдирини инкор килганлари учун, кадариялар деб ном берилди.

Муътазила фиркаси: Булар Амр бин Убайд, Восил бин Ато ва уларнинг шогирдлари бўлади. Муътазила калимаси, четга ажралиб чикканлар маъносини англатади. Булар иккинчи хижрий аср бошларида Ал-Хасанул-Басрий раҳимахуллох мажлисидан ажралиб, ўзлари алоҳида четда ўтиришарди. Катода раҳимахуллох каби олим тобиъийнлар: Булар муътазилалар бўлади, дейишарди. Шу ўринда мавзудан ташкари бўлса ҳам маълумот учун адашган муътазила тоифасининг акидаси тўғрисида тўхталиб ўтамиз, иншааллох. Муътазилалар ўз мазхабларини бешта аслга бино килишган. Уларни куйидагича номлайдилар: Адл, тавхид, ваъийдни бажариш, икки манзил орасидаги манзил ва яхшиликка амр килмок ҳамда ёмонликдан кайтармок. Муътазилалар бу асосларида хакка ботилни кийгазишди. Зеро, бидъат ахлининг ахволи шунака бўлади.

Адл: Муътазилалар, бу асосларида Аллохга адолат сифатини беришиб, бунинг никоби остида тақдирга иймон келтиришни йўкка чиқаришди. Айтишдики: Аллох таоло ёмонликни яратмайди. Чунки, ёмонликни бандаларига қисмат килиб, сўнг уларнинг килмишлари учун уларни азоблаш, зулм бўлиб қолади. Аллох таоло адолатли зот, зулм килмайди. Муътазилаларнинг бу бузук асосларидан шу нарса келиб чиқадики, Аллох таолонинг мулкида, Ул зот хохламаган нарсалар ҳам бўлиб кетаверади ва У зот бир нарсани хохлаганда, у нарса амалга ошмайди. Масалан: Аллох таоло хохламаса ҳам котил ўз хохиши ва куввати билан одам ўлдиради, деб тушунишади. Улар Аллохни ожизлик сифати билан сифатлаган бўлишади. Аллох таоло бу нарсалардан пок зотдир.

Тавхид: Муътазилалар тавхиднинг никоби остида Куръон махлук деган сўзларини яширишади. (Ахли суннат вал-жамоат эътиқодида Куръон Аллохнинг каломидир, махлук эмас.) Улар бу бузук сўзлари билан Аллохнинг илми, кудрати ва бошка сифатларини яралмиш нарсага чиқариб қўйишади.

Ваъийдни бажариш: (Куръон ва хадисдаги дўзах, азоб, Аллохнинг газоби ва лаънатидан кўркитиш каби ворид бўлган далилларга ваъийд далиллари дейилади. Муътазилалар айтишадики, агар Аллох таоло бандаларининг баъзиларини азоб билан кўркитса, ваъдасини бузиб уларни азобламаслиги тўғри бўлмайди. Чунки, Аллох таоло ваъдасига хилоф иш тутмайди. Шунда муътазилалар тушунчасида Аллох таоло бир бандани афв этишни хохлаसा ҳам, афв эта олмайди ва магфират килишни истаган кишисини ҳам кечира олмайди.

Икки манзил орасидаги манзил: Муътазилалар тушунчасида катта гунох килган киши иймондан чиқади. Аммо куфрга кирмайди. Яъни мўмин ҳам бўлмайди, кофир ҳам бўлмайди. Иймон ва куфр орасидаги манзилда бўлади. (Китоб ва суннатнинг кўп далилларига асосан уларнинг бу тушунчаси ботил).

Яхшиликка амр килиб ёмонликдан кайтармок: Муътазилалар айтишдики: биз нимага буюрилган бўлсак, бошқаларни ҳам шунга буюришимиз шарт ва бизга нима лозим бўлса, бошқаларни ҳам шунга мажбурлаймиз. Улар бу килмишларини амри маъруф ва нахи мункар дейишди. Бунинг никоби остида мусулмон халифалар зулм килишганда уларга карши бош кўтариб жанг килиш дуруст бўлади, деган тушунчаларни яширишади. (Мусулмон халифа агар зулм килиб кўйса ҳам унга итоатсизлик килишдан Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам кўп хадисларида кайтарганлар).

Ахли суннат вал-жамоат айтадиларки: Аллох таоло тақдир жихатидан гунохлар бўлишини хохлайди. Аммо Ул зот гунохларни яхши кўрмайди, улардан рози бўлмайди ва гунох килишга амр килмайди. Аксинча, Аллох таоло гунохларни ёмон кўради, уларга газаб килади ва гунохлардан кайтаради.

Аллох таоло нимани хохлаसा, шу нарса вужудга келади. Нимани хохламас, у нарса ҳеч қачон бўлмайди.

۸. لا تبغوه الأوهام و لا تدرکه الأفهام

**8-матн: Гумонлар Аллох таолонинг қандай зот эканлигига ета олмас ва илмлар Ул зотнинг қанакалигини фахмлай олмас**

Шарх: Аллох таолонинг қандай зот эканлигини Унинг Ўзидан бошқа ҳеч қим билмайди. Биз фақат Ул зотни сифатлари билангина биламиз. (Аллох таоло Куръонида Ўзини қандай сифатлар билан сифатлаган бўлса ҳамда пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам хадисларида Ул зотни қанақа сифатлар билан сифатлаган бўлсалар, биз ҳам шу сифатларни Аллох таолога исбот килиб иймон келтирамиз.)

Аллох таоло айтади:

"يعلم ما بين أيديهم و ما خلفهم و لا يحيطون به علما" (طه: ۱۱۰)

(Маъноси: Табарий раҳимахуллох бу оятни шархлаб айтадилар: “Эй Мухаммад, саллаллоху алайхи ва саллам , (Киёмат кунда махшаргоҳга) чакирувчига эргашаётган одамларнинг олдларида, яъни Киёмат кунда нималар бўлишини, уларнинг савоб олиб жаннат ё азобланиш учун дўзахга боришларини фақат Аллох билади ҳамда одамлар ортларида, яъни дунёда нималар килиб ўтганларини Аллох билади. Одамлар эса Аллохнинг қандай зот эканлигини била олмайдилар”.)

۹. و لا يشبهه الأنام

**9-матн: Халқлар Аллох таолога ўхшамайди**

Шарх: Бу сўз мушаббиха деб аталадиган тоифага рад жавобини беради. Улар Холикни махлук-яратилганга ўхшатадилар. Уларнинг бу ботил сўзидан Аллох таоло покдир.

Аллох таоло айтади:

"ليس كمثلہ شيء، و هو السميع البصير" (الشورى: ۱۱)

(“Аллох таолога яратган халқидан бирор нарса ўхшамайди ва тенг кела олмайди. Хох Унинг зоти, исмлари, сифатлари ё феълларида бўлсин, ҳеч бир нарса Ул зотга асло ўхшамайди.. Аллох таоло барча овозларни хилма хил тиллар ва сўралаётган турли-турли хожатлар бўлишига қарамай эшитгувчи ва Ул зот туннинг зулматида қора тошнинг

устида юрган кора чумолининг изини хам ва бундан бошка барча нарсаларни хам кўргувчидир. Саъдий раҳимахуллох тафсири асосида)

Абу Ханифа раҳматуллохи алайхининг “Ал-Фикхул-Акбар” деган китобда бундай сўзлари бор: “Аллох таоло халкидан бирор нарсага ўхшамайди ва халкидан бирор нарса Ул зотга асло ўхшамайди. Ул зотнинг барча сифатлари махлуқлар сифатларининг аксидир. Ул зот билади — бизнинг билишимиз каби эмас. Ул зот кодир — бизнинг кудратимиз каби эмас. Ул зот кўради — бизнинг кўришимиз каби эмас”.

Наъим бин Хаммод раҳимахуллох айтадилар: «Кимда ким Аллохни халқларидан бўлган бирор нарсага ўхшатса, шубҳасиз кофир бўлади. Хамда кимки, Аллох Ўзини сифатлаган сифатлардан бирини инкор қилса, у хам кофир бўлади».

۱۰. حي لا يموت، قيوم لا ينام

**10-матн: Аллох таоло хар доим тирикдир, ўлмас. Доимо коимдир, ухламас.**

Шарх: Аллох табарока ва таоло “Бакара” сурасининг 255-оятда бундай дейди:

"الله لا إله إلا هو الحي القيوم لا تأخذه سنة و لا نوم" البقرة: ۲۵۵

Маъноси: (Аллох шундай зотки, ундан бошка ибодат қилинишга ҳақли бирор илох йўқ. Барча ибодатларга ёлғиз Аллохгина ҳақли. Ундан бошқасига ибодат қилиш мумкин эмас, ботилдир. Аллох таоло доим тирик, доим коимдир. Ул зотни мудрок хам, уйқу хам тутмас. Чунки, мудрок ва уйқу яратилган кучсизларни тутати. Саъдий тафсири ).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам айтадиларки:

"إن الله لا ينام و لا ينبغي له أن ينام" (رواه مسلم، و ابن ماجه و غيرهما)

Маъноси: Аллох ухламайди. Ухламокни Ул зотга кераги йўқ. (Абдуллох бин Масъуд разияллоху анху айтадилар: “Роббингиз Аллох таоло хузурида тун хам, кун хам йўқ. Осмонлар нури Унинг юзи нуридан”. Ибни Таймия раҳимахуллохнинг “Ал-мажмуъул-фатово” китобларидан).

۱۱. خالق بلا حاجة، رازق بلا مؤنة

**11-матн: Аллох таоло беҳожат яратгувчи ва кийналмасдан ризк бергувчидир**

Шарх: Аллох таоло бундай дейди:

" و ما خلقت الجن و الإنس إلا ليعبدون. ما أريد منهم من رزق و ما أريد أن يطعمون. إن الله هو الرزاق ذو القوة المتين" سورة الذاريات: ۵۶-۵۷.

(Ушбу оятлар маъносини Ибни Касир раҳимахуллох бундай тафсир қиладилар: “Аллох табарока ва таоло бандаларини ширк келтирмасдан, ёлғиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишлари учун яратганининг хабарини бермоқда. Кимда ким Аллохга итоат қилса, Аллох унга мукофотини тўлиқ қилиб беради. Кимки Ул зотга осий бўлса, Аллох уни қаттиқ азоблайди. Аллох таоло халқига мухтож эмаслигини балки, уларнинг барчалари ҳамма-ҳамма хожатларида Аллохга мухтож эканликларини уларга эслатмоқда. Аллохнинг Ўзи кўп ризк бергувчи ва барча куч-қувват соҳибидир.)

Абу Зарр разияллоху анху ривоят киладилар: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: “Аллох таоло бундай деган: “Эй бандаларим, агар авваларингизу охирларингиз, инсонларингизу жинларингиз сизларнинг ораларингиздаги калби энг такволи кишидек (покиза) бўлганларида ҳам, менинг мулкимга бирор нарса кўшиб кўймадилар. Эй бандаларим, агар авваларингизу охирларингиз, инсонларингизу жинларингиз сизларнинг ораларингиздаги энг калби бузук каби (нопок, ёмон одам) бўлсалар ҳам, менинг мулкимда бирор нарса камайтириб кўймадилар. Эй бандаларим, агар авваларингизу охирларингиз, инсонларингизу жинларингиз бир майдонда туриб мендан хожатларини сўрасалар, хар бирларига сўраганини бераман. Ва бу берганим менинг хузуримдаги нарсаларини хеч камайтирмайди, факат денгизга ботириб олинган игна денгиз сувини канча камайтирса, (улар ҳам шунча камайтиришади).” (Ибни Ражаб раҳимахуллох мазкур хадиси кудсийни шархлаб айтадилар: “Халкларнинг барчаси такводор бўлиб Аллохга тоат-ибодат қилганларида Аллохнинг мулкига бирор нарса зиёда кила олмайдилар. Шунингдек халкларнинг барчаси гунохкор бўлиб гунох қилишганида ҳам Аллохнинг мулкидан бирор нарсани камайтира олишмайди.”)

۱۲ - ممیت بلا مخافة، باعث بلا مشقة.

**12-матн: Аллох таоло кўрқувсиз ўлдиргувчи, машаккатсиз тирилтиргувчидир**

Шарх: Аллох таоло айтади:

”الذي خلق الموت و الحياة ليلوكم أيكم أحسن عملا“ الملك: ۲.

Маъноси: “Аллох шундай зотки, сизлардан қайсиларингиз чиройлироқ амал қилишингизни имтихон қилиши учун ўлим ва хаётни яратди”. (Табарий раҳимахуллох мазкур оятни тафсир қилиб айтадилар: “Аллох таоло хоҳлаган кишисини ўлдиради ва хоҳлаган кишисига хаёт беради. Эй инсонлар, сизлардан қайсиларингиз чиройлироқ амал қилишингиз, қайсиларингиз Аллохга кўпроқ тоат қилишингиз ва қайсиларингиз Ул зот розилигини кўпроқ излашингизни имтихон қилиши учун Ул зот ўлим ва хаётни яратди.” Куртубий раҳимахуллох айтадиларки: “Аллох таоло биринчи ўлимни, кейин хаётни зикр қилди. Сабаби, ўлим аввалроқдир. Чунки бошида нарсалар ўлик ҳукмида бўлган. Масалан: одам келиб чиқадиган маний-уруғ ва тупроқ қабилар.”)

۱۳ . ما زال بصفاته قديما قبل خلقه، لم يزدد بكونهم شيئا لم يكن قبلهم من صفته، و كما كان بصفاته أزليا، كذلك لا يزال عليها أبدًا.

**13-матн: Аллох таоло Ўзининг сифатлари билан қадимдан, халкларини яратишидан олдин бўлган. Ул зотда олдин йўқ бўлган бирор бир сифат, халкларнинг вужудга қилишлари туфайли қўшилиб қолмаган. Ул зот Уз сифатлари билан азалдан бўлгани каби, улар билан абадий қолгувчидир.**

Шарх: Аллох Субхонаху таоло азалдан зотида ҳам, феълларида ҳам қамол сифатлар билан сифатланган. Аллохнинг маълум бир сифати аввалда йўқ эди, кейин бор бўлди, деб эътиқод қилиш мумкин эмас. Агар маълум бир Аллохнинг сифати олдин бўлмаган дейилса, Аллох таоло нуксон-камчилик билан сифатланган бўлади. Аллох Субхонаху ва таоло хар қандай айб ва нуксонлардан пок ва олийдир.

Мазкур сўзлар муътазила, жахмия ва буларга эътикодда йўлдош бўлган баъзи шийъаларга рад жавобини беради. Тилга олинган бу тоифалар даъволарига кўра, Аллох феъл ва гапиришга аввал кодир бўлмаган, кейин кодир бўлган экан. (Бундай эътикод ботил. Бундай нуксондан Аллох Субхонаху ва таоло покдир.)

١٤. ليس بعد خلق الخلق استفاد اسم "الخالق" و لا بإحداثه البرية استفاد اسم "الباري"

**14- матн:** Аллох таоло халкларини яратганидан кейин “Холик-яратувчи” исмини олган эмас ва халкларини бор қилганидан кейин “Ал-Борий” исмига эга бўлган эмас. (Олдин бирор кўриниши бўлмаган халкларни бор қилгувчи исмига “Ал-Борий” деб аталади.)

Шарх: Аллох таоло халкларини яратишдан олдин Холик бўлган ва бу исм билан азалдан номланган. Халкларни яратгандан кейин бу исм билан номланди, деб эътикод қилиш мумкин эмас. “Борий” исми ҳам шундай.

١٥. له معنى الربوبية و لا مر بوب ، و معنى الخالق و لا مخلوق

**15-матн:** Аллох таоло тарбия қилинувчилар-яратилганлар вужудга келишларидан олдин ҳам Ар-Робб-тарбия қилгувчи бўлган ва яратилганлар яралишидан аввал ҳам Ал-Холик-яратувчи бўлган

Шарх: (Аллох таоло барча тарбия қилгувчи маънолари билан Ар-Робб тарбия қилгувчидир. Халкларидан энг биринчисини яратишидан олдин ҳам шундай бўлган. Шунингдек, халкларини яратишидан олдин ҳам Холикдир. Аллох таолони–нг бу ва бундан бошқа исмлари Ул зотда олдин ҳам бўлган, кейин ҳам бўлади. Хумаййис хафизахуллох сўзлари асосида. )

١٦. و كما أنه مُحيي الموتى بعد ما أحيا استحق هذا الاسم قبل إحيائهم، كذلك استحق اسم الخالق قبل

إنشائهم

**16-матн:** Аллох таоло халкларини тирилтирганидан кейин ҳам “Ўликларни тирилтиргувчи” зот. Ушбу исмга халкларни тирилтиришидан олдин ҳам ҳакли бўлган. Шунингдек, “Ал-Холик” исмига ҳам яралганларни яратишидан аввал ҳакли бўлган.

Шарх: Мазкур матн ҳам муътазила ва уларга ўхшаган тоифаларнинг шу масаладаги эътикодини ботилга чиқаради. Юкорида ўтгандек, улар айтишдики: Аллох феъл ва гапиришга аввал кодир бўлмаган, кейин кодир бўлган экан. Ахли суннат вал-жамоат бундай дейдилар: Аллох таоло азалдан нимани хоҳласа, қандай ирода қилса, барига кодир зот.

١٧. ذلك بأنه على كل شيء قدير، و كل شيء إليه فقير، و كل أمر عليه يسير، لا يحتاج إلى شيء،

ليس كمثل شيء، و هو السميع البصير

**17-матн:** Аллох таоло Ўзининг барча сифатлари билан азалдан бўлиши - Унинг ҳар бир нарсага кодир, ҳар бир нарса Унга мухтож, ҳар бир иш Унга осон ва У бирор нарсага мухтож эмаслигидандир. Аллох таолога яратган халқидан бирор нарса ўхшамайди ва тенг кела олмайди. Ул зот барча овозларни эшитгувчи ва ҳар қандай нарсаларни кўргувчи зотдир.

Шарх: Аллох таоло Бақара сурасининг 284-оятда бундай дейди:

" و الله على كل شيء قدير " (البقرة: ٢٨٤)

Маъноси: “Аллох хар бир нарсага кодир зот”. Адашиб кетган муътазила тоифаси: Аллох хар бир кодир бўлган нарсасига кодир. Бандаларнинг феълу харакатларига кодир эмас, деб даъво килишди. Бу борлиқдаги хар бир бўладиган нарса Аллох таолонинг иродаси ва хохиши билан бўлади. Бу масалага иймон келтириш Аллох таолонинг рубубиятига бўлган иймон шартларининг энг мухимидир. Бу борлиқдаги хар бир нарса Аллох таолога мухтождир. У нарса вужудга келиши ва бор бўлиб туришида Аллохга мухтождир. Хар бир иш Аллох таолога осон. Куръонда: “**Бу Аллохга осондир**” деган (Хадид-22). Аллохнинг Ўзи бирор нарсага мухтож эмас. У айбу нуксонлардан пок, олий зот, балки хар бир нарса ўз-ўзидан Унга мухтож. Хар бир нарсанинг Аллох таолога бўлган хожати исбот килинган, тасдиқланган хакикатдир. Мана шу холат хеч ўзгармайди. Хар кандай нарса бир вақтда Аллохга хожатманд бўлиб, бошка бир вақтда хожатсиз бўлиб колмайди ёки бир маконда мухтож бўлиб бошка маконда беҳожат бўлиб колмайди. (Шарҳда Хумаййис хафизахуллохнинг сўзлари хам бор.)

Аллох таоло айтади:

" ليس كمثله شيء، و هو السميع البصير " (الشورى: ١١)

“Аллох таолога яратган халкидан бирор нарса ўхшамайди ва тенг кела олмайди. Хох Унинг зоти, исмлари, сифатлари ё феълларида бўлсин, хеч бир нарса Ул зотга асло ўхшамайди.. Аллох таоло барча овозларни хилма хил тиллар ва сўралаётган турли-турли хожатлар бўлишига карамай эшитгувчи ва Ул зот туннинг зулматида кора тошнинг устида юрган кора чумолининг изини хам ва бундан бошка барча нарсаларни хам кўргувчидир. Саъдий рахимахуллох тафсири асосида)

١٨. خلق الخلق بعلمه

**18-матн: Аллох табарока ва таоло халklarини билиб яратди.**

Шарх: Аллох таоло халklarини билган холда яратди.(Масалан, Аллох таоло канча одам ё канча жин яратишини, уларни хаётлари мобайнида канча таом ейишларини, нима ишлар килишларини, канча хаёт кечирешларини, уларни бахтли ё бахтсиз бўлишларини, жаннат ёки дўзахга боришларини ва бундан бошка хар кандай холатларини билиб яратди.) Куръонда Ул зот айтдики:

"ألا يعلم من خلق و هو اللطيف الخبير" الملك: ١٤

(Саъдий рахимахуллох мазкур оятни бундай тафсир киладилар: “Ахир халklarни гўзалдан-гўзал ва рангбаранг килиб яратган Холик-Аллох таоло билмасми? Кандай билмасин?! Аллох Латиф ва хар нарсадан хабардор зот. Аллох таолонинг Ал-Латиф исми Ул зот барча сиру асрор, яширин ва ичкию ташки нарсаларни билгувчи хамда мўмин бандаларига меҳрибон бўлган зот маъносини англатади.)

١٩. و قدر لهم أقدارا

**19-матн: Аллох таоло халklarининг тақдирларини белгилаб кўйган**

Шарх: Аллох субханаху ва таоло айтади:

"إنا كلَّ شيء خلقناه بقدر" القمر: ٤٩

Маъноси: “**Албатта Биз хар бир нарсани тақдири билан яратганмиз**”. (Камар-49).

Имом Муслим ўзларининг “сахих” китобларида Абдуллох бин Амр разияллоху анхумодан ривоят киладилар, пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам бундай дедилар:

“قَدَّرَ اللهُ مَقَادِيرَ الْخَلْقِ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِخَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ وَكَانَ عَرْشُهُ عَلَى الْمَاءِ”

Маъноси: Аллох таоло осмонлар ва Ерни яратишидан эллик минг йил аввал халкларининг тақдирларини белгилаб кўйди. Ўшанда Ул зотнинг Арши сув устида эди.

۲۰. وَضَرَبَ لَهُمْ آجَالَ

### 20-матн: Аллох субханаху ва таоло халкларининг ажалларини белгилаб кўйди.

**Шарҳ:** Аллох субханаху ва таоло халкларининг ажалларини белгилаб кўйган. Ажаллари келганда, уларни бир соат ортга ҳам, олдинга ҳам сура олмайдилар. Аллох таоло Оли Имрон сурасининг 145-оятда айтади:

“وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَنْ تَمُوتَ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ كِتَابًا مُؤَجَّلًا” آل عمران: ۱۴۵

(Ушбу оят маъносини Ас-Саъдий раҳимахуллох бундай тафсир киладилар: “Жонзотларнинг бари Аллохнинг изни ва тақдири билан ажалларига боғланган. Қачон жонзотга ўлиш тақдири келса, гарчи сабаб бўлмаса ҳам ўлиб кетаверади. Аллох таоло қайси жонзот хаётини давом этишини хоҳлаган бўлса, халокатга олиб боровчи сабаблардан ҳар қандай сабаб унинг бошига тушса ҳам, ажалидан аввал ўлмас. Мана шундай бўлиши, Аллох таоло у жонзотнинг тақдирини белгилаб ҳукм қилиб кўйгани, маълум бир ажални унга ёзиб кўйганлигидандир. “Қачон халкларнинг ажаллари келса, улар ажалларини бир соат орқага ҳам, бир соат олдинга ҳам сура олмаслар”.)

عن عبد الله قال قالت أم حبيبة زوج النبي صلى الله عليه وسلم ثم اللهم أمتعني

بزوجي رسول الله صلى الله عليه وسلم وبأبي أبي سفيان وبأخي معاوية قال فقال النبي صلى

الله عليه وسلم قد سألت الله لأجل مضروبة وأيام معدودة وأرزاق مقسومة لن يعجل شيئا قبل

حله أو يؤخر شيئا عن حله ولو كنت سألت الله أن يعيدك من عذاب في النار أو عذاب في القبر

كان خيرا وأفضل" رواه مسلم

Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам аёллари Умму Хабиба разияллоху анҳо: “Эй Аллох, эрим Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам, отам Абу Суфён ва акам Муовияларнинг умрларини узок қилиш билан мени роҳатлантир”, деб дуо қилганларида, пайгабаримиз саллаллоху алайхи ва саллам айтдиларки: “Сен Аллохдан тақдирлаб қўйилган ажаллар, санаб қўйилган кунлар ва тақсимлаб қўйилган ризқларни сўрадинг. Аллох таоло бирор нарсани ажалидан олдинга сурмас ва ҳеч бир нарсани ажалидан кейинга ҳам қолдирмас. Агар сен Аллохдан дўзахдаги азоб ва қабрдаги азобдан сени қутқаришини сўраганигда, яхшироқ ва афзал бўлар эди.” (Муслим ривояти)

۲۱. وَلَمْ يَخَفْ عَلَيْهِ شَيْءٌ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَهُمْ، وَ عَلِمَ مَا هُمْ عَامِلُونَ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَهُمْ

**21-матн: Аллох таоло халкларни яратишидан олдин Унга бирор нарса махфий бўлмаган. Аллох таоло уларни яратишидан олдин нима амал килишларини билган.**

Шарх: Аллох субханаху ва таоло бўлиб ўтган нарсаларни, бўлаётганларини, энди бўладиганларини, ўтмишда бўлмаган ишларни ва борди-ю бўлганда, кандай амалга ошишини билади. Бу сўзлар рофиза ва кадария тоифалари эътикодларини рад этади. Уларнинг айтишича, Аллох таоло бир нарсани яратиши ва вужудга келтиришидан бурун, уни билмас эмиш. Бу эътикод ботил. (Ахмад Ал-Хилол раҳимахуллох (234-311-хижрий йиллар орасида яшаганлар) ўзларининг “Ас-суннату лил-Хилол” деб номланган китобларида куйидаги нақлни келтирадилар: Абдуллох бин Ахмад айтадиларки: “Отам (Ахмад бин Ханбал) га: “Рофизий ким? деб савол бердим. У киши: “Абу Бакр ва Умар раҳимахумаллохларни сўкиб, хакорат киладиган кимса” деб жавоб бердилар” Исноди сахих. Куртубий раҳимахуллох эса тафсир китобларида бундай дейдилар: “Рофизалар 12 фиркага бўлинишади: Алавийлар, Амрийлар, Шийъалар, Исхокийлар, Новусийлар, Имомийлар, Зайдийлар, Аббосийлар, Таносухийлар, Рожъийлар, Лоъиналар ва Мутабаррисалар. Мазкур тоифалар эътикоди билан танишмокчи бўлган биродаримни Куртубий тафсирининг 4-жуз 158-саҳифасига мурожаат килишини тавсия киламан.)

۲۲. و أمرهم بيطاعته، و نهاهم عن معصيته

**22-матн: Аллох таоло халкларини Ўзига итоат килишга буюрди ва Ул зотга осий бўлишлари-гунох килишларидан кайтарди**

Шарх: Таховий раҳимахуллох яратиш ва тақдир хақидаги матнлардан кейин буйрук ва кайтарик хақида матн келтирдилар. Бунда, Аллох таоло халқини факат Унинг Ўзига ибодат килишлари учун яратганлигига ишора бор. Аллох таоло айтганидекки:

"و ما خلقت الجن و الإنس إلا ليعبدون. " سورة الذاريات: ۵۶

(“Аллох табарока ва таоло бандаларини ширк келтирмасдан, ёлғиз Унинг Ўзигагина ибодат килишлари учун яратганининг хабарини бермоқда. Кимда ким Аллохга итоат қилса, Аллох унга мукофотини тўлиқ қилиб беради. Кимки Ул зотга осий бўлса, Аллох уни қаттиқ азоблайди” Ибни Касир раҳимахуллох тафсири).

۲۳. و كل شيء يجري بتقديره ومشيئته، و مشيئته تنفذ، لا مشيئة للعباد، إلا ما شاء لهم، فما شاء لهم كان، و ما لم يشأ لم يكن

**23-матн: Хар бир нарса Аллохнинг тақдири ва хохиши билан содир бўлади. Ул зотнинг хохиши албатта амалга ошади. Бандалар учун бирор бир хохиш йўқ. Факат, Аллох таоло уларга нимани хоҳласа, у юзага келади. Демак, Аллох субханаху ва таоло халқига нимани истаса, (у ҳеч бир тўсиқсиз) вужудга келади, ниманики хоҳламаса, (бутун халқ жамланиб уринганда ҳам, ҳеч қачон) юзага келмайди.**

Шарх: Аллох таоло Таквир сурасининг 29-оятда бундай дейди:

"و ما تشاءون إلا أن يشاء الله رب العالمين" التكوير: ۲۹

(Мазкур оят маъносини Ибни Касир раҳимахуллох куйидагича баён қиладилар: “Сизлар фақат бутун оламларнинг Роббиси бўлган Аллох хохласагина хохларсизлар. Хошиш сизларнинг кўлингизда эмас. Аллох таоло кимга хидоят беришни хохласа, у одам албатта хидоят топади, кимнинг адашишини истаса, у кимса шубҳасиз адашиб кетади. Бу ишларнинг бари оламлар Роббиси бўлган Аллох таолонинг хошишига боғлиқ. Суфёнус-Саврий Саъийд бин Абдулазиздан, бул киши эса Сулаймон бин Мусодан ривоят қиладилар, айтадиларки: “Аллох сизлардан кимни хидоят топиб, тўғри йўлдан юришингизни хохлаган бўлса, (Куръон унга ибрат оладиган эслатма бўлади, маъносидаги) оят тушганда, Абу Жаҳл айтдики: “Иш, ўзимизнинг кўлимизда. Хохласак, тўғри бўламиз, хохласак эгри бўламиз”. Шунда Аллох таоло юкоридаги “Сизлар фақат бутун оламларнинг Роббиси бўлган Аллох хохласагина хохларсизлар” оятини туширди”.)

Ушбу ва шунга ўхшаш оятлар Ахли суннатнинг Аллох таоло нимани хохласа бўлади, нимани хохламаса бўлмайди, деган эътиқодига далил бўлади. Ахир, Аллохнинг мулкида Ул зот хохламаган нарса қандай бўлсин?! Эмишки, Аллох кофирнинг иймонли бўлишини хохлаган. Кофир эса, куфрни хохлаб кофир бўлган экан. Кофирнинг хошиши Аллохнинг хошишдан устун келган!!! Бундай ботил гапни айтган кимсадан-да адашганрок ва куфр боткогига ботганрок кимса борми?! Аллох бундай кимсалар айтаётган сўзлардан улуг ва олий Зот.

Вахб бин Мунаббах раҳимахуллох айтадилар: “Тақдир масаласида (чуқур кетиб), назар солган эдим, хайратда қолдим. Кейин қайта назар қолдим, яна хайратда қолдим. Шунда, тақдир тўғрисида одамларнинг энг билгувчилари (бу масалани ақлларига солмайдиган, унда чуқур кетмасдан) ўзларини тиядиган кишилар экан, бу борада одамларнинг энг жохиллари эса, у ҳақда кўп гапирадиганлар экан, деб ҳулоса қилдим”. (Вахб бин Мунаббах раҳимахуллох 34-ҳижрий йил, Усмон разияллоху анхунинг халифалик замонларда тугилганлар. Ибни Аббос, Абу Хурайра ва бошқа саҳобалардан таълим олган тобиийлардан бўладилар. Бу киши тўғрисида Ахмад раҳимахуллох бундай деганлар: “Вахб бин Мунаббах форслар фарзандидан, шарафли киши бўлганлар”. Баъзи ровийлар: Вахб бин Мунаббахни золим халифалардан бири азоблаб-азоблаб ўлдирган, деб ривоят қилишади. Аллох таоло бу кишини Ўз раҳматига олсин! Ушбу маълумотлар Аз-Захабий раҳимахуллохнинг “Сияру аъламин-нубалаъ” китобларидан олинди.)

يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ، وَ يَعْصِمُ وَ يُعَافِي، فَضْلًا، وَ يُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ، وَ  
يَخْذُلُ وَ يَبْتَلِي، عَدْلًا ۲۳

**24-матн: Аллох таоло Ўзининг фазл ва раҳмати билан хохлаган бандасини хидоят қилади, адашиб кетишидан саклайди ва балою офатлардан саломат қолдиради. Ул зот Ўзининг адолати билан хохлаган кулини адаштиради, шубҳалардан уни сакламайди ва балою офатларга мубтало қилади.**

Шарҳ: Мазкур сўзлар мўтазила фиркасининг эътиқодини рад этади. Улар айтишадики: Аллох томонидан бўлган хидоятнинг маъноси-тўғри йўлни баён қилиш. (Бу тушунча ботил. Ахли суннат уламолари хидоятни икки қисмга бўлишади. 1.Тавфик хидояти. 2. Тўғри йўлни баён қилиш

хидояти. Аллох таоло бир бандасига Иймон ато этса, уни хидоят килди, деб аталади. Тавфик хидояти мана шу. Ушбу хидоят факат Аллох таоло томонидан бўлади. Бирор бир киши, хатто пайгамбар ва фаришта ҳам ўзларича бирор одамга Иймону тавфик бера олмаслар. Хидоятнинг иккинчи – тўғри йўлни баён қилиш – турини пайгамбарлар ва олимлар қилишлари мумкин.) Зеро, пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам , ҳам яхши кўрган, ҳам ёмон кўрган одамларига тўғри йўлни баён қилганлар. Аллох таоло Касос сурасининг 56- оятида бундай мархамат қилади:

"إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَ لَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ" الْقِصَص: ٥٦

(Саъдий раҳимахуллох ушбу оят маъносини бундай баён қиладилар: “Эй Мухаммад, сиз бирор бир кишига, гарчи энг яхши кўрган одамингиз бўлса ҳам, тавфик хидоятини бера олмасиз. Чунки тавфик хидоятга, калбга Иймон беришга халклар кодир эмас. Бу, факат Аллох таолонинг кўлида бўлган иш. Ул зот хоҳлаган бандасини хидоят қилади. Хидоятга кимлар салоҳиятли эканини ёлғиз Ул зот билади. Шунинг учун Унинг Ўзи билиб хидоят қилади. Хидоятга салоҳиятли бўлмаган қулини эса, адашишлигида ташлаб кўяди”).)

Аллох таоло Сажда сурасининг 13-оятида айтади:

"وَلَوْ شِئْنَا لَآتَيْنَا كُلَّ نَفْسٍ هُدَاهَا" السجدة: ١٣

(Мазкур оят маъносини ҳам Саъдий куйидагича тафсир қиладилар: “Аллох таоло айтади: Агар Биз хоҳлаганимизда, одамларнинг барчасига хидоят бериб, тўғри йўлга йўллаган бўлар эдик. Аммо, одамларнинг барини хидоят устида бўлишидан хикмат-яъни Аллохнинг хикмати бош тортиди.)

Ул зот Муддассир сурасининг 31-оятида эса бундай дейди:

"يُضِلُّ اللَّهُ مَن يَشَاءُ وَيَهْدِي مَن يَشَاءُ" المدثر: ٣١

(Маъноси: “Аллох хоҳлаган бандасини адаштиради. Истаган бандасини эса хидоят қилади”).)

٢٥. وَ كُلُّهُمْ يَتَقَلَّبُونَ فِي مَشِينَتِهِ، بَيْنَ فَضْلِهِ وَ عَدْلِهِ

**25-матн:** Халкларнинг хаммалари Аллох таоло хоҳишининг ичиди, фазлу раҳмати ва адолати орасида хаёт кечирадилар.

Шарх: Аллох субхонаху ва таоло айтади:

"هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ فَمِنْكُمْ كَافِرٌ وَ مِنْكُمْ مُؤْمِنٌ" التَّغَايُن: ٢

(Саъдий раҳимахуллох бу оятни куйидагича тафсир қиладилар: Аллох таоло халкларни яратганини эслатиб, кимнидир мўмин, кимнидир кофир қилганини хабар беради. Одамларнинг хаммаларини мўмин ё кофир бўлишлари Аллох таолонинг тақдирига боғлиқ.) Аллох таборака ва таоло кимни хидоят қилган бўлса, фазли ва раҳмати сабабли. Ул зотга мактовлар бўлсин! Кимни адаштирган бўлса, адолати туфайлидир. Ул зотга хамдлар бўлсин!

٢٦. وَ هُوَ مُتَعَالٍ عَنِ الْأَضْدَادِ وَ الْأَنْدَادِ

**26-матн:** Аллох таоло муҳолиф-карши чикувчи ва ўхшашлардан олий бўлган зотдир.

Шарх: Аллох субхонаху ва таолога каршилиқ қилувчи бирор кимса йўқ. Ул зот нимани хоҳласа бўлади, хоҳламаса ҳеч қачон бўлмайди. Ул зотга тенг келадиган, ўхшайдиган бирор нарса йўқ. Аллох таоло Ихлос сурасининг 4-оятида айтади:

" و لم يكن له كفؤاً أحدٌ "الإخلاص: ٤

(Ушбу оят тафсирида Табарий раҳимахуллох куйидаги нақлни келтирадилар: "Мушриклар пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам га: «Роббингиз насабини бизга таништиринг» деган савол беришганда, Аллох таоло куйидаги оятларни туширган: "Айтинг, Аллох якка. Аллох беҳожат. Ул зот тугмаган ва тугилмаган. Ул зотга тенг келадиган бирор кимса йўк". Чунки, ҳар қандай тугилмаган жонзот борки, албатта ўлади ва ҳар бир ўлаётган жонзот ўзидан кейин мерос қолдиради. Аллох субҳонаху ва таоло ҳеч қачон ўлмади, мерос қолдирмади ва Ул зотга тенг келувчи бирор нарса йўк. Ул зотга ҳеч нарса ўхшамади. Хох Унинг зоти, исмлари, сифатлари ё феълларида бўлсин, ҳеч бир нарса Ул зотга асло ўхшамас.)

"Банда ўзининг феълларини ўзи яратади" деб даъво қилган мўтазилаларга бу сўзлар қарши ҳужжат бўлади.

٢٧. لَا رَادَ لِقَضَائِهِ، وَلَا مُعَقَّبَ لِحُكْمِهِ، وَلَا غَالِبَ لِأَمْرِهِ

**27-матн:** Аллох таолонинг ҳукмини бирор бир рад этувчи, кечиктирувчи ва Ул зотнинг амрига голиб келувчи бирор нарса йўк.

Шарх: Чунки, Аллох субҳонаху ва таоло яккаю ягона Қаҳҳор зотдир.

٢٨. آمَنَّا بِذَلِكَ كُلِّهِ، وَ أَيْقَنَّا أَنَّ كَلَامَ مِنْ عِنْدِهِ

**28-матн:** Юкорида ўтган эътиқод масалаларининг ҳаммасига иймон келтирдик ва ҳаммаси Аллохнинг ҳузуридан эканлигига мувқин бўлдик (қалбимизда Иймон қарор топди).

Шарх: Сувни ҳовузда тиниб, қарор топишига иймон дейлади. Юкорида ўтган – ҳамма нарса Аллохнинг хоҳиши ва тақдири билан бўлиши тўғрисидаги - эътиқод масалаларига бўлган иймон бизнинг қалбимизда сув қаби қарор топди, яъни мувқин бўлдик.

٢٩. وَإِنْ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ الْمُصْطَفَى، وَ نَبِيَّهِ الْمُجْتَبَى، وَ رَسُولَهُ الْمُرْتَضَى

**29-матн:** Албатта Мухаммад Аллохнинг танланган қули, пайгамбари ва рози бўлган элчисидир.

Шарх: Қулчилик, бандалик вазифаларини адо этиш билангина яралмиш жонзот қамол топади. Қиши ўзининг қуллик вазифасини қиройли бажариб борган сайин, қамол хам зиёда бўлиб, даражалари қўтарилаверади. Аллох таоло одамларнинг энг яхшиси ва пайгамбарларнинг саййиди бўлган Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам ни энг шарафли мартабаларда қул деб номлади. Чунки инсон қуллик доирасидан ҳеч қачон қикмайди. Одам солих амаллар қилиб, юкори мартабага қўтарилиб борганда, қуллик вазифасини қўзал адо этди дейилиши, қамситилган ном эмас, балки шарафдир. (Ислом яшнаб қетаётган бугунги қунимиз пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам нинг пайгамбар эканлиқларини исбот қиладиган далиллар келтиришга беҳожат қилди.)

٣٠. وَإِنَّهُ خَاتَمُ الْأَنْبِيَاءِ

**30-матн:** Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам пайгамбарларнинг охиригиси бўладилар.

Шарх: Аллох таоло бундай деди:

"ولكن رسول الله و خاتم النبيين" الأحزاب: ٤٠

(Мазкур оят маъносини Табарий куйидагича тафсир қиладилар: “(Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам ) Аллохнинг расули ва пайгамбарларнинг охиргиси бўладилар. Бу кишидан кейин пайгамбарликка мухр қўйилди. Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам дан кейин, Киёмат кунигача бирор кишига пайгамбарлик берилмас”).

(عن أبي حازم قال: قاعدت أبا هريرة خمس سنين فسمعتة يحدث عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: " كانت بنو إسرائيل تسوسهم الأنبياء كلما هلك نبي خلفه نبي وإنه لا نبي بعدي صحيح البخاري ج: ٣ ص: ١٢٧٣

Абу Хозимдан ривоят қилинади, айтадилар: Абу Хурайра мажлисларида беш йил ўтирдим. У кишининг пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам дан сўзлаб берган куйидаги хадисларини эшитдим. Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: (Маъноси)“Ёкуб алайхиссаломнинг авлоди деб аталмиш Бану Исроилни пайгамбарлар бошқарар эди. Хар қачон пайгамбар вафот этганда, унинг ўрнига бошқа пайгамбар келган. Мендан кейин эса бирор пайгамбар йўқ. (Мен пайгамбарларнинг охиргисиман).”

و عن ثوبان قال: قال رسول الله : "وإنه سيكون في أمتي ثلاثون كذابا كلهم يزعم انه نبي وإني خاتم النبيين لا نبي بعدي" صحيح ابن حبان ج: ١٦ ص: ٢٢١

Савбон разияллоху анхудан ривоят қилинади айтадилар: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бундай дедилар: “Менинг умматим орасида ўттизта каззоб-қўп ёлгон гапирувчи бўлади. Уларнинг хар бири ўзини пайгамбарман деб даъво қилади. Мен пайгамбарларнинг сўнгисиман. Мендан кейин пайгамбар бўлмас.)

(Ушбу сўзлар, пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам дан кейин пайгамбарликни даъво қилган хар бир ёлгончи, жумладан Ахмад Кодиёний ва унга эргашганларга қарши ҳужжат бўлади.)

و إمامُ الأتقياء .٣١

**31-матн: Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам такводорлар имоми бўладилар**

Шарх: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам эргашиладиган имомдирлар. Аллох таоло У кишини иқтидо қилиниш учунгина юборган. Аллох таоло Оли Имрон сурасида айтади:

" قل إن كنتم تحبون الله فاتبعوني يحببكم الله" آل عمران: ٣١

Маъноси: “Эй Мухаммад, айтинг, агар сизлар Аллохни яхши кўрсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллох сизларни яхши кўради”.

Кимда ким пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам га эргашса, такводорлар жумласига қиради.

٣٢. و سيّد المرسلين

### 32-матн: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам юборилган элчиларнинг сайиди бўладилар

Термизий, Ибни Можох ва Ахмад раҳимахумуллохлар ривоят қилган хадисда пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам айтадилар:

"أنا سيّد ولد آدم ولا فخر" رواه الترمذي، و ابن ماجه، و أحمد

Маъноси: "Мен Одам болаларининг сайидиман, лекин фахрланмайман" деганлар.

۳۳. و حَبِيبُ رَبِّ الْعَالَمِينَ

### 33-матн: Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам оламлар Роббисининг суюкли бандасидирлар.

Шарх: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам нафакат Аллохнинг суюкли бандаси, балки Аллохнинг халили бўладилар. Чунки Аллохнинг суюкли бандалари кўп. Аммо халиллик факат пайгамбаримиз ва Иброхим صلى الله عليهما وسلم ларгагина ато этилган. Муслим раҳимахумуллох ривоят қилган хадисда Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам айтадилар:

"إِنَّ اللَّهَ اتَّخَذَنِي خَلِيلًا كَمَا اتَّخَذَ إِبْرَاهِيمَ خَلِيلًا" رواه مسلم

Маъноси: "Албатта Аллох Иброхимни Ўзига халил қилиб олганидек, мени ҳам Ўзига халил қилиб олди". (Бир инсонни ўзига тўлик яхши кўриб дўст тутишга халил қилиш дейилади).

۳۴. و كُلَّ دَعْوَى النُّبُوَّةِ بَعْدَهُ فَعَيَّ وَ هُوَ

### 34-матн: Пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам дан кейинги хар бир пайгамбарлик даъвоси адашиш ва хавои-нафсдир

Шарх: (Кимки Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам дан кейин ўзини пайгамбарман деб даъво қилса ёки бошқа бир одамни пайгамбар деса, шубхасиз кофир бўлади. Бундай кимсанинг даъвосини тасдиқлаган киши ҳам кофир бўлади. Балки бу ҳақда иккиланса ҳам кофир бўлади. Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам дан кейин бошқа ҳеч қандай пайгамбар бўлмади деб иймон келтирган инсон мўминдир. Ҳа, баъзан у кишидан кейин пайгамбарликни даъво қилувчи ёлгончилар бўлади, гайри оддий ходисалар келтиради. Унга эргашувчилар ҳам бўлади. Лекин тез шармандаси чиқиб, иши охирига етмайди. Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам дан кейинги барча пайгамбарлик даъвогарларига бу ҳолат юз берган. Пайгамбаримиз Мухаммадга Аллохнинг салоту саломлари бўлсин. Хумаййис сўзлари асосида.)

۳۵. و هُوَ الْمَبْعُوثُ إِلَىٰ عَامَّةِ الْجَنِّ وَ كَافَّةِ الْوَرَىٰ، بِالْحَقِّ وَ الْهُدَىٰ، وَ بِالنُّورِ وَ

الضِّيَاءِ

### 35-матн: Пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам жинларнинг оммаси ва халқларининг барчасига ҳақку хидоят ва нуру зиё билан юборилган энг улуг пайгамбар бўладилар

Шарх: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам дан илгари ўтган пайгамбарлар факат ўз қовмларига юборилган. Бу киши эса, барча жин ва инсон тоифаларига юборилганлар.

Жинларнинг оммасига юборилганига Ахкоф сурасининг куйидаги 31-ояти далил бўлади:

"يا قومنا أجبوا داعي الله" الأحقاف: ۳۱

(Ушбу оят маъносини Суютий раҳимахуллох Жалолайн тафсирларида бундай баён киладилар: Жинлар Куръонни эшитишгач кавмларига айтишди: Эй кавмларимиз Иймонга чакиргувчи бўлган Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам даъватларини ижобат қилиб, Ул зотга Иймон келтиринглар.)

Инсонларнинг барчасига юборилганига эса, Сабаъ сурасининг мана бу ояти асос бўлади:

" و ما أرسلناك إلا كافة للناس بشيرا و نذيرا"سيا: ٢٨

(Оят маъносини Табарий бундай тафсир киладилар: "Аллох таоло айтади: Эй Мухаммад, Биз Сизни Аллохга ширк келтирувчи бу мушрик кавмингизгагина хос пайгамбар қилиб юборганимиз йўқ. Биз Сизни одамларнинг барчасига - арабию арабмаси, кизилию корасига юбордик. Сизга тоат қилганларига хушxabар берувчи, ёлгонга чиқарувчиларига эса, дўзах олови билан оғохлантирувчи қилиб юбордик.)

Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам нинг ўзлари Бухорий ривоят қилган хадисда: *"Пайгамбарлар ўз кавмларига хоссатан юборилар эди, мен эса инсонларнинг барчасига юборилдим"* деганлар. (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

٣٦. و إن القرآن كلامُ الله، منه بدأ بلا كيفية قولاً، و أنزلهُ على رَسُوْلِهِ وَحْيًا، و صدَقَهُ الْمُؤْمِنُونَ على ذلك حقًا، و أيقنُوا أَنَّهُ كَلامُ الله تعالى بالحقيقة، لَيْسَ بِمَخْلُوقٍ كَكلامِ البريةِ، فَمَنْ سَمِعَهُ فَرَعَمَ أَنَّهُ كَلامُ البَشَرِ فَقَدْ كَفَرَ، و قد نَمَّه اللهُ و عابَهُ و أوعدَهُ بسَقَرٍ حيثُ قال تعالى: { إن هذا إلا قولُ البَشَرِ المدثر: ٢٥ – عَلِمْنَا و أيقنَّا أَنَّهُ قولُ خَالِقِ البَشَرِ، و لا يُشبههُ قولُ البَشَرِ

**36-матн:** Албатта Куръон Аллохнинг каломи. Аллохдан сўз бўлиб, кайфиятсиз (яъни канакалиги номаълум бўлиб) юзага чиқкан. Аллох таоло уни Ўз расулига вахий (яширин сўз) қилиб туширди. Мўминлар уни ҳақ деб тасдиқлашди. Куръон ҳақиқатда Аллох таолонинг каломи эканлиги ҳақидаги Иймон уларнинг калбида қарор топди. Куръон халқларнинг сўзлари каби яратилган эмас. Кимки уни эшитиб, бу одамнинг сўзи деб даъво қилса, шубҳасиз кофир бўлади. Аллох бундай кимсани коралаган, айлаган ва унга сақар дўзахини ҳозир қилган. Аллох таоло шу маънода айтдики: "Куръон Аллохнинг сўзи эмас, одамнинг сўзи, деган кимсани яқинда сақар дўзахига киритажакман" (Муддассир: 25-26). Аллох таоло бунақа кимсага сақарни тайёрлаб кўйгани маълум бўлгач, биз, шак- шубҳасиз Куръон одамзот яратувчисининг сўзи эканлигини ҳамда инсоният сўзига ўхшамаслигини билдик ва калбимизда Иймонимиз қарор топди.

**Шарҳ:** Мазкур матн улуг қоида ва дин асосларининг энг муҳимларидан ҳисобланади. Бу борада одамларнинг кўп тоифалари адашиб кетишди. Таҳовий раҳимахуллох келтирган матн ҳақиқат. Аллох таоло шак-шубҳасиз гапиради. Ул зотга гапириш сифатини исботлаб, Иймон келтиради. Айбу нуксонлардан пок ва олий бўлган Роббимизнинг қандай гапиришини биз билмаймиз. Ушбу сўзлар Мўтазила тоифасининг даъвосини йўққа чиқаради. Уларнинг даъвосича Куръон Аллохнинг гапи эмас, яратилган бир махлук экан. Қуйидаги ва ундан бошқа кўп далиллар уларнинг ақидасини ботилга чиқаради. Аллох таоло айтади:

"و كلم الله موسى تكليما" النساء: ١٦٤

Маъноси: (“Аллох таоло Мусога гапирди” дегани, Аллох таоло Мусога Ўзининг сўзи билан хитоб килди, маъносини англатади. Табарий тафсиридан.)

۳۷. وَمَنْ وَصَفَ اللَّهَ بِمَعْنَى مِنَ مَعَانِي الْبَشَرِ، فَقَدْ كَفَرَ. مَنْ أَبْصَرَ هَذَا اعْتَبَرَ. وَعَنْ مِثْلِ قَوْلِ الْكُفَّارِ انْزَجَرَ. عَلِمَ أَنَّهُ بِصِفَاتِهِ لَيْسَ كَالْبَشَرِ

**37-матн:** Кимки башариятдаги бўлган сифатлардан бири билан Аллохни сифатласа, шубхасиз кофир бўлади. Бундай кимсанинг холатига назар солган киши ибрат олади, бу каби кофирларнинг сўзидан тийилади ва Аллох таолони Ўзининг комил сифатларида инсонга ўхшамаслигини билиб олади.

Шарх: Таховий раҳимахуллох, Куръон Аллохнинг хақиқий каломи деган матндан кейин, Аллох таоло Ўзининг сифатлари билан одам каби эмаслигини эслатадилар. Аллох таоло гапирувчи, аммо одам каби гапирмайди. Аллох таолога бирор нарса ўхшамайди ва тенг кела олмайди. Хох Унинг зоти, исмлари, сифатлари ё феълларида бўлсин, хеч бир нарса Ул зотга асло ўхшамас. Ул зот барча овозларни эшитувчи ва хар қандай нарсаларни кўргувчи зотдир.

Аллохнинг сифатларини йўқка чиқарувчи кимса, йўқ нарсага ибодат қилаётган бўлади. Ул зотнинг сифатларини яратилганларга ўхшатган кимса эса, бутга сигинаётган бўлади.

۳۸. وَ الرُّؤْيُ حَقٌّ لِأَهْلِ الْجَنَّةِ، بَغَيْرِ إِحَاطَةٍ وَ لَا كَيْفِيَّةٍ، كَمَا نَطَقَ بِهِ كِتَابُ رَبَّنَا: ﴿وَجُوهُ يَوْمَئِذٍ نَاضِرَةٌ إِلَى رَبِّهَا نَاطِرَةٌ﴾ الْقِيَامَةُ: ۲۲-۲۳. وَ تَفْسِيرُهُ عَلَى مَا أَرَادَ اللَّهُ تَعَالَى وَ عَلَيْهِ، وَ كُلُّ مَا جَاءَ فِي ذَلِكَ مِنَ الْحَدِيثِ الصَّحِيحِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَ آَلِهِ وَ سَلَّمَ فَهُوَ كَمَا قَالَ، وَ مَعْنَاهُ عَلَى مَا أَرَادَ، لَا نَدْخُلُ فِي ذَلِكَ مُتَأَوِّكِينَ بِأَرَانِنَا وَ لَا مُتَوَهِّمِينَ بِأَهْوَانِنَا، فَإِنَّهُ مَا سَلَّمَ فِي دِينِهِ إِلَّا مَنْ سَلَّمَ لِلَّهِ عَزَّ وَ جَلَّ وَ لِرَسُولِهِ وَ رَدَّ عَلِيمٌ مَا اشْتَبَهَ عَلَيْهِ إِلَى عَالِمِهِ

**38-матн:** Жаннат ахлининг камраб олувсиз ва кайфиятсиз (яъни қандайлиги маълум эмас) бўлиб, Аллохни кўришлари ҳақ. (“Камраб олувсиз” деган сўзнинг маъноси: Мўминлар Аллохни Киёмат кунида кўришганда, Аллох таолонинг улканлигидан уларнинг кўзлари Ул зотни камраб ололмас. Аллохнинг кўзи эса барча халойикни камраб олур. Табарий тафсиридан нақл қилдик). Бу ҳақда Роббимизнинг китобида бундай оятлар келади: (Табарий раҳимахуллох баёнлари:) “Киёмат кунида бахтли юзлар неъмат билан лаззатланиб, чиройли бўлган холда Роббиларига бокиб тургувчидир!” Киёмат: 22-23. Аллох таолони кўриш тўғрисидаги баён Ул зотнинг хошиши ва илмига хавола қилинади ҳамда бу ҳақда Расуллуллох саллаллоху алайхи ва саллам томонларидан келган барча саҳих ҳадислар, У киши айтганлари ва хоҳлаганларидек қабул қилинади (қиска ақлларга солиб кўрилмайди). Биз, ақлга солинмайдиган бу каби эътиқод масалаларига ўзларимизнинг фикрларимиз билан йўйиб ва хавою хошишларимиз билан тахмину гумонлар қилиб қиришиб кетмаймиз. Чунки инсон, Аллох таоло ва Унинг расули саллаллоху алайхи ва саллам га таслим бўлиб ҳамда

**аклига сигдира олмаган масалалар илмини Олимига кайтармагунча динида саломат колмайди.**

Шарх: Аллохни кўриш хакидаги бу мусаффо эътикодга жажмиёллар, мўтазилийлар ва буларга эргашган баъзи Хаворижлар ҳамда имомийлар карши чикишди. Китобу суннат буларнинг даъволарини ботилга чикаради. Сахобалар, Тобиинлар, Ислондаги таникли имомлар, Ахли хадислар ва ўзларини Ахли суннат ва жамоатга нисбат берадиган Ахли калом тоифалари Аллох субхонаху ва таолонинг кўрилишини исбот килишади. Бу хакикатдир.

Бу масала динимиз асосларининг энг шарафли ва улуг масалаларидан саналади. (Эътикод масалаларини аклга солиб, сигса Иймон келтириб кабул килиш, сигмаса, ояту хадислар маъноларини ўзгартириб, рад этиш мумкин эмас. Эътикод акл билан ўлчанмайди. Таслим бўлиб Иймон келтирилади.)

Аллох таоло Юнус сурасининг 26-оятда айтади:

" للذين أحسنوا الحسنى وزيادة" يونس: ٢٦.

Маъноси: "Чиройли амал килган кишилар учун гўзал окибат (жаннат) ва зиёда бордир". Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам оятдаги "зиёда" калимасини Муслим рахимахуллох ривоятларида, охиратда Аллох таолонинг юзига караш, деб тафсир килганлар. Яна Бухорий ривоят килган хадисда: **"Якинда сизлар ойни кўрганингиздек, Роббингизни кўрасиз. У зотни кўришда талашиб-тортишмайсиз"** деганлар. Аллохга караш, ахли жаннат неъматланадиган неъматларнинг энг улугидир. Бу хақда пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам дан ворид бўлган хадислар мутавотир (одатда ёлгонга иттифок килишлари мумкин бўлмаган, жамоатдан ана шу каби жамоат ривоят килган хадис) даражасига етган.

(Катта гунох килган мусулмон кофир бўлиб, дўзахда абадий қолади, деган эътикод билан адашиб кетганларга Хаворижлар дейилади. Куртубий рахимахуллох тафсир китобларида Хавориж тоифаси тўгрисида куйидаги сўзларни накл киладилар: "Харурийлар-Хаворижлар ўн икки тоифага бўлинадилар: Азракийлар, Ибозийлар, Саълабийлар, Хозимийлар, Халфийлар, Кавзийлар, Канзийлар, Шамрохийлар, Ахнасийлар, Хукмийлар, Мўтазилалар ва Маймунийлар. Мазкур тоифалар эътикоди билан танишмокчи бўлган биродаримни Куртубий тафсирининг 4-жуз 158-сахифасига мурожаат килишини тавсия киламан.)

(Адашган Имомия тоифаси куйидагича эътикод килади: Хусан фарзандидан бўладиган имомсиз Дунёнинг туриши мумкин эмас. Имомга Жибрил алайхиссалом илм ўргатади. Вафот этганда, ўрнига бошқасини алмаштиради.)

٣٩. و لا تثبت قدم الإسلام إلا على ظهر التسليم و الاستسلام

**39-матн: Ислоннинг қадами Аллох таолога таслим бўлиш ҳамда Ул зот билан Расуллаллох соллаллоху алайхи ва саллам томонларидан келган шариатга итоат килиш билангина собитқадам бўлади.**

Шарх: Куръон ва Суннат кўрсатмаларига таслим бўлган, уларни тасдиқлаб бўйинсунган, хаваю нафси, шак-шубхаси ва фикру акли билан уларга каршилиқ килмаган инсонгина Ислоннинг хакикатида саботли ва тўгри эътикодли бўлади. Бухорий Ибни Шихоб Зухрийдан (уларга

Аллохнинг раҳмати бўлсин!) ривоят киладилар, айтадиларки: “Рисолат-пайгамбарлик Аллох хузуридан. Етказиш Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам томонларидан. Бизга эса таслим бўлиш фарз”.

٤٠. فَمَنْ رَامَ عِلْمَ مَا حُظِرَ عَنْهُ عِلْمُهُ، وَلَمْ يَقْنَعْ بِالتَّسْلِيمِ فَهَمُهُ، حَجَبَهُ مَرَامُهُ عَنْ خَالِصِ التَّوْحِيدِ، وَصَافِي الْمَعْرِفَةِ، وَصَحِيحِ الْإِيمَانِ، فَيَتَذَنَّبُ بَيْنَ الْكُفْرِ وَالْإِيمَانِ، وَالتَّصَدِيقِ وَالتَّكْذِيبِ، وَالْإِقْرَارِ وَالْإِنْكَارِ، مُوسَّسًا تَابَهَا، شَاكَا، لَا مُؤْمِنًا مُصَدِّقًا، وَلَا جَاحِدًا مُكْذِبًا”

**40-матн:** Кимки, билиш такикланган илмни ўрганишни касд килса, унинг фаҳми таслим бўлиш билан каноат топмаса, бу мақсад уни тавҳиднинг хақиқатидан, мусаффо тушунчадан ва саҳих иймондан тўсиб қўяди. Шунда бу кимса куфр билан иймон, тасдиқлаш билан ёлгонга чиқариш ва икром бўлиш билан инкор қилиш орасида васваса қилинган холда йўл йўқотган ва шак келтириб сарсонун саргардон бўлиб дайдийди. Ё тасдиқ қилган мўминмас, ё ёлгонга чиқарган кофирмас бўлиб қолади.

Шарх: Мазкур матн, дин асосларида ва ундан бошқисида ҳам илмсиз гапириш такикланган эканини янада таъкидлайди. Аллох таоло айтади:

” وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ، إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا” (الإسراء: ٣٦)

Оят маъносини Табарий раҳимахуллох бундай тафсир киладилар: “Одамларга илминг бўлмаган нарсалар хақида гапирма. Шубҳасиз кулок, қўз ва юрак - буларнинг бари масъул бўлади. Яъни, Аллох таоло бу аъзолардан уларнинг эгаси нима амаллар қилганини сўрайди. Киёмат кунда кулок эшитгани, қўз қўргани ва қалб қилган эътиқоди хақида сўралажак”.

(Ушбу матндаги такикланган илмдан мақсад гайб илмидир. Уни фақат Аллох таоло билади. Баъзиларини ўзи хоҳлаган пайгамбарига билдиради. Гайб илмини билишга уриниш мумкин эмас. Уни ҳеч ким била олмайди ҳам. Фалсафа билан шугулланиш ҳам шу жумлага қиради.) Абу Ханифа раҳимахуллохнинг энг пешқадам ўқувчиси бўлган Абу Юсуф раҳимахуллохдан ривоят қилинади, айтадиларки: “Калом-фалсафа илмини билиш жаҳолат. Фалсафани тўғримас деб, ундан юз ўгириш илмдир. Кимда-ким илмни калом-фалсафа йўли билан талаб қилса зиндик бўлади.

٤١. وَلَا يَصِحُّ الْإِيمَانُ بِالرُّؤْيَا لِأَهْلِ دَارِ السَّلَامِ لِمَنْ اعْتَبَرَهَا مِنْهُمْ بَوَّهْمٍ، أَوْ تَأَوَّلَهَا بِفَهْمٍ، إِذْ كَانَ تَأْوِيلُ الرُّؤْيَا- وَتَأْوِيلُ كُلِّ مَعْنَى يُضَافُ إِلَى الرُّبُوبِيَّةِ- بِتَرْكِ التَّأْوِيلِ، وَلِزُومِ التَّسْلِيمِ، وَعَلَيْهِ دِينَ الْمُسْلِمِينَ

**41-матн:** Дорусалом-жаннат ахли Аллохни (мана бундай холатда қўради, деб) гумони билан эътибор қилган кишининг шу масалага бўлган Иймони тўғри бўлмайди. Ёки, Аллохнинг қўрилишини ўз фаҳми билан йўйган кишининг ҳам бу борадаги Иймони дуруст бўлмайди. Чунки инсонга, Аллохнинг қўрилишини ўз ақли ва тахмини билан йўйиш-гавдалантириш манъ қилинган. Умуман олганда, Аллохга нисбат бериладиган ҳар бир сифатнинг маъносини ақл ва тахмин билан ўлчаш ва йўйиш мумкин эмас.

**(Инсоннинг акли ета олмайдиган) бу акидавий масалаларга таслим бўлишдан бошқа йўл йўк. Мусулмонларнинг дини мана шунга бино килинган.**

**Шарх:** Таховий раҳимахуллох бу матнда мўтазилийлар ва уларга эътикоддош бўлган тоифалар даъвосини рад қиладилар. Улар Аллохнинг кўрилишини инкор қилишади. Бундан ташқари Аллохни яралмишларга ўхшатадиган тоифаларнинг эътикоддини ҳам рад этадилар.

٤٢ . وَمَنْ لَمْ يَتَوَقَّ النَّفْسَ وَالتَّشْبِيهَ، زَلَّ وَلَمْ يُصِبِ التَّنْزِيهَ

**42-матн:** Кимки, Аллохнинг сифатлари ва бундан бошқа эътикод масалаларини йўкка чиқаришдан ҳамда Ул зотнинг сифатларини халқлар сифатига ўхшатишдан тийилмаса, тўғри йўлдан огиб кетади. Аллох таолони айбу нуксонлардан поклай олмайди.

**Шарх:** Матнда айтилган йўкка чиқариш билан ўхшатиш калб касалликларидан. Чунки, калблар касаллиги икки турли бўлади: шубҳа касаллиги ва шахват касаллиги. Бу касалликлар Куръонда зикр қилинган. Шубҳа касаллиги шахват касаллигидан баттарок бўлади. Сабаби, шахват хожати ўталганда, шахват касаллигининг тузалишига умид бор. Шубҳа касаллиги эса, агар Аллох раҳматига олмаса, унга шифо йўк. Аллохнинг сифатларини йўкка чиқариш ёки ўхшатиш шубҳа касаллигидир.

" ليس كمثل شيء، و هو السميع البصير" (الشورى: ١١)

(“Аллох таолога яратган халқидан бирор нарса ўхшамайди ва тенг кела олмайди. Хох Унинг зоти, исмлари, сифатлари ва феълларида бўлсин, бирор нарса Ул зотга асло ўхшамайди. Саъдий раҳимахуллох тафсиридан.)

٤٣ . فَإِنَّ رَبَّنَا جَلَّ وَ عَلا مَوْصُوفًا بِصِفَاتِ الْوَحْدَانِيَّةِ، مَنْعُوتٌ بِنَعُوتِ الْفِرْدَانِيَّةِ، لَيْسَ فِي مَعْنَاهُ أَحَدٌ مِنَ الْبَرِيَّةِ

**43-матн:** Чунки, Роббимиз субхонаху ва таоло сифатланган сифатларида яккаю ягонадир. Халқларидан бирор-бир кишида Ундаги бор сифатлар мавжуд эмас

**Шарх:** Таховий раҳимахуллох мазкур матнни Ихлос сурасидан олганлар. Суранинг маъноси: “Айтинг, Аллох якка. Аллох беҳожат. Ул зот тугмаган ва тугилмаган. Ул зотга тенг келадиган бирор кимса йўк”.

٤٤ . وَ تَعَالَى عَنِ الْحُدُودِ وَ الْغَايَاتِ، وَ الْأَرْكَانِ وَ الْأَعْضَاءِ وَ الْأَدْوَاتِ، لَا تَحْوِيهِ الْجِهَاتُ السَّتُّ كَسَائِرِ الْمُبْتَدَعَاتِ

**44-матн:** Аллох таоло чегаралар, гоёлар, бурчаклар, аъзолар, иш куруллари - фойдаланиладиган ва зарарни дафъ қиладиган асбоблардан олийдир. Яралмишлар каби Ул зотни олти томон камраб олмайди.

**Шарх:** Салафларимиз шунга иттифок қилишганки, башарият Аллохнинг чегарасини билмайди ҳамда Ул зотнинг сифатларидан бирортасини чеклай олмайди. Абу Довуд Таёлусий раҳимахуллох айтадилар: “Суфён, Шуъба, Хаммод бин Зайд, Хаммод бин Салама, Шарийк ва Абу Авоналар

(буларга Аллохнинг раҳмати бўлсин!) Аллох таолони чегараламас, ўхшатмас ва тенглаштирмас эдилар. “Кандай?” демасдан хадисларни ривоят қилишарди. Уларга савол берилганда хадис билан жавоб беришарди.” Келгуси матнларда Таховийнинг “Аллох таоло халқларини Ул зотни камраб олишларидан ожиз қилиб қўйган” деган сўзлари ҳам келади. Бундан маълум бўладики, бирор киши Аллох таолони бирон чегара билан ўраб ололмайди. Аллох бундан олий зот. Аллох таоло яралмишлардан ажралган, ташқарида (улар билан бирлашиб кетган эмас). Абдуллох бин Муборак раҳимахуллохга: Роббимизни нима билан таниймиз? деган савол берилганда, “Аллох таоло Аршнинг устида, яралмишлардан ажралган”, деб жавоб бердилар.

Абу Ханифа раҳимахуллох “Фикхул-акбар” да бундай дейдилар: “Аллох таоло Куръонда Ўзини сифатлаб айтганидек, Унда қўл, юз ва нафс бор. Булар Ул зотнинг сифатлари бўлиб, канакалигини яралмишлар билишмайди. Аллохнинг қўли - Унинг қудрати ва неъматидейилмайди. Чунки, бундай дейилишда, Ул зотнинг сифати йўқка чиқарилган бўлади”.

Ушбу матн Мушаббиха тоифасининг эътиқодини ботил қилади. Улар Аллох таолони жисм, жусса ва аъзолар деб даъво қилишади. Аллох таоло бу камчиликлардан олий бўлган зотдир.

(Аллох субхонаху ва таоло чегаралар ва гоълардан пок ва олийдир. Уни чегаралаб турадиган бирор чегара йўқ ва маълум бир ниҳояси бўлган чўққиси ҳам йўқ. Лекин бунинг маъноси, Аллох таоло халқлари билан бирлашиб, уларга қиришиб кетган, дегани эмас. Балки Аллох субхонаху ва таоло халқларидан ташқарида, ажралган. Шунингдек, Аллох таоло аъзолардан, бандаларда бўладиган касб қилиш қуроллари ва фойда олинадиган ҳамда зарарни дафъ қиладиган асбоблардан пок ва олийдир. Аллох субхонаху ва таолони бошқа махлуклар каби олти томон ўраб турмайди. У Зот бундан покдир. Биз Унинг барча исмлари ва сифатларига иймон келтирамиз, уларнинг қайфият-холатини билмаймиз. Хумаййис хафизахуллох шархидан).

٤٥. و الْمِعْرَاجُ حَقٌّ، وَقَدْ أُسْرِيَ بِالنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعُرِجَ بِشَخْصِهِ فِي الْيَقِظَةِ إِلَى

السَّمَاءِ، ثُمَّ إِلَى حَيْثُ شَاءَ اللَّهُ مِنَ الْعَالَمِ وَأُكْرِمَهُ اللَّهُ بِمَا شَاءَ، وَأُوْحِيَ إِلَيْهِ مَا أُوحِيَ، مَا كَذَبَ الْفَوَاحِشُ مَا

رَأَى، فَصَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْآخِرَةِ وَالْأُولَى

**45-матн:** Меърож воқеъаси ҳақ. Ҳақиқатда пайгамбар саллаллоху алайҳи ва саллам нинг шахслари ўйғок холатларида сайр қилдирилдилар ва осмонга қўтарилдилар. Кейин Аллох хоҳлаган юқори жихатгача қўтарилдилар. Аллох хоҳлаган нарсалари билан У кишини иззату иқром қилди. У кишига ваҳий қилган нарсаларини ваҳий қилди. Муҳаммад саллаллоху алайҳи ва саллам нинг қалблари у киши қўрган нарсаларини ёлгонга чиқармади, балки тасдиқлади. Пайгамбаримизга дунёда ҳам охирада ҳам салому салавоатлар бўлсин.

Шарх: Тепага қўтарилишда фойдаланиладиган нарсага меърож-нарвон дейилади. Аммо бу меърожнинг канакалиги маълум эмас. Бунинг ҳукми бошқа гайб нарсалар ҳукмидек. Яъни унга Иймон келтириб, канакалиги тўғрисида бош қтирмаймиз.

Аллох таоло бундай дейди:

"سيحان الذي أسرى بعينه ليلا من المسجد الحرام إلى المسجد الأقصى" الإسراء: ١

Маъноси: "Аллох бир кечада Ўз бандаси Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам ни Масжидул-Харомдан Масжидул-Аксога сайр килдирган барча айбу нуксонлардан пок зотдир".

Исро хадисида: Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам жасадлари билан ўйгок холатларида Маккадаги Масжиди Харомдан Куддус шахридаги Масжиди Аксогача, Бурокка минган холда, Жаброил عليه السلام билан бирга сайр килдирилдилар. У ерда пайгамбарларга имом бўлган холда намоз ўқидилар. Бурокни масжид эшигининг халкасига боғладилар. Кейин ўша кечада Байтул-Мақдисдан Дунё осмонига кўтарилдилар. Жаброил Ул киши учун осмон дарвозазининг очилишини сўрадилар. Улар учун дарвоза очилди. У ерда башарият отаси бўлган Одамни кўрдилар... Хатто олдида шахидларнинг жаннатдаги жойи бўлган Сидратул-мунтахода бўлдилар. (Сидротун мевалик дарахтдир. Баъзи уламолар хар бир олимнинг илми нихояга етадиган жойга сидратул-мунтахо дейилади, яъни бундан у ёгини Аллохдан бошкаси билмайди, дейишган). У кишини Аллох таоло, Ўзи истаган неъматлари билан иззат-икром килди, бевосита у киши билан гаплашди. Бирор киши ета олмаган маконга кўтарди, у киши билан Аллохнинг Ўзи яширин сўзлашди. Жаннат ва дўзах холатларини кўрсатди. Вахий килган нарсаларини вахий килди. Бир кеча-кундузда беш махал намозни шариат конунларига киритди. Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам нинг калблари кўрган нарсаларини ёлгонга чикармади. Балки кўзлари билан кўрган хар бир нарса хақдир. Бу неъматлар, у кишига улуглик ва бошка пайгамбарлардан шарафлик бўлишлари, барча халклардан макомлари олий эканлигини билдириш эди. Бу муборак кечадаги пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам дан ворида бўлган барча сахиҳ хадислар хақдир.

Ақл юритган кишилар учун Меърож хадисида Аллох таолонинг олийлик сифатини бир неча ўринда исбот киладиган далиллар бор. (Яъни Аллохнинг Арш устига кўтарилганлиги, барча халки устида, олий эканлиги исботланади.)

٤٦. و الحوض- الذي أكرمه الله تعالى به غياثا لأمته- حق

**46-матн: Аллох таоло Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам га умматларини (Киёмат кунининг огир чанкоглигидан) куткариш учун, иззату икром килиб - берган ховузи хақдир.**

Шарх: Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам дан ховуз хақида келган хадислар мутавотир даражасига етган. У хақда ўттиздан ортик сахобалар ривоят килишган.

Имом Ахмад Анас бин Молиқдан ривоят киладилар, айтадиларки:

أَغْفِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِغْفَاءً، فَرَفَعَ رَأْسَهُ مُبْتَسِمًا، إِمَّا قَالَ لَهُمْ، وَإِمَّا قَالُوا لَهُ: لِمَ ضَحِكْتَ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِنَّهُ أَنْزَلَتْ عَلَيَّ آيَاتُ سُورَةِ، فَقَرَأْتُ: ﴿بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ. إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكُوْثِرَ﴾ الْكُوْثِرُ: ١، حَتَّى خَتَمَهَا، ثُمَّ قَالَ لَهُمْ: هَلْ تَذَرُونَ مَا الْكُوْثِرُ؟ قَالُوا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: هُوَ نَهْرٌ أَعْطَانِيهِ رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ فِي الْجَنَّةِ، عَلَيْهِ خَيْرٌ كَثِيرٌ، تَرَدُّ عَلَيَّ أُمَّتِي يَوْمَ

الْقِيَامَةِ، آيَتُهُ عَدَدَ الْكَوَاكِبِ، يُخْتَلَجُ الْعَبْدُ مِنْهُمْ، فَأَقُولُ: يَا رَبِّي إِنَّهُ مِنْ أُمَّتِي، فَيَقَالُ لِي: إِنَّكَ لَا تَدْرِي مَا أَحَدْتُوا بَعْدَكَ". ( صحيح، صَحَّحَهُ الْأَلْبَانِيُّ رَحِمَهُ اللَّهُ).

Маъноси: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бир лахза мудраб, табассум килган холда бошларини кўтардилар. Нима учун кулдингиз? деб сахобалар савол беришганда, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам : “Хозиргина менга бир сура туширилди” деб, куйидаги сурани охиригача ўқидилар: { بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ. إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ } (Меҳрибон ва раҳмли Аллох номи билан ўқийман. Албатта Биз Сизга Кавсарни ато килдик...) Кейин: “Кавсарнинг нималигини биласизларми?” деб, сахобаларга савол ташладилар. Улар: Аллох ва Унинг элчиси билгувчирок, деб жавоб беришди. Шунда Ўзлари айтдиларки: “Бу бир дарёдир. Роббим азза ва жалла уни менга жаннатда бергай. Унда кўп яхшиликлар бор. Киёмат кунида унинг устида турганимда, умматим олдимга келиб унинг сувидан ичади. Унинг идишлари юлдузлар сонича. Умматим сув ичишга келаётганида, улар орасидан бир банда сугуриб олинади. Шунда мен: Эй Роббим, бу хам менинг умматимдан бўлади, дейман. Менга айтиладики: Сиздан кейин булар не бидъатлар пайдо қилишганини Сиз билмайсиз”.

Мазкур ховузнинг сифати хусусида келган хадислар хулосаси куйидагича: Бу ховуз ниҳоятда катта бўлиб, унга жаннат ичимлиги бўлмиш Кавсар дарёси оқиб келади. Унинг суви сутдан оқ, кордан совуқ, асалдан ширин ва мушки анбардан хушбўйроқдир. Эни ва узунлиги тенг, хар бир бурчагидан бошка бурчагигача бир ойлик масофа бор. Баъзи хадисларга кўра, у ховуздан ичилган сайин у кенгайиб, суви кўпайиб боради. Зеро, Аллох айбу нуксонлардан пок. Бирор бир нарса Ул зотни ожиз қолдира олмас. Кўзалари осмон юлдузларининг сонича. Кимда-ким ундан бир марта ичса, ҳеч қачон чанкамайди. У киёмат кунидаги энг катта, энг халоватли ва ичувчилари энг кўп бўлган ховуздир. У пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам умматига киёмат куни ташналигидан ёрдам ва Аллохнинг пайгамбари Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам га бўлган фазлу мархаматидир. Аллох таоло Ўзининг фазли ва қарами ила бизларни хам ундан ичишга муяссар айласин!

٤٧. وَ الشَّفَاعَةُ الَّتِي ادَّخَرَهَا لَهُمْ حَقًّا، كَمَا رُوِيَ فِي الْأَخْبَارِ

#### **47-матн: Хабарларда ривоят қилинганидек, Аллохнинг Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам умматлари учун захирага олиб қўйган шафоат-оқлов ҳақдир.**

**Шарҳ:** Шафоатнинг бир неча тури бор. Уларнинг баъзиларига бутун уммат иттифок қилган бўлса, баъзиларига Мўтазила ва улар каби бошка бидъат ахли қарши чиққан.

Шафоатнинг биринчи тури энг улкан шафоат бўлиб, факат бизнинг пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам га хос. Бухорий, Муслим ва Аҳмад раҳимахумуллохлар Абу Хурайра разияллоху анхундан ривоят қилишган ҳадисда, одамлар Киёмат куни улуг пайгамбарлардан бориб шафоат сўрашади. Пайгамбарлар шафоат қила олмасликларини айтишади. Шунда одамлар бизнинг пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам олдиларига қилишиб бундай

дейишади: (Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам хабар беряптилар)

" يَا مُحَمَّدُ، أَنْتَ رَسُولُ اللَّهِ، وَخَاتَمُ الْأَنْبِيَاءِ، غَفَرَ اللَّهُ لَكَ ذَنْبَكَ، مَا تَقَدَّمَ مِنْهُ وَمَا تَأَخَّرَ، فَاشْفَعْ لَنَا إِلَى رَبِّكَ، أَلَا تَرَى إِلَى مَا نَحْنُ فِيهِ؟ أَلَا تَرَى مَا قَدْ بَلَّغْنَا؟ فَأَقُومُ، فَآتِي تَحْتَ الْعَرْشِ، فَأَقْعُ سَاجِدًا لِرَبِّي عَزًّا وَجَلًّا، ثُمَّ يَفْتَحُ اللَّهُ عَلَيَّ وَيُلْهَمُنِي مِنْ مَحَامِدِهِ وَحُسْنِ الثَّنَاءِ عَلَيْهِ شَيْئًا لَمْ يَفْتَحْهُ عَلَيَّ أَحَدٌ قَبْلِي، فَيَقَالُ يَا مُحَمَّدُ، ارْفَعْ رَأْسَكَ، سَلْ تُعْطَهُ، اشْفَعْ تُشَفَّعَ، فَأَقُولُ: [يَا رَبَّ أُمَّتِي أُمَّتِي، يَا رَبَّ أُمَّتِي أُمَّتِي، يَا رَبَّ أُمَّتِي أُمَّتِي]، فَيَقُولُ: ادْخُلْ مِنْ أُمَّتِكَ مِنْ لَا حِسَابَ عَلَيْهِ مِنَ الْبَابِ الْأَيْمَنِ مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ، ... ثُمَّ قَالَ: وَ الَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لِمَا بَيْنَ مِصْرَاعَيْنِ مِنْ مِصَارِيحِ الْجَنَّةِ كَمَا بَيْنَ مَكَّةَ وَ هَجَرَ، أَوْ كَمَا بَيْنَ مَكَّةَ وَ بُصْرَى" وَ اللفظ للإمام أحمد.

Маъноси: “Эй Мухаммад, Сиз Аллохнинг элчиси ва пайгамбарларнинг сўнггисисиз. Аллох Сизнинг ўтган ва кейинги гуноҳингизни кечириб қўйган. Роббингиздан бизга шафоат сўранг. Бошимизга тушган мусибатни курмаяпсизми? Бизга етган кайгуга назар солмаяпсизми? Шунда мен туриб, Аршнинг остига келаман-да, Роббим азза ва жаллага сажда қилган холда йикиламан. Кейин Аллох таоло менга, Ўзининг мактовлари ва Ўзига айтиладиган шунака чиройли саноларни очиб, илхом қиладики, мендан бурун бирор кишига уларни очмаган. Сўнг менга айтилади: Эй Мухаммад, бошингизни қўтаринг. Сўранг, сўраганингизни оласиз. Шафоат сўранг, шафоатчи қилинасиз. Шунда мен айтаман: Эй Роббим, умматим, умматим. Эй Роббим, умматим, умматим. Эй Роббим умматим, умматим. (Аллох) айтади: Жаннат дарвозаларининг ўнг дарвозасидан, ҳисоб-китоби йўқ бўлган умматингизни киритинг”. Кейин Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бундай дедилар: “Менинг жоним Унинг қўлида бўлган зотга касамки, жаннат дарвозаларининг бир тарафи билан иккинчи тарафининг ораси, Макка билан (Ямандаги) Хажар шаҳар орасича ёки Макка билан (Шомдаги) Бусро шаҳри орасича”.

Иккинчи тури - яхшиликлари билан ёмонликлари тенглашиб қолган қавмларнинг жаннатга киришлари учун Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам нинг қиладиган шафоатлари.

Учинчи тури - дўзахга амр қилинган қавмларни, у ерга кирмасликлари учун қиладиган шафоатлари.

Тўртинчи тури - жаннатга кирган қавмларни, амалларининг савоби такозо қиладиган даражалардан-да юқорирок мартабаларга қўтарилишлари тўғрисидаги шафоатлари. Шафоатнинг мана шу турида мўтазилалар Ахли суннатга қўшилдилар. Бошқаларига эса қарши чиқиб, адашишди.

Бешинчи тури - баъзи қавмларнинг ҳисоб-китобсиз жаннатга киришлари хусусидаги шафоатлари.

Олтинчи тури - азобланишга лойик бўлган қавмларнинг азобини енгиллаштириш учун қиладиган шафоатлари. Масалан: Ўз амакилари Абу Толибдан азобнинг енгил қилиниши борасидаги шафоатлари каби. (Бу ҳақдаги ҳадисни Муслим ривоят қилганлар, дейдилар Албоний раҳимахуллох.)

Еттинчи тури - мўминларнинг барчасини жаннатга киришлари учун изн берилиши тўғрисидаги шафоатлари.

Саккизинчи тури - Ул зот саллаллоху алайхи ва саллам нинг умматларидан гунохи азим килиб, дўзахга тушиб колганларнинг у ердан чиқарилишлари борасидаги шафоатлари. Шафоатнинг бу туридаги хадислар мутавотир даражасига етган. Ушбу хадислар илмидан хавориж ва мўтазилалар жохил қолишиб, шафоатнинг бу турига ҳам қарши чиқишди. Бундай адашган тоифалар даъвосига кўра, умматнинг гунохкорлари дўзахга қиргандан кейин қайтиб чиқмас экан!!! Мазкур шафоат турига пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам дан ташқари фаришталар, пайгамбарлар ва мўминлар ҳам шерик бўлишиб, улар ҳам шафоат қилишади.

(Эй Аллох, Киёмат кунининг шиддатида севимли пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам шафоатлари билан бизни ҳам қувонтир. Сен бандаларингга раҳми кенг Зотсан!)

٤٨ . والميثاقُ الَّذِي أَخَذَهُ اللهُ تَعَالَى مِنْ آدَمَ وَ ذُرِّيَّتِهِ حَقًّا

#### 48-матн: Аллох таолонинг Одам ва унинг зурриётидан олган мийсоқи ҳақдир

Шарҳ: Аллох таоло айтади:

" وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ، قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا أَن تَقُولُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَذَا غَافِلِينَ "الأعراف: ١٧٢.

Имом Ахмад Умар бин Хаттоб разияллоху анхудан ривоят қиладилар: Мазкур оят ҳақида савол берилганда Умар айтдилар: Расулulloх صلى الله عليه وسلم ушбу оят ҳақида сўралганларида, бундай жавоб берганларини эшитдим:

"إِنَّ اللَّهَ خَلَقَ آدَمَ عَلَيْهِ السَّلَامَ، ثُمَّ مَسَحَ ظَهْرَهُ بِيَمِينِهِ فَاسْتَخْرَجَ مِنْهُ ذُرِّيَّةً، قَالَ: خَلَقْتُ هَؤُلَاءِ لِلْجَنَّةِ وَبِعَمَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ يَعْمَلُونَ. ثُمَّ مَسَحَ ظَهْرَهُ، فَاسْتَخْرَجَ مِنْهُ ذُرِّيَّةً قَالَ: خَلَقْتُ هَؤُلَاءِ لِلنَّارِ وَبِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ يَعْمَلُونَ فَقَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَفِيمَ الْعَمَلُ؟ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: [إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ] إِذَا خَلَقَ الْعَبْدَ لِلْجَنَّةِ اسْتَعْمَلَهُ بِعَمَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ، حَتَّى يَمُوتَ عَلَىٰ عَمَلٍ مِنْ أَعْمَالِ أَهْلِ الْجَنَّةِ، فَيَدْخُلُ [بِهِ] الْجَنَّةَ، وَإِذَا خَلَقَ الْعَبْدَ لِلنَّارِ اسْتَعْمَلَهُ بِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ، حَتَّى يَمُوتَ عَلَىٰ عَمَلٍ مِنْ أَعْمَالِ أَهْلِ النَّارِ فَيَدْخُلُ بِه النَّارَ". و رواه أبو داود، و الترمذي، و النسائي، و ابن أبي حاتم، و ابن جرير، و ابن حبان في "صحيحه" (قال الألباني رحمه الله: هذا الحديث صحيح لغيره إلا مسح الظهر، فلم أجد له شاهدا)

Маъноси: “Ҳақиқатда Аллох Одам алайхиссаломни яратди. Кейин ўнг (кўл)и билан орқасини силаб, ундан зурриёт чиқариб айтди: “Буларни мен жаннат учун яратдим. Булар жаннат ахлининг амалини қилишади”. Кейин Аллох (яна) Одам алайхиссаломнинг орқасини силаб, зурриёт чиқариб, деди: “Буларни мен дўзах учун яратдим. Булар дўзах ахлининг амалини қилишади». Шунда бир киши: “Ё Расулаллох саллаллоху алайхи ва саллам, унда амалнинг нима кераги бор?” деб савол берди. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: “Аллох азза ва жалла бир бандани жаннат учун яратганда, унга жаннат ахлининг амалини қилдиради. Бориб-бориб у бандани жаннат ахлининг амалларидан бири устида вафот этади. Кейин у ўша амал сабабли жаннатга қиради. Аллох бир бандани дўзах учун яратганда, унга дўзах ахлининг амалини

килдиради. У хам бориб-бориб дўзах ахлининг амалларидан бири устида ўлиб, ўша сабабли дўзахга киради”.

٤٩. وَقَدْ عَلِمَ اللَّهُ تَعَالَى فِيمَا لَمْ يَزَلْ عَدَدَ مَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ، وَ عَدَدَ مَنْ يَدْخُلُ النَّارَ، جُمْلَةً وَاحِدَةً، فَلَا يَزِيدُ فِي ذَلِكَ الْعَدَدِ وَلَا يَنْقُصُ مِنْهُ، وَ كَذَلِكَ أَعْمَالُهُمْ فِيمَا عَلِمَ مِنْهُمْ أَنْ يَفْعَلُوهُ

**49-матн:** Аллох таоло, азалдан бўлган илмида жаннат ва дўзахга кирадиган халкларнинг сонини бира тўла билган. Бу сон кўпаймайди хам, камаймайди хам. Шунингдек, Ул зот халкларининг нима амаллар қилишларини азалдаги илми билан билган.

**Шарх:** Аллох таоло айтади:

"إن الله بكل شيء عليم" الأنفال: ٧٥

Маъноси: “Шубхасиз Аллох барча нарсаларни билгувчи зот”. Аллох таоло хам азалда, хам доимо, барча нарсаларни билгувчи, деган сифат билан сифатланган.

٥٠. وَ كُلُّ مُيَسَّرٌ لِمَا خُلِقَ لَهُ، وَ الْأَعْمَالُ بِالْخَوَاتِيمِ، وَ السَّعِيدُ مَنْ سَعِدَ بِقَضَاءِ اللَّهِ، وَ الشَّقِيَّ مَنْ شَقِيَ بِقَضَاءِ اللَّهِ

**50-матн:** Хар бир одамга яратиб қўйилган жойининг амаллари энгил қилиб қўйилган. Амаллар охирларига қараб эътибор қилинади. Саодатли инсон Аллохнинг тақдири билан саодатли бўлган. Бахтсиз кимса хам Аллохнинг қисмати билан бахтсиз бўлган.

**Шарх:** Юқоридаги хадисда айтилгандики: “Аллох азза ва жалла бир бандани жаннат учун яратганда, унга жаннат ахлининг амалини қилдиради. Бориб-бориб у банда жаннат ахлининг амалларидан бири устида вафот этади. Кейин у ўша амал сабабли жаннатга киради. Аллох бир бандани дўзах учун яратганда, унга дўзах ахлининг амалини қилдиради. У хам бориб-бориб дўзах ахлининг амалларидан бири устида ўлиб, ўша сабабли дўзахга киради”.

Расулulloх саллалллоху алайхи ва саллам Бухорий ривоятларида: «Амаллар фақат охирларига қараб эътибор қилинади», деганлар.

Саодатли инсон Аллохнинг тақдири билан бахтли бўлганлиги ҳамда бахтсиз кимса хам Аллохнинг қисмати билан бахтсиз бўлганлиги борасида, Абдуллох бин Масъуд разияллоху анхудан ривоят қилинади, айтадилар: Расулulloх صلى الله عليه وسلم бизга бундай хадис сўзлаб бердилар:

عن عبد الله بن مسعود رضي الله عنه، قال حدثنا رسول الله صلى الله عليه وسلم- وهو الصادق المصدوق:- " إن أحدكم يجمع خلقه في بطن أمه أربعين يوماً نطفة، ثم يكون علقة مثل ذلك، ثم يكون مضغة مثل ذلك، ثم يرسل إليه الملك فينفخ فيه الروح، ويؤمر بأربع كلمات: بكتب رزقه وأجله وعمله وشقي أو سعيد، فوالذي لا إله غيره، إن أحدكم ليعمل بعمل أهل الجنة حتى ما يكون بينه وبينها إلا ذراع، فيسبق عليه الكتاب فيعمل بعمل أهل النار فيدخلها، وإن أحدكم ليعمل بعمل أهل النار حتى ما يكون بينه وبينها إلا ذراع، فيسبق عليه الكتاب فيعمل بعمل أهل الجنة فيدخلها" (رواه البخاري و مسلم)

Маъноси: “Сизлардан хар бирингиз онасининг корнида қирк кун нутфаманий холда бўлади. Кейин шунча вақт лахта қон холда бўлади. Сўнг яна шунча вақт парча гўшт бўлиб туради. Кейин Аллох унга бир фариштани

юборади. Фаришта унга рух киргизади хамда тўртта калимани: унинг ризки, ажали, амали ва бахтли ё бахтсиз бўлишини ёзишга амр қилинади. Ундан бошқа ибодатга ҳақли илоҳ йўқ бўлган Зот - Аллоҳга касам ичаманки, сизлардан бирингиз сўзсиз жаннат ахлининг амалини қилиб боради. Хатто у билан жаннат орасида фақат бир билакча масофа қолганда, унинг ёзуви-тақдири ўзиб келиб, у дўзах ахлининг амалини қилади. Кейин шу сабабли дўзахга кириб кетади. Сизлардан бирингиз ҳақиқатда дўзах ахлининг амалини қилиб боради. Хатто у билан дўзахгача бор-йўги бир билакча масофа қолганда, ёзуви ўзиб келиб, у жаннат ахлининг амалини қилади-да, шу туфайли жаннатга қиради.”

٥١. وَ أَسْأَلُ الْقَدَرَ سِرَّ اللَّهِ تَعَالَى فِي خَلْقِهِ، لَمْ يَطْلَعْ عَلَى ذَلِكَ مَلَكٌ مُقَرَّبٌ، وَلَا نَبِيٌّ مُرْسَلٌ، وَ التَّعَمُّقُ وَ النَّظَرُ فِي ذَلِكَ ذَرْيَعَةُ الْخِذْلَانِ، وَ سَلَّمَ الْحَرْمَانَ، وَ دَرَجَةَ الطُّغْيَانِ، فَالْحَذَرُ كُلُّ الْحَذَرِ مِنْ ذَلِكَ نَظَرًا وَ فِكْرًا وَ وَسْوَاسَةً، فَإِنَّ اللَّهَ طَوَى عِلْمَ الْقَدَرِ عَنْ أَنْامِهِ، وَ نَهَاهُمْ عَنْ مَرَامِهِ، كَمَا قَالَ تَعَالَى فِي كِتَابِهِ: { لَا يُسْأَلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَ هُمْ يُسْأَلُونَ } الْأَنْبِيَاءُ: ٢٣. فَمَنْ سَأَلَ: لِمَ فَعَلَ؟ فَقَدْ رَدَّ حُكْمَ الْكِتَابِ، وَ مَنْ رَدَّ حُكْمَ الْكِتَابِ، كَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ

**51-матн:** Тақдирнинг асли Аллоҳ таолонинг халқлари орасидаги сири ҳисобланади. Уни, Аллоҳга якин бўлган фаришта ҳам, юборилган пайгамбар ҳам билмайди. Тақдир хусусида чуқур кетиш - уни ўрганишда муболага қилиш ва беҳад назар солиш, Аллоҳнинг ёрдамидан, тавфику хидоятдан махрум бўлиб, тугёнга кетишга сабаб бўлади. Бу масалага назар солиш, фикр юритиш ва васвасага боришдан жуда-жуда ҳазар қилмоқ лозим. Чунки Аллоҳ таоло тақдир илмини халқларидан махфий қилди. Уни билишга қасд қилишдан уларни қайтарди. Аллоҳ таоло айтди: (маъноси) “Аллоҳ таоло қиладиган бирор нарса ҳақида сўралмайди, халқлар эса сўраладилар” (Анбиё-23). Шундай экан, кимки “Нима учун Аллоҳ бундай қилди?” деган савол қилса, ҳақиқатда Куръоннинг ҳукмини рад этган бўлади. Кимда-ким Куръоннинг ҳукмини рад этса, шубҳасиз, кофирлардан бўлади.

**Шарҳ:** Тақдирнинг асли Аллоҳ таолонинг сиридир. Аллоҳ таоло халқларни вужудга келтиради. Бою камбағал қилади. Адаштиради ва хидоят қилади. Ўлдиради ва тирилтиради. Али разияллоҳу анху айтадилар: “Тақдир Аллоҳнинг сиридир. Уни кашф қилишга уринмаймиз”.

Тақдир масаласида одамлар орасидаги тортишув машҳурдир. Ёлғиз нажот топгучи тоифа бўлган Аҳли суннат ва жамоат мазкур масала борасида бундай эътиқод қилади: Хар бир нарса Аллоҳнинг тақдири билан бўлади. Аллоҳ таоло бандаларнинг амалларини ҳам яратгучидир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

"إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ" القمر: ٤٩

Маъноси: “Албатта Биз хар бир нарсани тақдири билан яратганмиз”. (Камар-49).

Яна Ул зот Сажда сурасининг 13-оятда айтади:

"وَلَوْ شِئْنَا لَآتَيْنَا كُلَّ نَفْسٍ هُدَاهَا" السجدة: ١٣

(Мазкур оят маъносини Саъдий куйидагича тафсир қиладилар: “Аллоҳ таоло айтади: Агар Биз хоҳлаганимизда, одамларнинг барчасига хидоят бериб, тўғри йўлга йўллаган бўлар эдик. Аммо, одамларнинг барини хидоят устида бўлишидан Аллоҳнинг хикмати бош тортиди.)

Имом Муслим ўзларининг “сахих” китобларида Абдуллох бин Амр разияллоху анхумодан ривоят киладилар, пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам бундай дедилар:

"قَدَّرَ اللهُ مَقَادِيرَ الْخَلْقِ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ بِخَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ وَكَانَ عَرْشُهُ عَلَى

الماء"

Маъноси: “Аллох таоло осмонлар ва Ерни яратишидан эллик минг йил аввал халкларининг тақдирларини белгилаб кўйди. Ўшанда Ул зотнинг Арши сув устида эди”.

Аллох таоло кофир кимсадан куфрни хохлайди, ундан рози бўлмайди ва уни яхши кўрмайди. Аммо уни дунёга келиб яшашини хохлайди. Диний жихатдан эса ундан рози бўлмайди.

Кадария ва Муътазила тоифалари бу мусаффо акидага карши чиқишди. Уларнинг даъвосича, Аллох таоло одамларнинг баридан Иймонни хохлаган, кофир эса куфрни хохлаб кофир бўлган. Бу даъво бемаъни, ботилдир. Чунки у Куръон, суннат ва соглом ақлга каршидир.

Амр бин Хайсам айтадилар: “Кемага чиқдик. Биз билан бирга бир кадарий билан мажусий - ўтга сизинувчи хамсафар бўлишди. Шунда кадарий мажусийга: мусулмон бўл, деди. Мажусий: Аллох хохлаганда, деб жавоб берди. Кадарий: Аллох шубхасиз хохлайди, лекин Шайтон хохламайди, деди. Мажусий айтди: Аллох хохлади, Шайтон хам хохлади. Бас, Шайтон хохлагани бўлар экан. Бу Шайтон кувватли экан-да!!! Мен кувватлироги билан бирга бўламан!!! (Мана кадарийнинг бузук эътиқодидан келиб чиққан нарса. Аллох асрасин!) (Амр бин Хайсам Багдод ахлидан бўлиб, иккинчи хижрий асрдан кейин вафот этганлар. Аллох у кишини Ўз раҳматига олсин!)

(أبو قطن عمرو بن الهيثم الزبيدي من أهل بغداد يروى عن شعبة ومالك وأبي حنيفة روى عنه أحمد بن حنبل رحمه الله وأبو ثور مات بعد المائتين. (البستي: الثقات ج: ٨ ص: ٤٨٤)

Бир аъробий (сахрода яшайдиган араб) Амр бин Убайд даврасининг устига келиб: Эй одамлар, менинг туям ўгирланди. Аллохга дуо қилинглар, уни менга қайтарсин, деди. Шунда Амр бин Убайд: Эй Аллох, Сен бу киши туясининг ўгирланишини хохламаган эдинг, ўгирланиб кетди. Унга қайтаргин, деб дуо қилди. Бунақа дуони эшитган аъробий айтдики: Сенинг дуоингга хожатим йўк! Сени гапингга караганда унинг ўгирланишини Аллох хохламаган бўлса хам, у ўгирланди. Энди қайтиб келишини хам Аллох хохласа, қайтиб келмаслигидан кўркаман. (Аъробий мўтазилийнинг акидасини ботилга чиқарди.)

Аллох таоло айтади:

"من يشأ الله يضلله ومن يشأ يجعله على صراط مستقيم" الأنعام: ٣٩

Маъноси: “Аллох кимни хохласа адаштиради. Кимни хохласа, Сироти мустақимга тўғрилаб қўяди.”

Таквир сурасининг 29-оятда эса бундай дейди:

"و ما تشاءون إلا أن يشاء الله رب العالمين" التكويد: ٢٩

(Мазкур оят маъносини Ибни Касир раҳимахуллох куйидагича баён киладилар: “Сизлар факат бутун одамларнинг Роббиси бўлган Аллох хохласагина хохларсизлар. Хошиш сизларнинг кўлингизда эмас. Аллох таоло кимга хидоят беришни хохласа, у одам албатта хидоят топади, кимнинг адашишини истаса, у кимса шубхасиз адашиб кетади. Бу ишларнинг бари одамлар Роббиси бўлган Аллох таолонинг хошишига боғлиқ. Суфёнус-Саврий Саъийд бин Абдулазиздан, бул киши эса

Сулаймон бин Мусодан ривоят киладилар, айтадиларки: “Аллох сизлардан кимни хидоят топиб, тўғри йўлдан юришингизни хоҳлаган бўлса, (Куръон унга ибрат оладиган эслатма бўлади, маъносидаги) оят тушганда, Абу Жаҳл айтдики: “Иш, ўзимизнинг кўлимизда. Хоҳласак, тўғри бўламиз, хоҳласак эгри бўламиз”. Шунда Аллох таоло юкоридаги “Сизлар факат бутун оламларнинг Роббиси бўлган Аллох хоҳласагина хоҳларсизлар” оятини туширди”.)

(Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам айтадилар:

عن ابن مسعود قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "إذا ذكر القدر فأمسكوا" رواه الحارث بن أبي أسامة (١٨٦-٥٢٨٢) و الطبراني (٢٦٠-٥٣٦٠)

Маъноси: “Тақдир зикр килинганда тилларингизни тийингиз”.

“Кимки, “Нима учун Аллох бундай килди?” деган савол килса, хақиқатда Куръоннинг ҳукмини рад этган бўлади. Кимда-ким Куръоннинг ҳукмини рад этса, шубҳасиз, кофирлардан бўлади”, ибораси куйидагича шарҳланади: Кулчилик килиш, Аллохга, Унинг китобларига ва элчиларига Иймон келтириш - таслим бўлиш устига бино килинган. Хамда шариатдаги буйрук ва кайтариклар хикматининг баён килинишини сўрамасликка курилган.

٥٢. فِهَذَا جُمْلَةٌ مَا يَحْتَاجُ إِلَيْهِ مَنْ هُوَ مُنَوَّرٌ قَلْبُهُ مِنْ أَوْلِيَاءِ اللَّهِ تَعَالَى، وَ هِيَ دَرَجَةُ الرَّاسِخِينَ فِي

الْعِلْمِ، لِأَنَّ الْعِلْمَ عِلْمَانِ: عِلْمٌ فِي الْخَلْقِ مَوْجُودٌ، وَ عِلْمٌ فِي الْخَلْقِ مَفْقُودٌ، فَإِنكَارُ عِلْمِ الْمَوْجُودِ كُفْرٌ، وَ ادِّعَاءُ عِلْمِ الْمَفْقُودِ كُفْرٌ، وَ لَا يَتَّبِعُ الْإِيمَانَ إِلَّا بِقَبُولِ الْعِلْمِ الْمَوْجُودِ، وَ تَرْكِ طَلْبِ الْعِلْمِ الْمَفْقُودِ.

**52-матн:** Юкорида зикри ўтган жумлаларга Аллох таолонинг дўстларидан калби мунаввар бўлган кишилар мухтож бўлади. Ва у илмдаги пешкадам уламолар даражасидир. Чунки илм икки қисмга бўлинади: халқлар орасидаги мавжуд бўлган шариат илми ва халқлардан сир тутилган гайб илмидир. Шариат илмини инкор килмок куфр. Гайб илмини даъво килмок хам куфр бўлади. Иймон, факат шариат илмини қабул килиб (унга амал килиш) ва гайб илмининг талабини тарк килиб (таслим бўлиш) билангина саботли-мустаҳкам ўрнашади.

Шарҳ: Гайб илмидан мақсад - тақдир илми. Аллох таоло бу илми халқларидан яширди ва уни талаб килишдан кайтарди. Мавжуд илмдан мурод шариат илми, унинг асослари ва бўлақларидир. Кимда-ким пайгамбар келтирган нарсалардан бирортасини инкор килса, сўзсиз кофирлардан бўлади. Хамда кимки гайб илмини даъво килса, у хам шубҳасиз кофирлардан бўлади. Аллох таоло айтади:

" عالم الغيب فلا يظهر على غيبه أحدا. إلا من ارتضى من رسول " الجن: ٢٦-٢٧.

Маъноси: (Оят маъносини Табарий раҳимахуллох бундай тушунтирадилар: (Аллох таоло) гайбни - халқлар кўрмайдиган нарсаларни билгувчи зот. Ул зот халқларидан бирортасига гайбни зохир килмайди. Факат Ўзи рози бўлган (хикмати такозо килган) расулига гайб илмидан хоҳлаганини кўрсатади.)

٥٣. وَتُؤْمِنُ بِاللَّوْحِ وَالْقَلَمِ وَبِجَمِيعِ مَا فِيهِ قَدْ رُفِعَ.

**53-матн: Лавхул-махфуз, калам хамда унга ёзиб кўйилган барча нарсаларга иймон келтирамиз.**

Шарх: Аллох таоло айтади:

"بل هو قرآن مجيد. في لوح محفوظ" البروج: ۲۱-۲۲.

Маъноси: ("Йўк, (улар ёлгон дейишаётган нарса) Лавхул-Махфуздаги (яъни хар кандай бузилиш ва ўзгаришдан сакланган-химояланган Лавхдаги) Буюк Куръондир." Алоуддин Мансурнинг изохли таржимасидан). Халойик тақдирлари ёзиб кўйилган лавхга Лавхул-Махфуз дейилади.

Мазкур Каламни эса, Аллох яратиб, у билан Лавхул-Махфузга халкларнинг тақдирларини ёзган. Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам бу маънода айтадилар: "Аллох яратган нарсаларнинг аввалгиси каламдир. Уни яратиб бўлгач, унга: ёз, деди. Калам: Эй Роббим, нимани ёзай, деди. Аллох: Киёмат соати коим бўлгунча бўладиган барча нарсаларнинг тақдирларини ёз, деди" (Сахих. Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

(Лавхул-Махфуз ва Каламга Иймон келтириб, уларнинг кандайлиги борасида бош котирмаймиз.)

۵۴. فَلَوْ اجْتَمَعَ الْخَلْقُ كُلُّهُمْ عَلَى شَيْءٍ كَتَبَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِيهِ أَنَّهُ كَائِنٌ، لِيَجْعَلُوهُ غَيْرَ كَائِنٍ – لَمْ يَقْدِرُوا عَلَيْهِ. وَلَوْ اجْتَمَعُوا كُلُّهُمْ عَلَى شَيْءٍ لَمْ يَكْتُبَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِيهِ، لِيَجْعَلُوهُ كَائِنًا لَمْ يَقْدِرُوا عَلَيْهِ. جَفَّ الْقَلَمُ بِمَا هُوَ كَائِنٌ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ

**54-матн: Агар халкларнинг барчаси, Аллох таолонинг Лавхул-Махфузга ёзиб кўйган, вужудга келувчи бир нарсани вужудга келтирмаслик учун жамлансалар, кодир бўла олмаслар. Бордию халойикнинг бари Аллох таолонинг Лавхул-Махфузга ёзмаган бир нарсани вужудга келтириш учун йигилсалар, унга хам кодир бўла олмаслар. Калам сиёхи Киёмат кунигача юзага келадиган нарсаларни ёзиб, куриб бўлган.**

Шарх:

عن عبد الله بن عباس رضي الله عنهما، قال: كنت خلف رسول الله صلى الله عليه وآله

وسلم يوماً فقال: " يا غلام ألا أعلمك كلمات: احفظ الله يحفظك، احفظ الله تجده تجاهك، إذا

سألت فاسأل الله، وإذا استعنت فاستعن بالله، واعلم أن الأمة لو اجتمعت على أن ينفعوك بشيء

لم ينفعوك إلا بشيء قد كتبه الله لك، ولو اجتمعوا على أن يضروك بشيء لم يضروك إلا بشيء

قد كتبه الله عليك، رفعت الأقلام وجفت الصحف" رواه الترمذي وقال حسن صحيح.

Абдуллох бин Аббос разияллоху анхумодан ривоят қилинади, айтадилар: Мен бир кун Расулуллох صلى الله عليه وآله وسلم ортларида эдим. Шунда Ул киши айтдилар: (Маъноси) "Эй болакай, сенга бир неча калималар-насихатларни ўргатмайинми? Аллохнинг чегараларини сакла, шунда Ул зот сени саклайди. Аллохнинг чегараларини сакла, шунда Уни олдинда топасан. Качон сўрасанг, Аллохдан сўра. Качон ёрдам талаб қилсанг, Аллохдан ёрдам талаб қил. Билгин, агар умматнинг барчаси сенга фойда бериш учун жамлансалар, факат Аллох сенга ёзган нарса билангина фойда бера олурлар. Агар улар сенга зарар бериш учун жамлансалар

хам, факат Аллох сенга ёзган мусибат билангина зарар бера олурлар. Каламлар кўтарилиб, саҳифалар куриб бўлган.”

٥٥. وَمَا أَخْطَأَ الْعَبْدَ لَمْ يَكُنْ لِيُصِيبَهُ، وَمَا أَصَابَهُ لَمْ يَكُنْ لِيُخْطِئَهُ

**55-матн:** Бандага нима тақдир килинган бўлса, ўша нарса унга албатта келади. Айланиб ўтмайди. Хамда унга етмаган нарса, унинг тақдирига ёзилмаган бўлади. У хам унга етувчи эмас эди.

**Шарх:** Олдин ўтганидек, тақдирга ёзилган нарса чорасиз юзага келади.

٥٦. وَعَلَى الْعَبْدِ أَنْ يَعْلَمَ أَنَّ اللَّهَ قَدْ سَبَقَ عِلْمُهُ فِي كُلِّ كَائِنٍ مِنْ خَلْقِهِ، فَقَدَّرَ ذَلِكَ تَقْدِيرًا مُحْكَمًا مُبْرَمًا، لَيْسَ فِيهِ نَاقِضٌ، وَلَا مُعَقَّبٌ، وَلَا مُزِيلٌ، وَلَا مُعَيَّرٌ، وَلَا نَاقِصٌ وَلَا زَائِدٌ مِنْ خَلْقِهِ فِي سَمَاوَاتِهِ وَأَرْضِهِ.

**56-матн:** Бандага Аллох таолонинг халкларидан содир бўладиган барча нарсалар илмини Ул зот олдиндан билганлигини билиш лозим. Ул зот буни мустахам ва ўзгармас килиб тақдирлаб кўйган. Бу тақдирни Ул зотнинг осмонлару ерида махлукларидан бузувчи, кечиктирувчи, йўкотувчи, ўзгартирувчи, камайтирувчи ёки кўпайтирувчи бирор кимса йўк.

**Шарх:** Аллох таоло айтади:

"ألا يعلم من خلق و هو اللطيف الخبير" الملك: ١٤

(Саъдий раҳимахуллох мазкур оятни бундай тафсир килдилар: “Ахир халкларни гўзалдан-гўзал ва рангбаранг килиб яратган Холик-Аллох таоло билмасми? Қандай билмасин?! Аллох Латиф ва ҳар нарсадан хабардор зот. Аллох таолонинг Ал-Латиф исми Ул зот барча сиру асрор, яширин ва ичкию ташки нарсаларни билгувчи хамда мўмин бандаларига меҳрибон бўлган зот маъносини англатади.)

Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам бундай дейдилар:

"قَدَّرَ اللَّهُ مَقَادِيرَ الْخَلْقِ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ بِخَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ وَكَانَ عَرْشُهُ عَلَى الْمَاءِ". رواه مسلم.

Маъноси: «Аллох таоло осмонлар ва Ерни яратишидан эллик минг йил аввал халкларининг тақдирларини белгилаб кўйди. Ўшанда Ул зотнинг Арши сув устида эди».

Мўтазила фиркасидан боткокка чукуррок ботганлари, Аллохнинг азалдан билишини инкор қилишди. Айтишдики: Бандалар ўзларининг феълларини юзага чиқармагунча Аллох уларни билмайди. Булар айтаётган сўзлардан Аллох олий ва улуг Зот.

٥٧. وَذَلِكَ مِنْ عَقْدِ الْإِيمَانِ، وَأَصُولِ الْمَعْرِفَةِ، وَالاعْتِرَافِ بِتَوْحِيدِ اللَّهِ تَعَالَى وَرُبُوبِيَّتِهِ، كَمَا قَالَ تَعَالَى فِي

كِتَابِهِ: { وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ تَقْدِيرًا } الفرقان: ٢. وَقَالَ تَعَالَى: { وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ قَدْرًا مَقْدُورًا }

الأحزاب: ٣٨.

**57-матн:** Тақдирга юкоридагидек Иймон келтириш, Иймоннинг богичи, маърифат асослари ва Аллох таолонинг тавҳиди ва рубубиятини тан олишдир. Аллох таоло айтгани каби: “Ул зот барча нарсани яратиб, тақдирини ўлчаб кўйган” (Фурқон-2) ва яна Ул зот

**айтадики: “Аллохнинг амри-иродаси тақдири азалий бўлган”. (Ахзоб-38).**

**Шарх:** Мазкур матнда ҳам, аввал ўтгандек, тақдирга Иймон келтириш ҳамда коинотда содир бўладиган воқеалар илмини Аллох таоло азалдан билганлигига ишора бор. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам Иймон хақида савол берган сўровчи (Жаброил алайхиссалом) га бундай жавоб берган эдилар:

" أن تؤمن بالله و ملائكته و كتبه و رسله و اليوم الآخر، و تؤمن بالقدر خيره و شره " رواه مسلم.

Маъноси: “Аллохга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, Охират кунига Иймон келтиришинг ва тақдирнинг яхшилиги ва ёмонлигига Иймон келтиришинг”.

Тақдирга иймон келтириш “Аллох таолонинг тавҳиди ва рубубиятини тан олишдир”, дейилди. Яъни Аллох таолонинг сифатларига иймон келтирилмагунча, тавҳид мукамал бўлмайди ва Аллохнинг рубубиятига иқроор бўлинмайди. Кимда ким Аллохдан бошқа яратувчи бор деса, шубҳасиз мушрик бўлади. Шундай экан, ҳар бир киши ўзининг феълани ўзи яратади, деб даъво қилган кишининг холи не кечади?! Шунинг учун қадарийлар бу умматнинг оташпарастларидир.

و روى أبو داود عن ابن عمر، عن النبي صلى الله عليه و سلم، قال: "القدرية مجوس هذه الأمة،

إن مرضوا فلا تعودوهم، و إن ماتوا فلا تشهدوهم" (قال الألباني رحمه الله: إسناده ضعيف لكن له طرق يتقوى بها).

Абу Довуд Ибни Умардан, бу киши пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам дан ривоят қиладилар: пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам айтадиларки: (маъноси) “Қадария тоифаси бу умматнинг оташпарастларидир. Агар улар хаста бўлишса, холларидан хабар олманглар. Ўлишганда эса, жанозаларига катнашманглар”.

٥٨. فَوَيْلٌ لِمَنْ صَارَ لِلَّهِ تَعَالَى فِي الْقَدَرِ حَصِيْمًا، وَأَحْضَرَ لِلنَّظَرِ فِيهِ قَلْبًا سَقِيْمًا، لَقَدْ التَّمَسَ بِوَهْمِهِ

فِي فَحْصِ الْغَيْبِ سِرًّا كَتِيْمًا، وَعَادَ بِمَا قَالَ فِيهِ أَفْكَأُ أَثِيْمًا.

**58-матн:** Бас, тақдир тўғрисида Аллох таоло билан тортишувчи бўлиб юрган, унга назар солиш учун касал калбни ҳозир қилган кимсага вайл-халокат бўлсин. Бундай кимса ўзининг гумони билан гайбни текширишда сир тутилган, беркитилган нарсани кидирди ва у ҳақда айтган сўзи билан ўта ёлгончи гунохкор бўлиб қайтди.

**Шарх:** Калбда хаёту ўлим ва касалу шифо бор. Бу нарсалар бадандагидан-да огиррок бўлади. Соғлом тирик калбга ботил ва кабиҳ нарсалар кўндаланг кўйилганда, ўз табиати билан улардан нафратланади, уларни ёмон кўради ва уларга илтифот қилмайди. Ўлик калб эса бунинг акси бўлади. Чунки у яхшилик билан ёмонлик орасини ажрата олмайди. Бу борада Абдуллох бин Масъуд разияллоху анху бундай деганлар: “Яхшилик билан ёмонликни била олмайдиган калб эгаси халок бўлибди”.

Калб касаллиги икки турли бўлади: шубҳа касаллиги ва шахват касаллиги. Шубҳа касаллиги шахват касаллигидан-да баттаррок бўлади. Шубҳанинг энг ёмони тақдир масаласидадир. Баъзан калб касал бўлади, касали огирлашади, лекин эгаси унинг касалини сезмайди. Чунки, бундай

кимса, калбининг саломат бўлиш илмини ташлаб кетиб, бошка нарсалар билан овора бўлиб юради. Хаттоки, калб ўлади, аммо эгаси унинг ўлганини сезмайди. Бунинг аломати, кабих амаллар жарохати уни аламлантормайди ҳамда ҳақдан жохил колгани ва эътиқодининг ботиллиги уни огритмай кўяди. Зеро, агар инсон калбида ҳаёт бўлса, ёмон амал килгани сабабли калби огрийди ҳамда ёвуз одамлар туфайли калбидаги ҳаётнинг миқдорига қараб аламланади. Калбининг огриганнини сезади, лекин давонинг аччиғлиги ва унга сабр қилиш у инсонга огир бўлади. Чунки калбнинг давоси ҳавою нафсга қарши бўлади.

Сабрли содик (мўмин жаннат сари сафар қилаётганида) калби энг биринчи улуг жамоат билан йўлдош эканлигини сезса, шерикларининг озлиги ёки уларнинг йўқлигидан умидсизлик дахшатиға тушмайди. Энг биринчи улуг жамоатнинг кимлар эканлигини Аллох таоло Нисо сурасининг 69-оятда қуйидагича баён қилган:

{ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ وَالصِّدِّيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ وَحَسُنَ أُولَئِكَ رَفِيقًا } النساء: 69

Маъноси: “Улар Аллох неъмат берган пайгамбарлар (вахий неъмат билан Аллох уларни фазилатли қилган кишилар), сиддиклар (пайгамбарлар келтирган шариатни қомил суратда тасдиқ қилганлар), шаҳидлар (Аллохнинг қалимаси олий бўлиши йўлида жанг қилиб ўлдирилган кишилар) ва солиҳлар (ташкию ички кўринишлари салоҳиятли ва амаллари эзгули бўлган зотлар) бўладилар. Бундай зотлар энг яхши ҳамроҳлардир”. (Саъдий тафсири асосида).

Абу Шома раҳимахуллох ўзларининг “Ал-хаводису вал-бидаъ” деган китобларида айтадилар: “Шариатда жамоатни лозим тутишга буйруқ келди. Жамоатни лозим тутишдан мақсад, ҳақни лозим тутиб, унга эргашидир. Гарчи ҳақни қаттиқ тутадиганлар оз бўлиб, унга қарши чиқувчилар кўп бўлса ҳам. Чунки, ҳақ пайгамбаримиз صلى الله عليه وسلم ва U кишининг саҳобалари разияллоху анхум замонларидаги энг биринчи жамоат юрган йўлдир. Улардан кейинги ботил ахлининг кўплигига назар солиб аҳамият бермаймиз. Хасанул-Басрий раҳимахуллох бундай деганлар:

"السنة- و الذي لا إله إلا هو- بين الغالي والجافي، فاصبروا عليها رحمكم الله، فإن أهل السنة كانوا أقل الناس فيما مضى، وهم أقل الناس فيما بقي، الذين لم يذهبوا مع أهل الإتراف في إترافهم، ولا مع أهل البدع في بدعتهم، وصبروا على سنتهم حتى لقوا ربهم فكذاك فكونوا"

Маъноси: “Суннат, Ундан бошка ибодатга ҳақли илох йўқ бўлган Зот - Аллохга қасам ичаманки, чуқур кетиб ботқоққа ботиш билан бўш ташлаб қўйиш орасидадир. Суннат устида сабр қилинлар, Аллох сизларни раҳматига олсин. Чунки, Аҳли суннат ўтган замонда ҳам одамларнинг озчилиги эди. Бундан кейин ҳам улар одамларнинг озчилиги бўлади. Улар шундай зотларки, маишатбозлар билан бирга уларнинг маишатларига юришмади. Ва бидъатчилар билан бирга уларнинг бидъатиға ботиб кетишмади. Улар Роббиларига йўлиққунга қадар суннатлари устида сабр қилишди. Сизлар ҳам шундай бўлинлар”.

### 59-матн: Арш ва Курсий ҳақдир

Шарҳ: Аллоҳ таоло Аъроф сурасининг 54-оятда бундай марҳамат килади:

{ إن ربكم الله الذي خلق السماوات والأرض في ستة أيام ثم استوى على العرش يغطي الليل النهار يطلبه حثيثا والشمس والقمر والنجوم مسخرات بأمره ألا له الخلق والأمر تبارك الله رب العالمين } الأعراف: ۵۴

Мазкур оят маъносини Табарий раҳимахуллоҳ куйидагича тафсир киладилар: “Эй одамлар, Сизларнинг Роббингиз-Саййидингиз ва ишларингизни ислоҳ қилгувчи зот, барча нарсанинг ибодатига ҳақли бўлган Аллоҳдир. Ул шундай зотки, осмонлар ва ерни олти кунда яратди. Бу кунлар: якшанба, душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунларидир. Кейин Ўзининг улуглигига лойиқ тарзда Аршга кўтарилди. Ул зот кечани кундузга ўрар, кеча келса кундуз тез кетар, кундуз келса, кеча кетар. Ҳамда Ул зот қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган ҳолда яратди. Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Униқидир. Барча оламлар Роббиси-Аллоҳ яхшилигу эҳсони қўп бўлган улуг зотдир”. Аллоҳ таоло бундан бошқа бир канча оятларда ҳам Аршни эслатади.

Арш ниҳоятда улкан яралмиш бўлиб, Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким уни тўлиқ камраб олмайди. Улуг-улуг малоикаларнинг бир нечталари уни кўтариб туришади. У Фирдавс жаннатининг тоmidир. Бу сўзларнинг ҳаммаси пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам нинг саҳиҳ ҳадисларида мавжуд. Саҳиҳул-Бухорийда пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дан ривоят қилинади, айтадиларки:

" إذا سألتم الله الجنة فاسألوه الفردوس، فإنه أوسط الجنة، و فوقه عرش الرحمن "

Маъноси: “Аллоҳдан жаннат сўраганингизда, Фирдавс жаннатини сўранглар. Чунки у, жаннатнинг энг ўртаси (юкориси) дир. Унинг тепаси Раҳмоннинг Аршидир”.

Арш устунларининг борлиги ҳақиқат. Уларни фаришталар деб тахмин қилиш мумкин эмас. Баъзи фалсафачилар Аршни, барча томонлардан оламни ўраб тургувчи фалак деб даъво қилишди. Бу гап тўғри эмас. Арш лугатда, подшоҳларда бўладиган тахт маъносини англатади. Аршни мулк деганларнинг гапи ҳам ботил.

Шунингдек Курсий ҳам ҳақ. Уни Арш деганларнинг сўзи тўғри эмас. У икки кадам ўрнидир. Уни ҳам Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким камраб олмайди. Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 255-оятда: “Унинг Курсийси осмонлар ва ердан кенгдир”, деган. Курсийни Аллоҳнинг илми дейиш ҳам ботил.

(Арш ва Курсий ҳам гайб масалаларга қиради. Уларнинг қандайлигини Аллоҳ билади).

۶۰. وهو مستغن عن العرش وما دونه، محيط بكل شيء وفوقه، وقد أعجز عن الإحاطة خلقه

**60-матн:** Аллоҳ таоло Аршдан ва ундан бошқасидан ҳам хожатсиздир. Ул зот барча нарсани камраб олгувчи ва ҳамма нарсдан юкорида бўлган Аршнинг устидадир. Аллоҳ субҳонаху ва таоло халқларини Уни камраб олишларидан ожиз қолдирди. (Халқлар Аллоҳ таолони била олмаслар).

Шарҳ: Аллоҳ таоло Анкабут сурасининг 6-оятда айтади:

{إن الله لغني عن العالمين} العنكبوت: ٦

Маъноси: “Шубхасиз Аллох барча оламлардан бехожат зот”.

Таховий раҳимахуллох Арш ва Курсий хусусида сўз юритгандан кейин, Аллох субхонаху ва таолонинг Аршга ва ундан бошқасига ҳам хожати йўклигини зикр қилдилар. Зеро Аллох таоло Аршни унга юксалиш учун яратди, унга хожати борлиги учун эмас. Бунда Ул зотнинг хикмати бор. Шу хикматининг тақозоси билан Аллох Аршга юксалган. Хар бир юқоридаги пастдагининг устида бўлганда, пастдаги уни эгаллаган, уни камраб олган ва уни кўтариб турган бўлиши шарт эмас. Бундан ташқари хар бир юқоридаги пастдагига мухтож бўлавермайди. Мана Осмонга қаранг, у Ернинг устида турибди. Аммо Ерга мухтож эмас. Шундай экан, Аллох таолонинг мисоли улуг ва олийдир. Балки пастда турувчилар Ул зотга мухтож. Ул зотнинг пастда турувчига хожати йўқ. Арш эса Аллохга мухтож. Аллох таоло Аршни камраб туради. Арш эса Ул зотни камраб ололмас.

**“Ул зот барча нарса ни камраб олгувчи ва ҳамма нарсадан юқорида бўлган Аршнинг устидадир”**, дейилди. Аллохнинг олийлигини йўққа чиқарувчилар, агар Аллохнинг зоти хусусида юқоридагидек батафсил баён қилишганда, хидоят топган бўлишарди. Ҳамда далил-асос ортидан юрган бўлишарди. Аммо улар далилдан ажралиб кетишди ва тўғри йўлдан адашишди. Имом Молик раҳимахуллох {ثم استوى على العرش} (Сўнг Аллох Аршга кўтарилди), ояти ҳақида, қандай кўтарилди? деб сўралганларида: “Кўтарилиш маълум. Қандайлиги эса номаълум”, деб жавоб бердилар.

Энг юқоридаги яралмиш Арш бўлса, Аллох унинг устига юксалган ва Ул зот барча нарсаларни камраб олгувчидир. Барча нарсаларни камраб олгувчи эканлигига, қуйидаги Сажда сурасининг 54-ояти далил бўлади:

{ألا إنه بكل شيء محيط} حم السجدة: ٥٤

Маъноси: “Огоҳ бўлингиз, Аллох таоло барча нарсаларни камраб олгувчидир”. Абдуллох бин Аббос разияллоху анхумо айтадилар:

ما السموات السبع و الأرضون السبع و ما فيهن و ما بينهن في يد الرحمن- إلا كخردلة في يد أحدكم.

Маъноси: “Етти қатлам осмонлару етти қават ерлар, улардаги нарсалару орасидагилар, худди сизлардан бирингизнинг кўлида қалампир уруги бўлгани каби, Раҳмоннинг кўлидадир”.

Аллохнинг мисоли энг олий экани маълумдир. Агар бизлардан биримизнинг кўлида бир қалампир уруги бўлса, хоҳласа уни чангаллаб олади. Шунда кўл у уругни камраб олган бўлади. Хоҳласа уни остига кўяди. Шу икки ҳолатда ҳам, инсон қалампир уругидан алоҳида, унинг устида ва ундан олийдир. Шундай экан, Аллохнинг мисоли қандай бўлади?! Аллох таолони бирор бир нарса камраб ололмас. Ул зот хоҳласа, Қиёмат қунидагидек, бугуннинг ўзида осмонлар ва ерни чангаллаб олади.

Аллох таолонинг барча махлуқот устида эканлигига асос Анъом сурасининг қуйидаги 18, 61- оятларидир:

{و هو القاهر فوق عباده} الأنعام: ١٨, ٦١.

Маъноси: “Аллох таоло бандаларининг устида, қаҳр билан Голиб бўлган зотдир”. Наҳл сурасининг 50-оятида эса бундай дейди:

{يخافون ربهم من فوقهم} النحل: ٥٠.

Маъноси: “Халқлар устларидаги Роббиларидан қўрқурлар”.

Абу Хурайра разияллоху анхудан ривоят қилинади, пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам бундай дейдилар:

"لما قضى الله الخلق كتب في كتاب فهو عنده فوق العرش: أن رحمتي سبقت غضبي" متفق عليه.

Маъноси: "Аллох таоло халқлар тақдирини ҳукм қилгач, Аршнинг устида, Ўзининг ҳузурда бўлган бир китобга: Раҳматим газабимдан ўзиб кетди, деб ёзди".

(Яна пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам бундай марҳамат қилдилар:

"يتعاقبون فيكم ملائكة بالليل و ملائكة بالنهار و يجتمعون في صلاة الفجر و صلاة العصر، ثم يعرج الذين باتوا فيكم فيسألهم - هو أعلم بهم-: كيف تركتم عبادي؟ فيقولون: تركناهم و هم يصلون و أتيناهم و هم يصلون" (رواه البخاري: ٥٥٥)

Маъноси: "Сизларнинг ораларингизда сизларни кузатиб турувчи фаришталар бор. Уларнинг бир тоифаси тунда сизларни кузатиб турса, иккинчи тоифаси кунда кузатиб туради. Фаришталар аср намози ва бомдод намози вақтларида алмашиш учун йигиладилар. Улардан сизлар орангизда тунаган тоифаси, навбатни иккинчи тоифага топшириб, осмонга, Роббилари ҳузурга кўтарилиб кетадилар. Шунда Роббилари Аллох таоло - бандаларининг ахволини билгувчирок бўлиб - уларнинг ҳолати тўғрисида бундай савол беради: Бандаларимни қай ҳолда қўйиб келдингиз? Фаришталар айтадиларки: Уларни қўйиб келганимизда ҳам улар намоз ўқиётган ҳолда эдилар, борганимизда ҳам намоз ўқиётган ҳолда эдилар". (Тонг намозидан кейин ризқ тақсимланади. Кимки, мана шу вақтда ибодат устида бўлса, унинг ризқига ҳам, амалига ҳам барака ёғилади, дейди Ибни Хажар Аскалоний раҳимахуллох ).

Кимки Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам ҳадислари ва салаф уламоларимизнинг сўзларига қулоқ тутса, Аллохнинг юқорида эканлигини исбот қиладиган ҳисобсиз далиллар топади.

Мутийъул-Балхий деган киши айтадиларки: Абу Ханифа (раҳимахуллохга): "Билмайман, Роббим Осмондами ёки Ердами, деган одамнинг холи не кечади? деб савол берганимда, у киши: "Шубҳасиз кофир бўлади. Чунки, Аллох таоло айтади:

{الرحمن على العرش استوى} طه: ٥.

Маъноси: "Раҳмон-Аллох Аршга қўтарилган". Ул зотнинг Арши етти қатлам осмонларнинг тепасидадир", дедилар. Мен айтдим: Агар Аллох Аршнинг устида деса-ю, лекин билмайман, Арш Осмондами ё Ердами, десачи? У киши айтдилар: "У кофирдир. Чунки, у Аршнинг Осмонда эканлигини инкор қилди. Кимда-ким Аршнинг Осмонда эканлигини инкор қилса, ҳақиқатда кофир бўлади". Аллох таолонинг Арш устида эканлигини инкор қилувчилар, ўзларини Абу Ханифа мазҳабларига нисбат беришларига қаралмас. Баъзан Мўтазила ва улардан бошқалар ҳам ўзларини Абу Ханифа мазҳабларига нисбат беришади. Бундай кимсалар эса, Абу Ханифанинг кўп эътиқодий масалаларига қарши.

٦١. ونقول: إن الله اتخذ إبراهيم خليلاً، وكلم الله موسى تكليماً، إيماناً وتصديقاً وتسليماً.

**61-матн: Дарҳақиқат Аллох Иброҳимни Ўзига ҳалил қилиб олди ва Мусо билан гаплашди, деб иймон келтирамиз, тасдиқлаймиз ва таслим бўламиз.**

Шарх: Аллох таоло айтади:

{ و اتخذ الله إبراهيم خليلاً النساء: ١٢٥ }

Маъноси: “Аллох Иброхимни Ўзига халил килиб олди.” Комил суратдаги мухаббатга - мухаббатнинг энг юкори даражасига - халил килиш дейилади.

Яна Аллох таоло айтади:

{ و كلم الله موسى تكليماً النساء: ١٦٤ }

Маъноси: (“Аллох таоло Мусога гапирди” дегани, Аллох таоло Мусога Ўзининг сўзи билан хитоб килди, маъносини англатади. Табарий тафсиридан). Адашган Жаҳмия тоифаси Аллохнинг мухаббат ва гапириш сифатларини инкор қилишди. Бу хусусдаги бидъатни Исломда энг биринчи пайдо қилган кимса, Жаъд бин Дирхам бўлади. Иккинчи юзйиллик бошларида, Ирок амири бўлмиш Холид бин Абдуллох Курбон хайити қунида - ўша замондаги тобиийлардан бўлган уламоларнинг фатволари билан - Жаъдни катл қилган. Чунки, Жаъднинг даъвосича Аллох Иброхимни Ўзига халил қилмагана ва Мусо билан гаплашмаган экан. Аллох таоло бу амирга Ислом ва унинг ахлидан яхши мукофот берсин!”

Аллохнинг мухаббати ва халил килиб олиши, Ул зотнинг улуглигига лойик тарзда бўлади. Аллохнинг бошка сифатлари каби буларга ҳам Иймон келтирамиз. (Канакалиги борасида бош котирмаймиз).

٦٢. ونؤمن بالملائكة والنبیین، والكتب المنزلة على المرسلین ونشهد أنهم كانوا على الحق المبين.

**62-матн: Фаришталарга, пайгамбарларга ва юборилган элчиларга туширилган китобларга иймон келтирамиз ҳамда улар очик-равшан хакикатда бўлганлар деб гувоҳлик берамиз.**

Шарх: Бу ишлар Иймоннинг устунларидир. Аллох таоло айтади:

{ آمن الرسول بما أنزل إليه من ربه و المؤمنون، كل آمن بالله و ملائکته و کتبه و رسله } البقرة:

٢٨٥

(Ушбу оят маъносини Ибни Касир раҳимахуллох бундай тушунтирадилар: Аллох таоло хабар бердики, пайгамбаримиз Расулulloх صلى الله عليه وسلم Роббилари томонидан Ўзларига туширилган шариатга Иймон келтирдилар. Мўминлар ҳам Аллохнинг элчисига нозил қилинган барча нарсаларга Иймон келтиришди. Кейин Аллох таоло барчалари - пайгамбаримиз ва мўминлар хақида хабар бердики, уларнинг хаммаси Аллохга, Унинг фаришталарига, китобларига ва элчиларга иймон келтиришди. Аллохнинг элчиларидан бирортасини ажратиб қўймасдан барчасига Иймон келтирамиз дейишди).

Зикри ўтганларга Иймон келтирган кишиларни Аллох таоло мўминлар деб номлади. Шуларни инкор қилганларни эса, қуйидаги оятда кофирлар деди:

{ و من يكفر بالله و ملائکته و کتبه و رسله و اليوم الآخر فقد ضللاً بعيداً النساء: ١٣٦ }

Маъноси: “Кимки Аллохга, Унинг фаришталарига, китобларига, элчиларига ва Охират қунига кофир бўлса, хакикатда залолат боткогига каттик ботибди.” Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам Иймон хақида савол берган сўровчи (Жаброил алайхиссалом) га бундай жавоб берган эдилар:

" أن تؤمن بالله و ملائکته و کتبه و رسله و اليوم الآخر، و تؤمن بالقدر خيره و شره " رواه مسلم.

Маъноси: “Аллохга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, Охират кунига Иймон келтиришинг ва тақдирнинг яхшилиги ва ёмонлигига Иймон келтиришинг”.

Фаришталар осмонлар ва Ерга вакил килинган яралмишлардир. Бу оламдаги хар бир харакат фаришталардан келиб чиқади. Аллох таоло айтади:

{فالمديرات أمرا} النازعات: ٥

Маъноси: “Ишнинг тадбирини тузувчи фаришталарга касам”. “Саъдий раҳимахуллох ушбу оятни бундай тафсир киладилар: Тадбир килувчилар фаришталардир. Аллох таоло уларни бу оламдаги кўп ишларнинг бажарувчилари килиб қўйди. Масалан: ўсимликлар, шамоллар, денгизлар, оналар корнидаги болалар, хайвонотлар, жаннат, дўзах ва бошқалар”. Фаришталарнинг бир неча синфлари борлигига Китобу Суннат асос бўлади. Улар турли синфдаги махлукотларга вакил килинган. Аллох таоло тоғларга, булутлар ва ёмгирга, бачадондаги яралмишнинг яратилиши тўлик бўлгунча, банданинг амалини саклаш ва уни ҳисоблаб ёзишга, вафот этган кишидан кабрда савол сўрашга, фалакларни харакатлантириб туришга, Куёш ва Ойга, дўзахга, унга олов ёкишга, унинг аҳлини азоблаб туришга, жаннатга, уни бино килишга, экин экишга ва бундан бошқа ишларга фаришталарни вакил килиб қўйган. Яна фаришталарнинг баъзилари раҳмат фаришталари, азоб фаришталари, Аршни кўтариб туришга вакил килинган фаришталар, Осмонларни намоз, тасбиҳ ва улуглаш билан бино килиб туришга вакил килинган фаришталар ва бошқалари. Уларнинг ҳисобини Аллохдан бошқа бир кимса билмас. Фаришта деган номдан Юборувчи - Аллохнинг амрини бажарувчи элчи тушунилади. Шунинг учун иш уларнинг қўлида эмас. Фаришталар Аллохнинг энг улкан лашкарлари бўлади. Уларнинг бошқарувчилари учта: Жаброил, Микоил ва Исрофил. Булар хаётга вакил килинган. Калблар ва рухлар хаётига сабаб бўлган вахийга Жаброил вакил килинган. Ер, ўсимликлар ва хайвонларга сабаб бўлган ёмгирга Микоил вакил килинган. Халкнинг ўлиmidан кейин қайта тирилишига сабаб бўлган сурнинг чалинишига эса Исрофил вакил килинган. Осмондаги Байтул-маъмурга хар куни етмиш минг фаришта кириб, бошқа қайтиб келишларига (етмасдан Киёмат бўлади).

Пайгамбарлар ва элчиларга Иймон келтириш. Аллох таоло Ўзининг китобида номлаган элчиларга Иймон келтиришимиз фарздир. Аллох таоло Улардан бошқа элчилар ва пайгамбарлар ҳам юборган. Буларнинг исмлари ва сонини, уларни юборган Зот- Аллох таолодан ўзга ҳеч ким билмас. Биз пайгамбарларнинг барчасига Иймон келтиришимиз лозим. Зеро, уларнинг сони хусусида Куръон ва ҳадисда далил келмаган. (Куйида келадиган оят тафсирида Ибни Касир раҳимахуллох пайгамбарлар сони хақида бир неча саҳихмас ривоятларни келтирадилар. Пайгамбарлар сони 124 000 дир, дейилган ривоят ҳам саҳих эмас. Аллох билгувчирок) Аллох таоло айтади:

{و رسلا قد قصصناهم عليك من قبل و رسلا لم نقصصهم عليك} النساء: ١٦٤.

(Ушбу оят маъносини Ибни Касир раҳимахуллох бундай тафсир киладилар: “Аллох таоло айтади: бу оятдан олдин, яъни маккий ва бошқа сураларда баъзи элчиларнинг кассасини Сизга баён килдик. Бу баён

килинган пайгамбарларнинг номларига Куръон оятлари асос бўлади. Улар: Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброхим, Лут, Исмоил, Исхок, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Шуайб, Мусо, Хорун, Юнус, Довуд, Сулаймон, Илёс, Ал-Ясаъ, Закарийё, Яхё, Насаф, Зул Кифл ва пайгамбарларнинг саййиди бўлмиш Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам (барчаларига Аллохнинг салоту саломлари бўлсин). Оятнинг давомида Аллох таоло: Айрим элчиларни Сизга баён қилганимиз йўқ, деди. Яъни, яна бошқа пайгамбарлар ҳам борки, улар Куръонда зикр қилинмаган”.)

Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам га Иймон келтириш. У кишининг пайгамбар эканлигини тасдиқлаб, у киши келтирган шариатга ҳам умумий суратда, ҳам бирма-бир суратда Иймон келтиришдир.

Юборилган элчиларга туширилган китобларга иймон келтириш. Аллох таоло бу китоблардан қайсиларини оти билан номлаган бўлса, масалан: Таврот, Инжил ва Забурга номма-ном Иймон келтирамыз. Аллох таоло Ўзининг пайгамбарларига булардан бошқа китоблар ҳам туширгани, уларнинг исмлари ва сонларини Аллох таолодан бошқасини билмаслигига ҳам Иймон келтирамыз.

٦٣. ونسَمي أهل قِبَلتِنَا مُسْلِمِينَ مُؤْمِنِينَ، مَا دَامُوا بِمَا جَاءَ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُعْتَرِفِينَ، وَلَهُ بِكُلِّ مَا قَالَهُ وَأَخْبَرَ مُصَدِّقِينَ.

**63-матн:** Кибламиз ахлини мусулмонлар, мўминлар деб номлаймиз. Модомики улар пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам келтирган нарсаларни эътироф қилгувчи хамда у киши айтган ва хабар берган барча нарсаларни тасдиқловчи бўлсалар.

Шарх: Кибламиз ахли — ҳар бир Исломи даъво қилгувчи, намозда Каъбага юзланувчи, Исломда харомлиги маълум бўлган ишларни ҳалол қилиб олмайдиган, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам хабар берган барча нарсаларни тасдиқлайдиган ва у киши келтирган акоид, шариат қонунлари ва ҳукмларни тўғри деб эътироф қилган кишилардир. Биз бундай инсонга Исломи, Иймон исмини юритамиз. Модомики у қилган гуноҳини ҳалол қилиб олмаса хамда била туриб қасдан Исломи бузиб юборувчи амални қилмаса, уни қофирга чиқармаймиз. Шайх Таховийнинг сўзларидан Исломи ва Иймон битта нарса эканлиги маълум бўлади. Баъзи уламолар уларни бошқа-бошқа деб фарқлашган. Исломи билан Иймон ажралиб алоҳида зикр қилинганда, буниси хам, униси далолат қилган нарсага далолат қилади. Жамланиб бир зикр қилинганда эса, Исломи - зоҳирий амалларга хосланади, Иймон эса ботиний, яъни ички амалларга хосланади. Аллох билгувчиқодир. (Шарҳда Хумаййснинг хам сўзлари бор).

٦٤. وَلَا نَخُوضُ فِي اللهِ، وَلَا نَمَارِي فِي دِينِ اللهِ.

**64-матн:** Аллох хақида чуқур шўнгиб кетмаймиз ва Аллохнинг дини тўғрисида талашиб-тортишмаймиз.

Таховий раҳимахуллох бу матнда файласуфларнинг ботил сўзларидан тийилишга ишора қиладилар. Чунки улар Аллох хақида илмсиз ва далилсиз гапирадилар. Абу Ханифа раҳимахуллох айтадилар: “Бирор бир кимсага Аллохнинг зоти хусусида ўзича бир нарса дейиши мумкин эмас. Аксинча, Ул зот Ўзини қандай сифатлар билан сифатлаган бўлса, мўминлар хам Ул зотни шундай сифатлашлари лозим”.

Аллохнинг дини тўғрисида талашиб-тортишмаймиз дегани - ҳақ ахлига, ҳавою нафс ахлининг шубҳаларини кундаланг ташлаб, хусумат қилмаймиз. Чунки бунда ботилга даъват қилиш, ҳақни булғаш ва Ислом динини бузиш бор.

٦٥. ولا نجادل في القرآن، ونشهد أنه كلام رب العالمين، نزل به الروح الأمين، فعلمه سيد المرسلين  
محمداً صلى الله عليه وعلى آله وسلم، وهو كلام الله تعالى لا يساويه شيء من كلام المخلوقين، ولا نقول  
بخلقه، ولا نخالف جماعة المسلمين

**65-матн:** Куръон тўғрисида хусумат қилмаймиз. Уни, Оламлар Роббисининг каломи эканлигига, Рухул-Амин - Жаброил уни тушириб, расулларнинг саййиди бўлмиш Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам га таълим берганлигига гувоҳлик берамиз. Куръон Аллох таолонинг каломи, махлуклар сўзидан бирор-бир нарса унга тенг кела олмас. Уни махлук демаймиз ҳамда мусулмонлар жамоатига қарши бўлмаймиз.

**Шарҳ:** “Куръон тўғрисида хусумат қилмаймиз”. Эҳтимол бу иборанинг маъноси қуйидагича: Биз Куръон тўғрисида бидъат ахлининг даъволарига қўшилмаймиз ва ихтилоф ҳам қилмаймиз. Улар ботил йўллар билан ҳақни йўқотмоқчи бўлиб тортишадилар. Биз айтамыз: Куръон Оламлар Роббисининг каломидир. Уни Рухул-амин туширдилар. Эҳтимол юқоридаги матннинг маъноси: Биз саҳих йўл билан келган кироатлар хусусида тортишмаймиз. Балки, кироатларнинг ҳаммасини исбот қиламиз. Барча кироатлардаги маъноларни ҳақ деб биламиз. Иккинчи эҳтимолдаги маънонинг саҳихлигига Абдуллох бин Масъуд разияллоху анху ривоят қилган ҳадис гувоҳ бўлади. Бу киши айтадилар: Мен бир кишининг тиловатини эшитдим. У бир оят ўқиди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дан шу оятни бошқача ўқиганларини эшитганман. Шунда унинг қўлидан олиб, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам олдиларига олиб бордим. Бўлиб ўтган ишни Ул кишига айтдим. Шу чоғда Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам юзларида қароҳият-ёмон қўришни сездим. Ул зот айтдиларки:

"كلاما محسن، لا تختلفوا، فإن من كان قبلكم اختلفوا فهلكوا" رواه مسلم.

Маъноси: “Икковингиз муҳсин-чиройли ўқигувчисизлар. Ихтилоф қилманглар. Чунки, сизлардан олдингилар ихтилоф қилишиб ҳалок бўлишди”. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам ихтилофдан қайтардилар. Шундай ихтилофданки, унда ҳар икки тортишувчи шеригининг ҳақ бўлишига қарамай, уни инкор қилиб туради. Чунки, ҳадисдаги иккала қори ҳам, ўқиган оятларини чиройли тиловат қилувчи эдилар. Ихтилофнинг ёмон эканлигини пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам, биздан олдингиларнинг ихтилоф қилишиб ҳалок бўлишганини тушунтирдилар. Шунинг учун Ҳузайфа разияллоху анху Усмон разияллоху анхуга айтдиларки: “Бу умматни тушунинг, ўтган умматлар ихтилоф қилганларидек, булар ҳам ихтилоф қилишмасин”. Шунда Усмон разияллоху анху одамларни бир кироатга чиройли жамлаб қўйдилар. Саҳобалар залолатга жамланишдан сақланган зотлар эдилар. Улар Куръонни бир кироатга жамлашда вожиб амални тарқ этиб юборишмади. Ҳамда тақикланган қилмишга қўл уришмади. Чунки, Куръонни етти кироатда ўқиш жоиз эди, вожиб эмас. Куръонни етти кироатда ўқиш Аллох таолонинг берган руҳсати ва Ул Зот хоҳлаган

кироатларида ўқиш ихтиёрини одамларга бериб қўйган эди. Бунинг мисоли худди суралар тартибига ўхшайди. Суралар орасидаги тартибга риоя қилиш ҳам далил асосида вожиб бўлмаган. Шунинг учун Абдуллох бин Масъуд разияллоху анху Куръонидаги тартиб билан Усманий Куръон тартиби орасида фарк бор. Бошқа саҳобаларнинг тартиби эса яна бошқача эди. Аммо оятлар орасидаги тартиб далил асосида келган. Шунинг учун саҳобалар оятлар орасидаги тартибни ўзгартиришмаган. Улар умматнинг парчаланиб кетаётганини кўришганда, мусулмонларни бир кироатга йигиб қўйишди. Мана шу - салафлардан бўлган жумхур уламолари ва кориларининг сўзидир, дейдилар Ибни Жарир Табарий раҳимахуллох.

Куръонни Рухул-амин туширдилар, дейилди. Рухул-амин Жаброил алайхиссалом бўладилар. Калбларнинг ҳаёти бўлган вахийни, инсониятдан бўлган расулларга (уларнинг барчаларига Аллохнинг салотлари бўлсин) олиб келувчи фаришта бўлганлари учун, у зотга Рух деган ном берилди. Жаброил энг хақикий амин-омонатдор бўладилар. (У зотга Аллохнинг салотлари бўлсин!). Аллох таоло айтади:

{ نزل به الروح الأمين. على قلبك لتكون من المنذرين. بلسان عربي مبين } الشعراء: ۱۹۳-۱۹۵.

Ушбу оят маъносини Саъдий раҳимахуллох бундай тушунтирадилар: “Куръонни Рухул-амин туширдилар. Рухул-амин фаришталарнинг энг афзали ва кувватлироғи бўлган Жибрил алайхиссалом бўладилар. Вахийни кўпайтириш ё камайитиришдан омонатдор бўлганлари учун амин дейилдилар. Эй Мухаммад, Сиз Куръон билан оғохлантирувчилардан бўлишингиз учун – у билан тўғри йўлни баён қилишингиз ва адашиб кетишдан оғохлантиришингиз учун – Жибрил Куръонни араб тилида Сизнинг калбингизга туширдилар. Араб тили тилларнинг энг афзали бўлади. Куръони каримдаги бу фахрли фазилатларнинг қандай жамланганини бир ўйлаб кўринг. Зеро, Куръон - китобларнинг энг афзали. Уни энг афзал фаришта, халкнинг энг афзалига, одамлар учун чиқарилган энг афзал умматга ва тилларнинг энг фасохатлиси ҳамда кенгроғи бўлган равшан араб тилида туширди”.

Куръонни элчиларнинг саййидига таълим бердилар, дейилди. Бунда, Жаброил Куръонни Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламга таълим берганлари очик баён қилинди. Бу сўзлар Каромита тоифасининг даъвосини ботилга чиқаради. Уларнинг бузук фикрича, Жаброил Куръонни У кишининг нафсларига илхом билан тасаввур қилдирган эмиш.

Куръонни махлук демаймиз ҳамда мусулмонлар жамоатига қарши бўлмаймиз, дейилди. Бундан, Куръонни махлук деганлар, мусулмонлар жамоатига қарши чикканликлари маълум бўлади. Чунки, бу умматнинг барча салафлари, Куръонни хақикий Аллохнинг сўз ва махлук эмаслигига иттифок қилишган. Балки, “мусулмонлар жамоатига қарши бўлмаймиз”, дегани, мутлақо сўздир. Яъни, мусулмонларнинг барча иттифок қилган нарсаларига қарши бўлмаймиз. Зеро, уларга қарши бўлиш - оғиб кетиш, адашиш ва бидъатдир.

۶۶. ولا تكفر أحداً من أهل القبلة بذنب، ما لم يستحله، ولا نقول: لا يضر مع الإيمان ذنب لمن عمله

**66-матн: Кибла ахлидан бирор кишини гунохи туфайли кофирга чикармаймиз, модомики уни халол килиб олмаса. Иймонли кишининг килган гунохи иймонига зарар етказмайди, демаймиз.**

Шарх: Кибла ахлининг кимлар эканлиги юкорида ўтди. Унда: “Кибламиз ахли — хар бир Исломни даъво килгувчи, намозда Каъбага юзланувчи, Исломда харомлиги маълум бўлган ишларни халол килиб олмайдиган, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам хабар берган барча нарсаларни тасдиқлайдиган ва у киши келтирган акоид, шариат конунлари ва хукмларни тўғри деб эътироф килган кишилардир”, дейилган эди. Шайх раҳимахуллох бу матн билан Хаворижларни рад этадилар. Улар килинган хар бир гунох билан мусулмонни кофирга чикариб юборишади.

Билгин эй биродар – Аллох сени хам, бизни хам Ўз раҳматига олсин – кофирга чикариш ва чикармаслик боби, шундай бобки, ундаги фитна ва мусибатлар катталашган, парокандалик кўпайган, хавою нафслар ва фикрлар турлича бўлган хамда томонларнинг далиллари бир-бирларига карама-карши бўлиб кетган. Одамлар бу бобда, Аллохнинг Ўз пайгамбарига юборган ҳақка карши бўлган бузук эътиқодлар ахлига бўлинишади.

Бир тоифа: Кибла ахлидан бирор кимсани кофирга чикармаймиз, дейишди. Булар, кофир бўлиб қолишни умуман йўқ қилишди. Холбуки, кибла ахлининг орасида мунофиклар борлигини билишар эди. Кибла ахлининг орасида шундай мунофиклар борки, улар шаходат калимасини зохир қилишади. Аммо, Куръон, ҳадис ва ижмоъ-иттифокка караганда, улар яхуд ва насоролардан-да кофирроқ. Шунинг учун кўп имомлар, кибла ахли хар қандай гунох қилса хам кофир бўлмайди, деб мутлақо ҳукм чикаришдан ўзларини тўхтатишди. Балки, айтиладики: хар қандай гунох сабабли кибла ахлини кофирга чикариб юборавермаймиз. Хаворижлар шундай қилишади. Шунинг учун, Шайх раҳимахуллох: **“модомики гунохни халолга чикариб олмаса”**, деб қайд қилганлар. Аллох билгувчирок.

**“Иймонли кишининг килган гунохи иймонига зарар етказмайди, демаймиз”**, дейилди. Бу матн Муржиа тоифасининг эътиқодини рад этади. Улар айтадиларки: Кофир кимсага қилган ибодати фойда келтира олмаганидек, Иймони бор кишига қилган гунохи зарар етказмайди. Булар бир тарафда бўлса, Хаворижлар бошқа тарафда. Чунки улар: Хар бир гунох ё катта гунох сабабли мусулмонни кофирга чикарамай, деб даъво қилишади. Шунингдек Мўтазилалар хам. Булар айтадиларки: Катта гунох сабабли мусулмон иймонининг барчаси йўқ бўлиб кетади. У билан бирга Иймондан бирор нарса қолмайди. Лекин Хаворижлар айтадиларки: Иймондан чиқиб куфрга кириб кетади. Мўтазилалар эса айтадиларки: Иймондан чиқади-ю, куфрга кирмайди. Бу икки манзил орасидаги бир манзилдир!!! Хаворижлар хам, Мўтазилалар хам, ўзларининг даъволарида, гунох қилган кимсани Иймондан чиқаришиб, Дўзахда абадий қолишини вожиб қилиб қўйишди!!! (Буларнинг сўзлари ботилдир).

Ахли суннат иттифок қилишадики, катта гунох қилгувчи мусулмонга, Ислом миллатидан чиқариб юборувчи куфр-кофир атамаси юритилмайди. (Куфр икки турли бўлади. Биринчиси катта куфр бўлиб, Исломдан чиқариб юборади. Иккинчиси эса, кичик куфр бўлиб, Исломдан

чикариб юбормайди. Бунисига гунохкор дейилади, кофир эмас). Ахли суннат яна шунга иттифок килишадики, катта гунох килган кимса, Иймон ва Исломдан чикиб кетмайди, куфрга кирмайди ва кофирлар билан бирга дўзахда абадий қолишга лойик бўлиб қомайди.

٦٧. ونرجو للمحسنين من المؤمنين أن يعفو عنهم ويدخلهم الجنة برحمته، ولا نأمن عليهم، ولا نشهد لهم بالجنة، ونستغفر لمسيئهم، ونخاف عليهم، ولا نقنطهم.

**67-матн:** Мўминларнинг мухсинлари, яъни эзгули амаллар килувчиларни Аллох афв этади ва Ўз раҳмати билан уларни жаннатга киритади деб умид қиламиз. Улар хақида хотиржам бўлиб қомаймиз ва уларга жаннат бўлади деб, гувоҳлик ҳам бермаймиз. Уларнинг гунохкорларига магфират сўраймиз, уларнинг ахволлари хақида хавфсираймиз ва уларни ноумид қилиб қўймаймиз.

Шарх: Шайх раҳимахуллохнинг айтган бу сўзларини мўмин киши ҳам ўзи тўғрисида, ҳам бошқалар тўғрисида, эътиқод қилмоғи лозим.

(Биз яхши мўмин кишининг жаннатга киришини умид қиламиз. Агар иймон билан вафот этса уни (жаннатга қиради деб) башорат берамиз. Лекин, бу билан бирга у хақида Аллох таолонинг макридан хотиржам бўлиб қомаймиз ва жаннатий бўлди деб қатъий сўз айтмаймиз. Мўминларнинг гунохкорларига эса, Аллохдан магфират сўраймиз ва дўзахий бўлди деб, қатъий хулоса қилмаймиз. Чунки бу билан Аллох таолонинг раҳматидан умидсиз қолдириш бўлади. Ахли суннат ва жамоат Куръонда ва саҳих ҳадисда жаннат ахлидан деб таъйин қилинган кишиларнигина жаннат ахлидан деб қатъий гувоҳлик беришади. Шунингдек, асос билан дўзах ахлидан деб таъйин қилинган кимсанигина дўзахий деб, қатъий гувоҳлик беришади. Булардан бошқа одам хусусида қатъий сўз айтилмайди. Хумаййис шарҳи асосида).

Қуйидаги ўнта сабабга қўра ёмонликларни килувчи кимсадан жаҳаннам азоби соқит бўлади:

Биринчиси. Тавба қилиш. Тавба холис бўлиши лозим. Бундай тавба бир гуноҳга хос бўлиб, бошқасига дахлсиз дейилмас. Барча гуноҳларнинг магфират қилинишига тавбадан-да бошқа сабаб бўладиган бирор иш йўқ. Аллох таоло айтади:

{ قل يا عبادي الذين أسرفوا على أنفسهم لا تقنطوا من رحمة الله إن الله يغفر الذنوب جميعا إنه هو الغفور الرحيم } الزمر: ٥٣.

(Ушбу оят маъносини Саъдий раҳимахуллох бундай тафсир қиладилар: “Аллох таоло Ўзининг исроф қилувчи, яъни, қўп гуноҳ килувчи қулларига Ўз саховатининг кенглигини хабар беради ва тавба қилишларига имкон қолдирмайдиган Қун қелиб қолишидан олдин, уларни тавба қилишларига сафарбар қилади. Шунинг учун Аллох таоло айтади: «Эй пайгамбар ва Ул кишининг ўрнида туриб Аллохнинг динига даъват қилувчилар, Аллохнинг бандаларига Роббилари номидан хабар бериб айтинг: «Ўз жонларига жабр қилган, ховою нафсларига эргашиб, гуноҳлар қилган ва Гайблар Олими бўлмиш Аллохнинг газабига дуч қелиб қолган эй бандаларим, Аллохнинг раҳматидан умидсиз бўлмангиз, яъни ўзингиз ўз қўлингиз билан ўзингизни халокатга улоқтирмангиз. Гуноҳларимиз қўпайиб кетган, уларни йўқотишга йўл йўқ, энди бўлганича бўлди деб, яна гуноҳ қилишда бардавом бўлмангиз. Сизлар Роббингизни таниб олингиз. Ул зотнинг саховатли эканлигига далолат қилувчи

исмларини билингиз. Билингизким, шубхасиз Аллох барча гунохларни магфират килади. Гунохлар ширк, катл, зино, судхўрлик ва зулм каби катта гунохларми ёки кичик бўладими, Аллох уларни кечиради. Албатта Ул зот магфиратли ва рахмлидир”. Бу оят факат тавба килган кишиларга тааллуқли (шунинг учун ширк ҳам зикр килинган.)

Иккинчиси, Истигфор-Аллохдан магфират сўраш. Аллох таоло айтади.

{ وما كان الله معذبهم و هم يستغفرون { الأنفال: ٣٣ .

Маъноси: “Одамлар Аллохдан магфират сўраб турганларида Аллох уларни азоблагувчи эмасдир”. Мухаддис Хоким ўзларининг “Мустадрак” китобларида Абу Саъид разияллоху анхудан ривоят киладилар, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам айтадилар:

"إن الشيطان قال وعزتك يا رب لا أبرح أغوي عبادك ما دامت أرواحهم في أجسادهم فقال الرب وعزتي

و جلالتي لا أزال أغفر لهم ما استغفروني" قال الحاكم صحيح الإسناد ولم يخرجاه (و رقمه: ٧٦٧٢).

Маъноси: “Шайтон айтди: Эй Роббим, Иззатинг билан касам ичиб айтаманки, модомики бандаларинг жасадларида рухлари бор экан, тўхтовсиз уларни адаштириб тураман. Шунда Раб таоло айтди: Иззатим ва Жалолимга касамки, модомики улар мендан истигфор сўраб туришар экан, Мен уларни бардавом кечириб тураман”. Баъзан истигфор ёлгиз зикр килинса, баъзида тавба билан бирга келади. Истигфор ёлгиз айтилганда, тавба ҳам унинг маъносига дохил бўлади. худди тавба ёлгиз зикр килинганда, истигфорни ўз ичига олгани каби. Аммо иккаласи бирга зикр килинганда, истигфор – ўтмишда ўтган килмишларнинг ёмонлигидан Аллохнинг хифзу химоясини сўраш, маъносида келади. Тавба эса – Аллохга кайтиш ва келажакда кўркаётган нарсаларнинг – номакбул амаллари - ёмонлигидан саклашини Аллохдан сўраш. Бунинг мисоли факир ва мискинга ўхшайди. Агар бу иккиси ёлгиз-ёлгиз зикр килинганда, бири иккинчисининг маъносини ўзига дохил килади. Бирга зикр килинганда эса, уларнинг хар бирида бошка-бошка маънолар бўлади. Моли оз бўлганига факир дейилса, хеч нарсаси йўқ бўлганига, мискин дейилади.

Учинчиси. Яхшиликлар килиш. Чунки, битта яхшиликка ўн баравар савоб ёзилади. Ёмонликка эса, битта. Битталиклари ўнталикларига голиб келган кимса холига вой бўлсин. Аллох таоло айтади:

{ إن الحسنات يذهبن السيئات {هود: ١١٤ .

Маъноси: “Гумонсиз яхшиликлар ёмонликларни кетказади”. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бундай дейдилар:

"و أتبع السيئة الحسنة تمحها" قال الألباني رحمه الله: حديث حسن.

Маъноси: “Ёмонлик кетидан яхшилик эргаштиргин, уни ўчириб юборади”.

Тўртинчиси. Дунёвий мусибатлар. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бундай дейдилар:

" ما يصيب المؤمن من وصب و لا نصب، و لا غم و لا هم و لا حزن، حتى الشوكة يشاكها-إلا كُفِّرَ بها من خطاياها" (متفق عليه).

Маъноси: “Мўмин кишига бир хасталик, чарчок, гам, ранжиш ва хафалик етса, хатто бир тикан кирса ҳам, албатта булар сабабли унинг

хатою камчиликлари ўчирилади”. Мусибатларнинг ўзи гунохларни ўчиргувчидир. Уларга сабр қилишда эса, бандага савоб берилади. Агар газаб қилса, гунох орттиради.

Бешинчиси: Кабр азоби. Иншааллох бунинг баёни кейинроқ келади.

Олтинчиси: Гунохкор банданинг ҳаққига - унинг ҳаётлик чоғида ва ўлимидан кейин - мўминларнинг қилган дуолари ва айтган истиғфорлари.

Еттинчиси: Гунохкор банданинг вафотидан кейин унга ҳадя қилинадиган ибодатлар. Бунинг баёни ҳам иншааллох кейинроқ келади.

Саккизинчиси: Киёмат кунининг даҳшатлари ва шиддатлари.

Тўққизинчиси: Бухорий ва Муслимлар ривоят қилишган ҳадис. Унда пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам айтганларки:

”أن المؤمنين إذا عبروا الصراط وقفوا على قنطرة بين الجنة و النار، فيقتصن لبعضهم من بعض، فإذا هذبوا و نَقُوا أذن لهم في دخول الجنة” رواه البخاري.

Маъноси: “Мўминлар Сиротдан ўтаётганларида, жаннат билан дўзах орасидаги кантара-кўприк устида тўхтатилдилар. Шунда баъзиларидан баъзиларига касос олиб берилади. Қачон қутилиб ва тозаланишгач, уларга жаннатга кириш учун изн берилади”. (Ушбу ҳадис маъносини Ибни Хажар раҳимахуллох бундай шархлайдилар: Сирот, кўприк бўлиб, (Киёмат майдони билан жаннат орасида,) жаханнам устига қўйилган. Жаннат шу кўприкнинг орқасида. Инсонлар амалларига қараб унинг устидан ўтадилар. Уларнинг орасида, ёмонликларидан яхшиликлари кўп бўлган ёки тенг бўлган ёки Аллох кечириб юборган, нажот топгувчилари бор. Ҳамда уларлар орасида, ёмонликлари яхшиликларига устун келиб, Аллох уларни кечирмаган, жаханнамга қулаб кетадиганлари бор. Ёлғиз Аллохга ибодат қилиб, гунохларга қўл урган мусулмонлар, жаханнамга тушганда, Аллох хоҳлаганча азобланишиб, кейин шафоат ё ундан бошқа сабабга қўра у ердан чиқишади. Баъзан нажот топгувчининг устида бошқаларнинг ҳаққи бўлади. Бу кишининг яхшиликлари қилган зулмига тенг ё ундан кўпроқ бўлади. Шунда ўтказган зулмига тенг келадиган яхшиликларидан ҳақдорларга олиб берилади. Шундан кейин инсон қилган зулмларидан қутилиди).

Ўнинчиси: Шафоат қилгувчиларнинг шафоати. Бу хусусда, шафоат ҳақидаги матнда сўз юритилган эди.

Ўн биринчиси: Бирор бир шафоатсиз, раҳм қилувчиларнинг Раҳмлирогининг афв этиши сабабли. Аллох таоло айтганидек:

{ وَيَغْفِرَ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَن يَشَاءُ } النساء: ٤٨، ١١٦.

Маъноси: “Аллох таоло ширқдан бошқасини хоҳлаган бандаларидан кечириб юборади”.

٦٨. وَالْأَمْنُ وَالْإِيَّاسُ يَنْقَلَانِ عَنْ مِلَّةِ الْإِسْلَامِ، وَسَبِيلِ الْحَقِّ بَيْنَهُمَا لِأَهْلِ الْقَبِيلَةِ.

**68-матн: (Аллохнинг макридан) хотиржам бўлиш ва (Ул зотнинг раҳматидан) умидсиз бўлиш Ислом миллатидан кўчириб юборади. Кибла ахли учун ҳақ йўл у иккисининг орасида.**

Шарҳ: Банданинг кўркувчи ва умид қилувчи бўлган ҳолда ҳаёт кечирishi шарт бўлади. Чунки, макталган ҳақиқий кўркув, инсон билан Аллох ҳаром қилган нарсалар орасини тўсиб туради. Макталган умид эса, Аллохнинг нури устида, савобини умид қилган ҳолда Аллохнинг ибодатини қилган кишининг умиди. Ёки бир гунох қилиб қўйилганда,

унинг магфират килинишини умид килган холда, Аллохга тавба килган кишининг умидидир. Абу Али Рузборий раҳимахуллох айтадилар: “Кўркув билан умид кушнинг икки канотига ўхшайди. Агар канотлар тенг бўлса, учиш тенг ва тўлик бўлади. Качон канотларнинг бирида нуксон бўлса, учишда ҳам нуксон бўлади. Бордию иккала канот ҳам кетса, куш халокат ёқасига тушиб қолади”. Аллох таоло хавф ахли билан умид килувчиларни мактаб, бундай деган:

{ تتجافى جنوبهم عن المضاجع يدعون ربهم خوفاً وطمعا ومما رزقناهم ينفقون } السجدة: ١٦ .

(Ушбу оят маъносини Табарий раҳимахуллох бундай тафсир киладилар: “Аллохнинг оятларига Иймон келтирган бу зотларнинг ёнбошлари ётоқ ўринларидан кўтарилиб, ухламасдан, кўркиб ва гунохларининг афв килишини умид килган холларида Роббиларига дуо килиб чиқадилар. Ул зотнинг раҳмати билан фазлу ризкини ва магфиратини умид киладилар. Хамда Аллох йўлида Биз берган ризқдан инфок киладилар. Ризқларидан Аллох уларга вожиб килган, Ул зотнинг хакларини адо этадилар”).

Умид килиш кўркувни такозо қилади. Агар шунака бўмаганда хотиржамлик келиб қолади. Кўркиш хам умидни такозо қилади. Агар шундай бўлмаганда, умидсизлик вужудга келиб қолади. Аллох таолодан бошқа ҳар қандайдан кўрканингда, ундан қочасан. Аллохдан кўрканингда эса, унга қараб қочасан. Демак, Роббисидан кўркувчи, Унга қараб қочувчидир.

عن النبي صلى الله عليه وسلم: "يقول الله عز وجل: أنا عند ظن عبدي بي. فليظن [بي] ما شاء".  
(متفق عليه. وفي رواية: " فلا تظنوا بالله إلا خيراً")

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтадиларки: (Маъноси) “Аллох азза ва жалла бундай дейди: Мен, бандамнинг Мен ҳақимда килган гумонидаман. Мен ҳақимда нимани хоҳласа, гумон қилаверсин”. Бир ривоятда: “Аллох ҳақида факат яхши гумон қилинглари”, дейилган.

Уламолар айтадиларки: “Ким Аллохга ёлғиз мухаббатнинг ўзи билан ибодат қилса, зиндик-мунофиқ бўлади. Кимда-ким, факат кўркув билан Ул зотга ибодат қилса, ҳарурий-хаворижлардан бўлади. Кимки, ёлғиз умиднинг ўзи билан Ул зотга ибодат қилса, муржиалардан бўлади. Кимда-ким, хам мухаббат, хам кўркув ва хам умид билан Аллох таолога ибодат қилса, мана шу киши ёлғиз Аллохга ибодат қилувчи мўминдир”.

(Аллохнинг макридан хотиржам бўлиш ва Аллохнинг раҳматидан ноумид бўлиш Исломи миллатидан чиқариб юборади. Аллох таоло бундай дейди:

{ فلا يأمنُ مكرَ الله إلا القومُ الخاسرونُ } الأعراف: ٩٩ .

Маъноси: “Аллохнинг макридан факат халок бўлгувчи қавмгина хотиржам бўлур”. Юсуф сурасининг 87-оятда эса айтадики:

{ إنه لا يئسُ من رُوحِ الله إلا القومُ الكافرونُ } يوسف: ٨٧ .

“Зеро, Аллохнинг раҳматидан факат кофир қавмгина ноумид бўлур”. Ҳақ ахлининг йўли бу иккисининг ўртасида бўлади. Шунинг учун банда, Аллохнинг макридан кўркиш билан Ул зотнинг раҳматидан умидвор бўлишни жамлаб юриши лозим бўлади. Хумаййис шарҳидан.)

٦٩ . ولا يخرُجُ العبدُ مِنَ الإيمانِ إلا بجُحودٍ ما أنزلَهُ فِيهِ .

**69-матн: Банда Иймондан чикиб кетмайди. Факат уни Иймонга киритган нарсани инкор килиши туфайлигина чикиб кетади.**

**Шарх:** Мазкур матн билан Таховий раҳимахуллох Хавориж ва Мўтазила тоифаларнинг эътиқодини рад этадилар. Уларнинг тушунчасига караганда, одам катта гуноҳ сабабли Иймондан чикиб кетар экан. Бундай эътиқод тўғри эмас.

(Мўмин киши Иймонни бузиб юборувчи амал билангина Иймондан ажралади. Масалан: Иймонни тасаввур килиб бўлмайдиган маълум бир нарсани – (намоз, закот ва рўза кабиларни) - била туриб инкор этиш. Мусулмон киши килган гуноҳидан тавба килгунига қадар осий бўлиб туради. Маъсиятининг миқдорига қараб Иймони камаяди. Иймон исми ундан тамоман кўтарилмайди. Факат Иймонни бузиб юборадиган амал килгандагина ундан Иймон бутунлай кўтарилади. Иймоннинг камайиши билан асли йўқолмайди, балки заифлашади. Хумаййис шарҳидан)

٧٠. والإيمان: هو الإقرار باللسان، والتصديق بالجنان، وجميع ما صح عن رسول الله صلى الله عليه وسلم من الشرع والبيان كله حق. والإيمان واحد، وأهله في أصله سواء، والتفاضل بينهم بالخشية والتقوى، ومخالفة الهوى، وملازمة الأولى.

**70-матн: Иймон - тил билан икром бўлиш ва қалб билан тасдиқлашдир. Расулulloх саллалллоху алайхи ва саллам дан ривоят қилинган шариат ҳамда диний ишлар баёни ҳақидаги барча саҳих ҳадислар ҳақдир. Иймон битта. Иймон аҳли унинг аслида тенгдирлар. Улар орасидаги фазилатлироғлари (Аллоҳдан кўпроқ) кўрққан, такво қилган, ҳавою нафсига берилиб кетмаган ва энг яхши ишларни лозим тутганлари бўладилар.**

**Шарх:** Иймоннинг таърифи хусусида одамлар орасида турли-турли фикрлар айтилган. Молик, Шофиъий, Аҳмад, Авзоъий, Исҳоқ бин Роҳавайх, бошқа Аҳли ҳадислар ва Мадина аҳли (барчаларига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!) ҳамда Зоҳирийлар ва бир жамоат файласуфлар айтдиларки: Иймон – қалб билан тасдиқлаш, тил билан икром бўлиш ва (намоз ва закот каби шариат) устунларига амал қилиш. Бизнинг кўп уламоларимиз (яъни Ханафий мазҳабининг уламолари) Таховий раҳимахуллоҳнинг зикр қилган сўзларини айтишди. Яъни: Иймон – тил билан икром бўлиш ва қалб билан тасдиқлаш.

(Иймон тўғрисида) яна бир таъриф ҳам бор. Унда айтиладики: Сўз икки қисмдан иборат. Биринчиси қалбнинг сўзи бўлиб, унга эътиқод дейилади. Иккинчиси тилнинг сўзи. Буниси эса, Ислом-шаҳодат қалимасини айтиш. Амал ҳам икки қисмга бўлинади. Биринчиси қалб амали бўлиб, унга ният ва ихлос дохил бўлади. Иккинчиси (қўл ва оёқ каби) аъзоларнинг амали. Мана шу тўрт нарса йўқолса, Иймон тамомила йўқолади. Агар қалбнинг тасдиқлаши йўқ бўлса, қолган бўлақлар фойда бермайди. Қачонки, қалбнинг тасдиқи қолиб, қолганлари йўқ бўлса, мана шу ихтилоф майдонидир.

Иймоннинг зиёда бўлиб бориши ва камайишига Қуръон, суннат, ва салафларнинг асарлари жуда кўп. Аллоҳ таоло айтади:

{ وَإِذَا تَلَّيْت عَلَيْهِمْ آيَاتِهِ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا {الأنفال: ٢

Маъноси: “Мўминларга Аллоҳнинг оятлари тиловат қилинганда, Иймонлари зиёдалашиб кетади”.

۷۱. والمؤمنون كلهم أولياء الرحمن

**71-матн: Мўминларнинг барчаси Рахмоннинг авлиёлари бўладилар.**

Шарх: Аллох таоло айтади:

{ أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفَ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ. الَّذِينَ آمَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ } يونس: ۶۲-۶۳.  
Ушбу оят маъносини Куртубий раҳимахуллох бундай тушунтирадилар: “Огоҳ бўлингизким, албатта Аллохнинг авлиёлари-дўстларига охиратда бирор хавф хатар бўлмас. Хамда улар бу Дунёни йўқотганларидан гамгин бўлмаслар. Улар иймон келтирган ва такво килган зотлардир”.

۷۲. وأكرمهم عند الله أطوعهم وأتبعهم للقرآن.

**72-матн: Аллохнинг хузурида мўминларнинг энг хурматлироклари, Аллохга итоатлирок бўлганлари хамда Куръонга кўпрок эргашганларидир.**

Шарх: Аллох таоло айтади:

{ إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ } الحجرات: ۱۳

Маъноси: “Аллох хузурида сизларнинг хурматлирокларингиз, кўпрок такво килганларингиздир”.

۷۳. والإيمان: هو الإيمان بالله، وملائكته، ورسوله، واليوم الآخر، والقدر: خيره وشره، وحلوه ومره،

من الله تعالى.

**73-матн: Иймон - Аллохга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, Охират кунига ва тақдирнинг яхшилигию ёмонлиги хамда ширинлигию аччиғлигини Аллох таолодан эканлигига ишониб, тасдиқлашдир.**

Шарх: Расуллаллох саллаллоху алайхи ва саллам Иймон хақида савол берган Жаброил алайхиссаломга бундай жавоб берганлар:

" أن تؤمن بالله و ملائكته و كتبه و رسله و اليوم الآخر، و تؤمن بالقدر خيره و شره". رواه مسلم.

Маъноси: “Аллохга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, Охират кунига Иймон келтиришинг ва тақдирнинг яхшилиги хамда ёмонлигига Иймон келтиришинг”.

۷۴. ونحن مؤمنون بذلك كله، لا نفرق بين أحد من رسله، ونصدقهم كلهم على ما جاءوا به.

**74-матн: Биз юкорида ўтган масалаларнинг барчасига Иймон келтирган мўминлармиз. Расуллардан бирортасини ажратиб кўймаймиз хамда улар келтирган хамма нарсаларни тасдиқлаймиз.**

Шарх: Пайгамбарларнинг ораларини - баъзиларига Иймон келтириб, бошқаларини инкор килиб - ажратмаймиз. Балки уларнинг барчасига Иймон келтирамиз ва тасдиқлаймиз. Кимки, пайгамбарларнинг баъзиларига иймон келтириб, колганларини инкор килса, барчасига кофир бўлади. Аллох таоло айтади:

{ ويقولون نؤمن ببعض ونكفر ببعض ويريدون أن يتخذوا بين ذلك سبيلا. أولئك هم الكافرون حقا }  
النساء: ١٥٠-١٥١

Маъноси: “Айрим пайгамбарларга иймон келтирамиз, айримларини инкор киламиз” дейдиган хамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар - ана ўшалар хакикий кофирдирлар” (Алоуддин Мансур китобидан).

٧٥. وأهل الكباير من أمة محمد صلى الله عليه وسلم في النار لا يخلدون، إذا ماتوا وهم موحدون، وإن لم يكونوا تائبين، بعد أن لقوا الله عارفين، وهم في مشيئته وحكمه، إن شاء غفر لهم و عفا عنهم بفضله، كما ذكر عز وجل في كتابه: { ويغفر ما دون ذلك لمن يشاء } النساء: ١١٦، ٤٨، وإن شاء عذبهم في النار بعدله، ثم يخرجهم منها برحمته وشفاعة الشافعين من أهل طاعته، ثم يبعثهم إلى جنته. وذلك بأن الله تعالى تولى أهل معرفته، ولم يجعلهم في الدارين كأهل نكرته، الذين خابوا من هدايته، ولم ينالوا من ولايته. اللهم يا ولي الإسلام وأهله، ثبتنا على الإسلام حتى نلقاك به.

75-матн: “Мухаммад صلى الله عليه وسلم умматларидан бўлган катта гунох килган кишилар, агар ёлгиз Аллохга ибодат килгувчи бўлиб, тавба килмаган холларида бўлса хам ва Аллохни таниган (яъни мўмин) бўлган холларида Ул Зотга йўликсалар, дўзахда абадий колиб кетмайдилар”. Улар Аллохнинг хохиши ва хукмига хавола килинадилар. Ул Зот хохласа Ўзининг фазлу мархамати билан уларни магфират килиб, афв этади. Куръонда Аллох азза ва жалла: “Ширқдан бошка гунохларни хохлаган кулидан кечиради” деганидек. (Нисо:48,116). Агар хохласа, Ўзининг адолати ила уларни дузахда азоблайди. Кейин Ўзининг рахмати ва ибодат ахлидан бўлган шафоат килгувчиларнинг оклови туфайли уларни дўзахдан чиқаради. Сўнг уларни жаннатига юборади. Бундай бўлиши, Аллох таоло Ўзининг маърифат ахлини дўст тутганидандир. Аллох таоло уларни икки дунёда кофир кимсалар каби килмади. Кофирлар Ул зотнинг хидоятидан махрум бўлган ва У зотга дўст бўлишга ета олмаган кимсалардир. Ислом ва унинг ахлини дўст тутган эй Аллох, Сенга йўлиққунимизга қадар бизларни Исломда собитқадам кил!

Шарҳ: “Мухаммад صلى الله عليه وسلم умматларидан бўлган катта гунох килган кишилар, агар ёлгиз Аллохга ибодат килгувчи бўлиб, тавба килмаган холларида бўлса хам ва Аллохни таниган (яъни мўмин) бўлган холларида Ул зотга йўликсалар, дўзахда абадий колиб кетмайдилар”, деган матн Хавориж ва Мўтазилаларнинг сўзини рад этади. Улар айтишадик: “Катта гунох килган кишилар дўзахда абадий қоладилар”. Бундан ташқари Хаворижлар катта гунох килган кишини кофирга хам чиқаришади. Мўтазилалар эса: “Иймондан чиқади-ю, куфрга кирмайди”, деб даъво қилишади. Буларда икки манзил орасида бир манзил бор!!! (Бу икки тоифанинг сўзлари ботил).

Аллох таоло Куръонда ва расули саллаллоху алайхи ва саллам Ўзларининг саҳих ҳадисларида қайтаришган гунохларга катта гунохлар дейилади. Уламолар уларнинг сони хақида турли фикрлар билдиришди. Баъзилар: катта гунохлар еттита, бошкалар ўн еттита дейишди. Яна баъзилар: харомлигига шариатлар иттифок килган гунохларга катта гунохлар дейилади, дейишди. Бошкалар: уларнинг сони маълум эмас,

улар Лайлатул-кадр каби махфий килинган дейишди. Баъзилар эса: уларни етмишта дейишди ва хоказо.

٧٦. ونرى الصلاة خلف كل برٍّ وفاجر من أهل القبلة وعلى من مات منهم.

**76-матн: Кибла ахлидан бўлган хар бир яхши ва гунохкор имом оркасида намоз ўқишни жоиз деймиз. Хамда Кибла ахлидан вафот этганларига жаноза намозининг ўқишлини дуруст деймиз.**

Шарх: Сахихул-Бухорийда: Абдуллох бин Умар ва Анас бин Молик разияллоху анхумлар Хажжож бин Юсуф оркасида унга иктидо килиб намоз ўқишар эди, деб ривоят килинади. Хажжож (конлар тўккан) фосику золим эди. Яна Сахихул-Бухорийда Абу Хурайра разияллоху анхундан ривоят килинади, пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: " يصلون لكم، فإن أصابوا فلكم و لهم، وإن أخطأوا فلكم وعليهم " رواه البخاري و أحمد و اللفظ له.

Маъноси: "Сизларга имомлар намоз ўқиб берадилар. Агар тўгри ўқисалар, сизлар хам намозингизнинг савобини оласизлар, улар хам. Агар хато ўқисалар, сизлар савоб оласизлар, гунохни улар олади".

Билгин эй биродар, - Аллох сени хам, бизни хам Ўз раҳматига олсин – уламоларнинг иттифокига биноан, бидъат ва фосиклигини билмаган имом оркасида намоз ўқиш, намозхон кишига жоиз бўлади. Имомга иктидо килиш учун, унинг эътиқодини билиш ва уни имтихон килиб кўриш, намозхонга шарт эмас. Имомга: Эътиқодинг қанака? каби савол берилмайди. Имомнинг эътиқоди номаълум бўлган холда, унга иктидо килинаверади.

Ақсар уламолар айтишларича: Кимки, жумъа ва жамоат намозидан, имом фожирдир, деб қолиб кетса, бидъат пайдо қилган бидъатчи бўлади. Абдуллох бин Масъуд разияллоху анху ва бошқалар, Валид бин Укба оркасида намоз ўқишар эди. Валид маст қилувчи ичимлик ичарди. Хатто кунлардан бирида, у бомдод намозини тўрт ракаат ўқишгача борган эди.

Қайси бир мўмин вафот этса, мўминлар унга жаноза намозини ўқишга буюриладилар хамда унга намоз ўқишларида унинг ҳаққига яхши дуо қилишга маъмурдилар. Абу Хурайра разияллоху анху айтадиларки, мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дан эшитдим, У киши айтдилар:

" إذا صليتم على الميت فأخلصوا له الدعاء" رواه أبو داود و ابن ماجه. قال الألباني: إسناده جيد.

Маъноси: "Майитга жаноза намозини ўқиганларингизда, унинг ҳаққига ихлос билан дуо қилинглр".

٧٧. ولا ننزل أحداً منهم جنة ولا ناراً.

**77-матн: Кибла ахлидан бирор бир кишини жаннатга хам, дўзахга хам туширмаймиз.**

Таховий айтмоқчи бўладиларки: Кибла ахлидан маълум бир кишини жаннат ахли ёки дўзах ахли, демаймиз. Факат, содик пайгамбаримиз صلى الله عليه وسلم хабар берган кишиларга гувоҳлик берамиз. Масалан ўнта жаннат ахлидан бўлган саҳобалар каби, улардан Аллох рози бўлсин.

Кўп уламолар ва Ахли ҳадислар айтадиларки: (Куръон ё ҳадисда) далил келган хар бир мўмин кишига, жаннатий деб гувоҳлик берилади.

٧٨. ولا نشهد عليهم بكفر ولا بشرك ولا بنفاق، ما لم يظهر منهم شيء من ذلك . ونذر سرانهم إلى الله تعالى .

**78-матн:** Кибла ахлини кофир, мушрик ва мунофик, деб гувоҳлик бериб юбормаймиз. Модомики улардан бу иллатларнинг бири зоҳир бўлмаса. Уларнинг ички ҳолатларини эса Аллоҳ таолога хавола қиламиз.

**Шарҳ:** Чунки биз, ташки кўринишига қараб ҳукм қилишга буюрилганмиз. Ҳамда гумонга ва билмайдиган нарсаларимизга эргашишдан қайтарилганмиз. Аллоҳ таоло Хужурот сурасининг 11-оятда айтади:

{ يا أيها الذين آمنوا لا يسخر قوم من قوم عسى أن يكونوا خيرا منهم } الحجرات: ١١ .

Маъноси: “Эй Иймон келтирган кишилар, бир қавм бошқа бир қавмни масҳара қилмасин. Масҳара қилинганлар, масҳара қилувчилардан яхшироқ одамлар бўлиши мумкин”. Аллоҳ таоло ушбу суранинг кейинги оятда эса бундай дейди:

{ يا أيها الذين آمنوا اجتنبوا كثيرا من الظن إن بعض الظن إثم } الحجرات: ١٢

Маъноси: “Эй Иймон келтирган зотлар, кўп гумон (яъни яхши одамлар хусусида ҳақиқати ва далили йўқ бўлган ёмон гумондан) сакланинглар. Шубҳасиз (бундай) гумон гуноҳдир”. Исро сурасининг 36-оятда эса бундай дейди:

{ ولا تقف ما ليس لك به علم، إن السمع والبصر والفؤاد كل أولئك كان عنه مسؤولا } الإسراء: ٣٦

Оят маъносини Табарий раҳимахуллоҳ бундай тафсир қиладилар: “Одамларга илминг бўлмаган нарсалар ҳақида гапирма. Шубҳасиз қулоқ, кўз ва юрак - буларнинг бари масъул бўлади. Яъни, Аллоҳ таоло бу аъзолардан уларнинг эгаси нима амаллар қилганини сўрайди. Қиёмат кунда қулоқ эшитгани, кўз кўргани ва қалб қилган эътиқоди ҳақида сўралажак”.

(Бир одамда кофир, мушрик ва мунофик бўлиб қолиш шартлари юзага чиқиб, монетликлар бўлмаса, ўшандагина у, кофир, мушрик ё мунофик бўлади. Одамларнинг ички ҳолатлари Аллоҳ таолога хавола қилинади. Чунки бу нарсаларнинг билгувчиси фақат Аллоҳдир. Хумаййс шарҳи асосида).

٧٩. ولا ترى السيف على أحد من أمة محمد صلى الله عليه وسلم إلا من وجب عليه السيف.

**79-матн:** Мухаммад صلى الله عليه وسلم умматларидан бирор-бир кишига қилич қўтарилмайдиган, фақат қилич қўтариш вожиб бўлган қимсага қарши қўтарилади, деймиз.

**Шарҳ:**

عن عبد الله بن مسعود قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " لا يحل دم امرئ مسلم يشهد أن لا إله إلا الله وأني رسول الله إلا بإحدى ثلاث: الثيب الزاني، والنفس بالنفس، والتارك لدينه المفارق للجماعة" متفق عليه.

Маъноси: “Ла илаха иллаллох” ва Мени Расулulloх, деб гувоҳлик берадиган мусулмон кишининг кони ҳалол бўлмас. Факат уч нарса туфайли: турмуши бор зинокор, одам ўлдирган ва динини тарк этиб, жамоатдан ажралгувчи”. (Ушбу ҳадис маъносини “Авнул-Маъбуд” китобининг соҳиби бўлмиш Абу Тийб раҳимахуллох шарҳлаб айтадиларки: “Мусулмонлардан бўлган эркагу аёлнинг кони факат куйидаги уч қилмиш билангина тўкилади: Оилали озод кишининг қилган зиноси туфайли. Одам ўлдирган кишининг кони. Яъни қатл қилинган одам учун қасос бўлиб, қотил ҳам ўлдирилади. Динини ташлаган, мусулмонлар жамоатини тамомила тарк қилган, ёлғизланиб, муртад бўлган қимса”).

۸۰. ولا نرى الخروج على أمتنا وولاية أمورنا، وإن جاروا، ولا ندعو عليهم، ولا ننزع يداً من طاعتهم، ونرى طاعتهم من طاعة الله عز وجل فريضة، ما لم يأمرنا بمعصية، وندعو لهم بالصلاح والمعافاة.

**80-матн: Имомларимиз ва ишларимизнинг волийлари (рахбарлари)га, гарчи зулм қилсалар ҳам хуруж қилмаймиз. Уларга дуои бад қилмаймиз. Уларга итоат қилишдан қўлни тортиб олмаймиз. Уларга итоат қилишни Аллох таолога итоат қилиш бўлган фарз деб биламиз, модомики маъсиятга буюрмасалар. Уларнинг ҳақларига салохият ва афв сўраб дуо қиламиз.**

Шарх: Аллох таоло қуръонда:

{ يا أيها الذين آمنوا أطيعوا الله وأطيعوا الرسول وأولي الأمر منكم } النساء: ۵۹.

Маъноси: “Эй Иймон келтирган кишилар, Аллохга итоат қилингиз, пайгамбарга итоат қилингиз ҳамда ўзларингиздан бўлган иш эгаларига (яъни халифалар ва уламоларга)”. Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтадилар:

" من أطاعني فقد أطاع الله، ومن عصاني فقد عصى الله، ومن يطع الأمير فقد أطاعني، ومن يعص الأمير فقد عصاني" رواه البخاري و مسلم.

Маъноси: “Қимки менга итоат қилса, ҳақиқатда Аллохга итоат қилибди. Қимки менга осий бўлса, ҳақиқатда Аллохга осий бўлибди. Қимки амирга итоат қилса, ҳақиқатда менга итоат қилибди ва қимки амирга осий бўлса, ҳақиқатда менга осий бўлибди”.

Абу Зар разияллоху анху: Халилим (яъни Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам) мени, гарчи атрофлари қесилган ҳабаший қул бўлса ҳам эшитганимга итоат қилмоғлигимни васият қилдилар” дедилар (Муслим ривояти).

Яна Бухорий Ибни Аббос разияллоху анхумодан ривоят қиладилар, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бундай деганлар: (маъноси) “Қимки амиридан ёмон қўрадиган бир нарса қўрса, сабр қилсин. Чунки қимда қим жамоатдан бир қарич ажралган ҳолда вафот этса, бас жохил ўлим билан ўлибди”.

(Имомларга ва иш эгаларига хуруж қилмоқни, гарчи одамларга зулм қилсалар ҳам ҳаром деб биламиз, ҳатто улар томондан гуноҳ зохир бўлса ҳам. Чунки раҳбарларга хуруж қилмоқ ёмон оқибатга, қон

тўкилишига ва бебошликни таркалиб кетишига сабаб бўлади. Демак, амирлар ва халифалар, модомики Ислоом доирасида колар эканлар, Аллохнинг динини ўзгартирмас эканлар ва улардан куфр зохир бўлмас экан, Ахли суннат вал-жамоат уларга дуои бад килмайдилар, уларга итоатсизлик килмайдилар. Модомики улар яхшиликка буюрсалар, уларга итоат килмокни вожиб, деб билдилар. Аммо маъсиятга буюрсалар кулок солмайдилар ва итоат хам килмайдилар. Уларга салохият сўраб дуо килишади. Чунки, уларнинг тўгрилиги умматнинг тўгрилиги, уларнинг бузуклиги, умматнинг бузилиши ва бузгунчиликни таркатиши бўлади. Аллохбилгувчирокдир. Бу шархда Хумаййснинг хам сўзлари бор).

٨١. ونتبع السنة والجماعة، ونجتنب الشذوذ والخلاف والفرقة.

**81-матн: Суннат ва жамоатга эргашамиз. Жамоатдан ёлгизланиб колиш, мухалиф бўлиш ва фиркаланиб кетишдан сакланамиз.**

**Шарх:** Суннат — Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам нинг йўллари, жамоат эса, мусулмонларнинг жамоатидир. Булар - сахобалар ва Киёмат кунигача уларга яхшилик билан эргашган кишилар бўладилар. Уларга эргашиб хидоят, уларга карши чикиш залолатдир. Аллох таоло пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам га эргашимизни буюрди. Ул зот Оли Имрон сурасида бундай дейди:

" قل إن كنتم تحبون الله فاتبعوني يحببكم الله " آل عمران: ٣١

Маъноси: “Эй Мухаммад, айтинг, агар сизлар Аллохни яхши кўрсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллох сизларни яхши кўради”. Яна Аллох таоло Нисо сурасининг 115-оятда айтади:

{ ومن يشاقق الرسول من بعد ما تبين له الهدى ويتبع غير سبيل المؤمنين نوله ما تولى و نصله جهنم و ساءت مصيرا } النساء: ١١٥.

Маъноси: “Кимга Куръон оятлари ва пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам хадислари асосида хидоят - тўгри йул баён килиниб, равшан бўлганидан кейин, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам га карши чикса ва мўминлар-сахобаларнинг йулини колдириб, бошка йулларга эргашиб кетса, топиб олган йўлида уни ташлаб кўямиз. Унинг ёрдамчисини бутлару санамлар килиб кўямиз. Аммо улар, у адашган бечорани Аллохнинг азобидан куткара олмаслар. Хамда уни хор киламиз, унга тавфик бермаймиз. Чунки у хакни кўриб, билиб тарк этди. Охиратда уни жаханнамга киритамиз. Жаханнам кандай хам ёмон жой!” Анъом сурасининг 153-оятда эса бундай дейди:

{ وأن هذا صراطي مستقيما فاتبعوه، ولا تتبعوا السبل فتفرق بكم عن سبيله ذلكم وصاكم به لعلكم تتقون } الأنعام: ١٥٣.

Маъноси: “Албатта мана шу Менинг тўгри йўлимдир. Сизлар шу йўлга эргашинглар! Бошка йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Аллохнинг йўлидан узиб кўяр. Шояд такво килсангиз, деб Аллох сизларни мана шу нарсаларга буюрди”. Ва Оли Имрон сурасининг 105-оятда бундай дейди:

{ ولا تكونوا كالذين تفرقوا واختلفوا من بعد ما جاءهم البينات، و أولئك لهم عذاب عظيم } آل عمران: ١٠٥.

Маъноси: “Аник хужжатлар келганидан кейин бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф килиб, талашиб-тортишадиган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ундайлар учун улуг азоб бордир”.

(Модомики мусулмонларнинг жамоати Аллохнинг амрида, ҳақ ва ҳидоятда, амри маъруф ва нахий мункарда коим экан, уларга эргашамиз. Аммо одамлар бузилиб кетганида, шариат конунлари ўзгартирилганда, суннат бидъатга, бидъат эса суннатга, мункар иш яхши ишга, яхши иш эса мункарга айланиб кетганда, четланиб одамлардан ёлғиз бўлиш ҳалол бўлиб қолади. Хавою нафс ва залолатда бўлган фиркалардан четланилади. Мана шундай қилишни пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам Хузайфа бин Ямонга Ўз ҳадисларида насихат қилган эдилар: “У фиркаларнинг барчасидан йирок бўл, гарчи сенга ўлим келгунга қадар дарахтнинг танасини тишлаб олиб, унга ёпишиб қолиш билан бўлса ҳам”. Хумаййис шарҳи асосида).

۸۲. ونحب أهل العدل والأمانة، ونبغض أهل الجور والخيانة.

**82-матн: Адолат ва омонат ахлини яхши кўрамиз ҳамда жабру ситам ва хиёнат ахлини ёмон кўрамиз.**

Шарҳ: Бу ҳислат, Иймоннинг комиллиги ва ибодатнинг мукамаллигидан бўлади. Зеро ибодат, мухаббатнинг комиллигини ва чўккисини ҳамда Аллох олдида камтарин бўлиб туришнинг тўлиқлигини ўз ичига олади. Аллохнинг расуллари, пайгамбарлари ва мўмин бандаларига бўлган мухаббат Аллохга бўлган мухаббатдан келиб чиқади. Аллохдан бошқасини Аллох билан бирга кўшиб яхши кўрилмайди. Балки Аллох учун, Унинг йўлида яхши кўрилади. Чунки яхши кўрувчи, яхши кўрганининг суйганларини ҳам яхши кўради. Ёмон кўрганларини ёмон кўради. Дўст тутганларини дўст тутади. Душманларини душман деб билади. Рози бўлганларига рози бўлади. Газаб қилганларига газаб қилади. Буюрган нарсаларига буюради. Кайтарганларидан кайтаради. Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай ҳолда ҳам яхши кўрган Зотига мувофиқ ҳаёт кечириб юради. Аллох таоло мухсинлар - Аллохни кўриб тургандек ибодатни адо этгувчилар, такводдорлар, кўп тавба қилгувчилар ва ўзларини пок тутгувчиларни яхши кўради. Биз ҳам Аллох яхши кўрган кишиларни яхши кўрамиз. Аллох хоинлар, бузгунчилик қиладиган ва қибру ҳаво қилиб юрувчиларни яхши кўрмайди. Биз ҳам уларни яхши кўрмаймиз. Аллох субҳанаху ва таолога мувофиқ бўлмок учун бундай кимсаларни ёмон кўрамиз. Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам айтадиларки:

" من أحب الله وأبغض الله وأعطى الله ومنع الله فقد استكمل الإيمان " رواه أبو داود.

Маъноси: “Ким Аллох учун яхши кўрса, Аллох учун ёмон кўрса, Аллох учун берса ва Аллох учун тўсса, ҳақиқатда Иймонни мукамал қилибди”.

۸۳. ونقول: الله أعلم، فيما اشتبه علينا علمه.

**83-матн: Айтамикки: Бизнинг аклимизга сигдириб бўлмайдиган нарсалар илмини Аллох билгувчирокдир.**

Шарх: Юкорида, “чунки инсон, Аллох таоло ва Унинг расули саллаллоху алайхи ва саллам га таслим бўлиб ҳамда аклига сигдира олмаган масалалар илмини Олимига кайтармагунча динида саломат колмайди”, деган сўзлари ўтди. Кимки илмсиз сўз юритса, факат хавою нафсига эргашган бўлади. Аллох таоло Касос сурасининг 50-оятида айтади:

{ و من ضل ممن اتبع هواه بغير هدى من الله { القصص: ٥٠

Маъноси: “Аллох томонидан хидоятланмаган холда ўз хавою нафсига эргашган кимсадан ҳам йўлдан озганрок ким бор?!” Умар разияллоху анху айтадилар: Суннат — Аллох ва Унинг расули саллаллоху алайхи ва саллам нинг йўналтириб кўйган йўллари дир. Хато фикрни умматга йўл килиб кўйманглар”. Абу Бакр разияллоху анху эса айтадиларки: “Кайси Ер мени кўтарсин, кайси Осмон менга соябон бўлсин, агар мен Аллохнинг китобидан бўлган бир оят хакида ўз фикрим билан ё билмаган нарсаларимни гапирсам!” Ибни Сирин айтадиларки: “Билмаган нарсаларида Абу Бакрдан-да кўркувчирок бирор-бир киши йўк эди. Абу Бакрдан кейин билмаган нарсаларида Умардан кўра кўркувчирок бирор киши йўк эди. Агар Абу Бакр бошларига бир хукм тушиб, унинг ечими хакида Аллохнинг китобидан бирор асос топа олмасалар ҳамда суннатдан ҳам бирор асар топа олмасалар, фикрлари билан ижтиход килар эдилар. Кейин: бу менинг фикрим дир, агар тўгри бўлса Аллохдан, хато бўлса ўзимдан, мен Аллохдан магфират сўрайман, дер эдилар.

٨٤. ونرى المسح على الخفين، في السفر والحضر، كما جاء في الأثر.

**84-матн:** Асар-хадисда айтилганидек, ҳам сафарда, ҳам хазарда - ўз юртида махсиларга масх тортса бўлади, деймиз.

Шарх: (Тахорат килишда) махсиларга масх тортиш ва оёк ювиш Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам томонларидан мутавотир бўлган хабар дир. Адашган Рофиза тоифаси махсиларга масх тортишга хилоф йўл тутишган. (Уларнинг сўзлари ботил).

٨٥. والحج والجهاد ماضيان مع أولي الأمر من المسلمين: برهم و فاجرهم، إلى قيام الساعة، لا يبطلهما شيء ولا ينقضهما.

**85-матн:** Мусулмонлардан - уларнинг яхшилари ва фожирларидан - бўлган бошликлари билан бирга хаж ва жиход Киёмат кунигача давом этади. Уларни бирор-бир нарса тўхтата олмайди ва бузиб ҳам юбормайди.

Шарх: Бу матндаги коида Рофизалар эътикодини рад этади. Улар, то Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам оилаларидан Ризо чикиб, осмондан бир нидо килгувчи: Ризога эргашинглар!!! деб нидо килмагунча, Аллох йўлида жиход килиш йўк дир, деб даъво килишди. Бу даъво далил келтириб рад этишга хожати колмаган очик-ойдин ботил дир.

٨٦. ونؤمن بالكرام الكاتبين، فإن الله قد جعلهم علينا حافظين.

**86-матн: Бандалар амалларини ёзиб борувчи улуг фаришталарга Иймон келтирамиз. Хакикатда Аллох уларни бизларга сакловчилар килиб кўйди.**

Шарх: Аллох таоло айтади:

{وإن عليكم لحافظين، كراما كاتبين، يعلمون ما تفعلون} الانفطار: ۱۰-۱۲.

Маъноси: “Албатта сизларнинг устингизда, килган хар бир амалингизни ёд олиб, ёзиб тургувчи улуг фаришталар бордир. Улар сизлар килаётган ишларни билурлар”. Сахих хадисда пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам:

"يتعاقبون فيكم ملائكة بالليل و ملائكة بالنهار، و يجتمعون في صلاة الفجر و صلاة العصر، فيصعد إليه الذين كانوا فيكم، فيسألهم ، و الله أعلم بهم: كيف تركتم عبادي؟ فيقولون: أتيناهم و هم يصلون و فارقناهم و هم يصلون". (متفق عليه).

Маъноси: “Сизларнинг ораларингизда сизларни кузатиб тургувчи фаришталар бор. Уларнинг бир тоифаси тунда сизларни кузатиб турса, иккинчи тоифаси кунда кузатиб туради. Фаришталар аср намози билан бомдод намози вақтларида, алмашиш учун йигиладилар. Улардан сизлар орангизда бўлган тоифаси, навбатни иккинчи тоифага топшириб, осмонга, Роббилари хузурига кўтарилиб кетадилар. Шунда Роббилари Аллох таоло - бандаларининг ахволини билгувчирок бўлиб - уларнинг холати тўғрисида: Бандаларимни кай холда кўйиб келдингиз? деган савол беради. Фаришталар айтадиларки: Борганимизда ҳам улар намоз ўқиётган холда эдилар, кўйиб келганимизда ҳам улар намоз ўқиётган холда эдилар”.

Мазкур фаришталар хусусида тафсирларда бундай хабар келган: Уларнинг иккитаси инсоннинг ўнг ва чап томонларида бўлиб, унинг амалларини ёзиб борадилар. Ўнг томондагиси яхшиликларни ёзади. Чап томондагиси эса, гунохларни ёзади. Колган иккита фаришта, инсонни хифзу химоя килиб, кўриклашади. Биттаси орка томонида бўлса, иккинчиси олди томонида бўлади. Демак, инсон кундузи ҳам тўрт фаришта орасида, кечаси ҳам яна бошка алмашган тўрт фаришта орасида бўлади. Ибни Аббос, “Фаришталарлар Аллохнинг амри билан хар инсонни саклаб-мухофаза килиб турадилар” деган маънодаги Раъд сурасининг 11-ояти хакида бундай деганлар: “Фаришталар инсонни ҳам олдидан, ҳам оркасидан саклаб-мухофаза килиб турадилар. Аллохнинг тақдири келганида эса, уни ёлғиз колдиралар.

۸۷. ونؤمن بملك الموت، الموكل بقبض أرواح العالمين.

**87-матн: Оламлар (даги махлукотлар) рухларини сугуриб олиш вазифаси юкланган ўлим фариштасига Иймон келтирамиз.**

Шарх: Аллох таоло Сажда сурасининг 11-оятида айтади:

{قل يتوفاكم ملك الموت الذي وكل بكم، ثم إلى ربكم تُرجعون} السجدة: ۱۱.

Маъноси: “Эй Мухаммад, айтинг: “Сизларга вакил килинган ўлим фариштаси сизларни ўлдиради. Сўнгра Роббингиз хузурига кайтариласизлар”. Улим фариштасига ўлдириш нисбати берилди. У,

Аллохнинг изни-иродаси билангина рухларни сугуриб олур. Хакикатда эса, ўлдиргувчи зот Аллох таолодир.

Ахли суннат ва жамоат рухнинг махлук эканлигига иттифок килишган.

٨٨. وبغذاب القبر لمن كان له أهلاً، وسؤال منكر ونكير في قبره عن ربه ودينه ونبيه، على ما جاءت

به الأخبار عن رسول الله صلى الله عليه وسلم، وعن الصحابة رضوان الله عليهم . والقبر روضة من رياض الجنة، أو حفرة من حفر النيران.

**88-матн:** Азобга лойик бўлган кимсаларга кабр азобининг бўлишига Иймон келтирамиз. Хамда инсонни кабрда Мункар ва Накир исмли фаришталар, унинг Роббиси, дини ва пайгамбари хакида сўрок килишларига хам Иймон келтирамиз. Бу ҳақда Расулуллох *صلى الله عليه وسلم* ва сахобалардан - улардан Аллох рози бўлсин - келган хабарларга Иймон келтирамиз. Кабр жаннат боғларидан бир бог ёки дўзах чуқурларидан бир чуқурлик бўлади.

Шарх: Аллох таоло Гофир сурасининг 45-46-оятларида айтади:

{وَحَاقٍ بِأَلْفَرَعُونَ سَوَاءَ الْعَذَابِ. النَّارُ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ أَدْخِلُوا آلَ فِرْعَوْنَ أَشَدَّ الْعَذَابِ} الْغَافِر: ٤٥-٤٦.

(Оятнинг маъносини Табарий раҳимахуллох бундай тафсир киладилар: “Фиръавнга итоат қилгувчиларга Аллох азобининг ёмони билан азобланиш-жаханнам вожиб бўлди. Уларга, Киёмат кунигача, ҳар кун икки марта, эрта ва кечда олов кўндаланг кўйилади. Киёмат соати келганида, Аллох таоло айтади: “Фиръавнга эргашганларни энг ашаддий азобга киритингиз”. Куртубий раҳимахуллох, “Уларга, Киёмат кунигача, ҳар кун икки марта, эрта ва кечда олов кўндаланг кўйилади”, деган оятнинг қисми хакида айтадиларки: “Бу азоб, дунё билан охират орасидаги барзах-кабр азобидир”).

Ўз эгаларига кабрнинг азоби ёки роҳати хамда икки фариштанинг сўроққа тутишлари хусусидаги хабарлар Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дан мутавотир йўл билан келган. Бунга эътиқод қилиш хамда Иймон келтириш вожиб бўлади. Мазкур масаланинг қандайлиги борасида гап қилмаймиз. Зеро ақл унинг қандайлигини била олмас.

Билинг, кабр азоби – Барзах азобидир. Азобга лойик бўлган ҳар бир кимса, кабрга кўйилган бўлса ё кўйилмаган бўлса, йирткич хайвонлар еб кўйган бўлса ё ёниб, кул бўлиб, хавога сочилиб кетган бўлса, дорга осилган ё денгизга чўкиб кетган бўлса, кабрга кўйилган одамда бўлганидек, унинг хам руҳига, хам баданига, шубҳасиз, кабр азоби бўлади.

Масала хосили шуки, диёрлар учта бўлади. Бу Дунё диёри, Барзах диёри ва Охират диёри. Аллох таоло ҳар бир диёрга хос ҳукмлар тузиб кўйган. Ул зот инсонни бадан ва нафс-руҳдан яратди. Бу Дунё ҳукмларини баданларга юклади. Рухлар эса баданларга эргашувчидир. Барзах ҳукмларини рухларга жорий қилди. Баданлар эса у диёрда рухларга эргашувчидир. Жасадларнинг тирилиши ва одамларнинг кабрлардан туриш Қуни келганда, роҳат ва азоб ҳукми барига, хам рухларга хам жасадларга бўлади. Агар ушбу маъно хусусида чуқур ўйлаб кўрсангиз, кабрнинг жаннат боғларидан бир бог ёки дўзах чуқурларидан бир чуқурлик бўлиши ақлга мувофиқ, ҳақ ва унда ҳеч қандай шубҳанинг

йўклиги, сизга зохир бўлади. Мана шу масала билан, гайбга Иймон келтирувчилар, бошкалардан ажралиб турадилар.

(Ақлни нақлдан, яъни Куръон ва хадисдан мукаддам кўядиган мўтазилийлар ва улар каби залолатга кетиб колган Хизбут-тахрир тоифалари кабр азобига Иймон келтиришмади. Анъом сурасининг 93-ояти, Тавба сурасининг 101-ояти, юкоридаги оят, Иброхим сурасининг 27-ояти ва бундан бошка оятлар хамда бу ҳақдаги Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам нинг кўпдан-кўп сахих хадислари уларнинг эътикодларини ботилга чикаради).

٨٩. ونؤمن بالبعث وجزاء الأعمال يوم القيامة، والعرض والحساب، وقراءة الكتاب، والثواب والعقاب،

والصراط والميزان.

**89-матн:** Киёмат кунда кайта тирилишга, амаллар учун мукофот олиш ёки жазоланишга, Аллохнинг олдида кўндаланг кўйилишга, хисоб килинишга, китоб (яъни номаи аъмол)ларнинг ўкилишига, савоб олишга, азобланишга, сирот кўпригига ва тарозуга Иймон келтирамиз.

Шарҳ: Киёмат кунига Иймон келтиришга Куръон, суннат ва соғлом ақл далилдир. Аллох субхонаху ва таоло Ўзининг азиз китобида бу борада хабар берди ва Куръоннинг кўп сураларида уни инкор қилгувчиларни рад этди. Аллох таоло Тағобун сурасининг 7-оятида айтади:

{زعم الذين كفروا أن لن يبعثوا قل بل ي و ربي لتبعثن ثم لتنبؤن بما عملتم، و ذلك على الله يسير}

التغابن: ٧

(Маъноси: “Кофир кимсалар (ўлганларидан кейин) ҳеч қачон кайта тирилмасликларини гумон қилишди. Эй Мухаммад, уларга айтинг: “Йўк! Роббимга касамки албатта кайта тирилурсизлар, яъни кабрларингиздан тирик холларингизда чиқарилурсизлар. Сўнгра албатта сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур. Бу Аллохга осондир. Чунки кайта тирилтириш, биринчи бор яратишдан енгилроқдир. Куртубий раҳимахуллох тафсиридан)

**“Амаллар учун мукофот олиш ёки жазоланишига”** Иймон келтиришга келсак, Аллох таоло Фотиҳа сурасида айтади:

{مالك يوم الدين} الفاتحة: ٣

Маъноси: “Жазо кунининг эгасидир. Яъни, Аллох таоло, амалларнинг яхшисига мукофот, ёмонларига жазо бериладиган Куннинг эгасидир”.

**“Аллохнинг олдида кўндаланг кўйилишга, хисоб килинишга, китобларнинг ўкилишига, савоб олишга, азобланишга”** Иймон келтиришга келсак, Аллох таоло Киёмат кунда содир бўладиган ушбу ходисаларни Ал-хаакка сурасида бундай баён қилади:

{ فيومئذ وقعت الواقعة {١٥} وانشقت السماء فهي يومئذ واهية {١٦} والملك على أرجائها، ويحمل

عرش ربك فوقهم يومئذ ثمانية {١٧} يومئذ تعرضون لا تخفى منكم خافية {١٨}... {٣٧} الحاقة: ١٥-٣٧

(Маъноси: “Анна ўша Кунда воқеа воқеа бўлур-Киёмат куни коим бўлур! Осмон ёрилиб, парчаланиб кетур! Чунки у заъиф бўлиб колур! Фаришталар осмоннинг чор-атрофида Аллохнинг амрига интизор бўлурлар. Уларнинг устида Роббингизнинг Аршини у кунда саккиз фаришта кўтариб турур. Ўша Кунда сизлар хисоб-китоб учун Аллохга кўндаланг қилинурсизлар. Сизларнинг бирон сирингиз махфий колмас. Кимнинг китоби ўнг кўлидан берилган бўлса, у: “Хой одамлар, менинг китобимни ўқинлар. Дархақиқат мен хисоб-китобимга, охирадаги ажру

мукофотга рўбарў бўлишимни билган эдим”, дер. Сўнг у розилик хаётда, мевалари ахли жаннатга якин бўлган юксак жаннатда бўлур. Жаннат ахлига: “Ўтган кунларда килиб ўтган эзгу амалларингиз сабабли ушбу ноз-неъматларни комил суратда еб-ичаверинглар”, дейилур. Энди ўз китоби чап кўлидан берилган кимсага келсак, у дер: “Эх кани эди, менга китобим берилмаса эди! Мен хисоб-китобим, яъни оладиган жазойим нима эканлигини билмасам эди! Эх кани эди, ўша биринчи ўлим барча нарсани тугатувчи-узгучи бўлса ва Киёматдаги мана бу кайта тирилиш бўлмаса эди! Менга не машаккатлар билан топган мол-дунёйим аскотмади-я! Мулку салтанатим ҳам халок бўлиб кетди-я!” Ўшанда Аллох жаханнам кўрикчиларига дер: “Уни ушлаб кишанланглар! Сўнгра дўзахга ташланглар! Сўнгра узунлиги етмиш биллак бўлган занжирга солиб богланглар!” Чунки у хаёти дунёдалик пайтида улуг Аллохга Иймон келтирмас эди. Мискин-бечорага таом беришга ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам таргиб килмас эди. Бугун бу ерда унинг учун бирон дўст-мадаккор йўқдир! Бирон таом ҳам йўқдир! Факат йирингдан бўлган бир “таом” борки, уни факат тўгри йўлдан адашган хатокорларгина ерлар”Алоуддин Мансур таржимаси асосида).

(Барзах хаётидан кейин Аллох таоло одамларни бекаму кўст кайта тирилтиради. Умматлар йигиладиган жойга махшаргох деб аталади. Аллох таоло у ерга аввалдан охиргача ўтган одамларни йигади. Аллох таоло хар бир нарсага кодир. Кайта тирилишга Иймон келтириш, хадисда келганидек, Иймоннинг олти устунларидан бири хисобланади. Киёмат кунда одамлар яланг оёк, ялангоч ва хатна килинмаган холларида Аллох таолога кўндаланг тик кўйиладилар. Хисоб килиниш мўминларга тааллуқлидир. Зеро, кофирлар гунохлари ва куфрларига икром бўлишиб, дўзахга улоктириладилар. Сирот кўприги жаханнам устида тортилган бўлиб, киличдан ўткир, соч толасидан ингичка ва чўгдан иссиқроқ бўлади. Одамлар амалларига кадрига караб, унинг устидан ўтадилар. Баъзи кимсалар килган килмишлари сабабли унинг устидан жаханнамга кулаб тушадилар. Бу масалалар гайб бўлиб, инсон аклига солинмайди. Амаллар тарозуда тортилади. Яхшиликлари огир келган банда нажот топади. Ёмонликлари огир келса, зиён кўради.)

(Киёмат кунининг бошланишида Аллох субханаху ва таоло сурга икки марта нафха урилишига амр килади. Ўликларга хаёт кайтарилади. Бунга кайта тирилиш дейилади. Дунёдагидек, инсонга рух ҳам, жасад ҳам кайта берилади. Сўнгра Аллох таоло одамларни кабрларидан тирик холда чиқаради. Бундан кейин фаришталар одамларнинг барчасини Киёмат майдонига хайдаб олиб келадилар. Уларнинг холатлари худди биринчи марта дунёга келган холатларидек, оёк кийимларсиз яланг оёк, либосларсиз ялангоч ва хатна килинмаган холларида бўладилар. Киёмат майдонида халойик бошига огир мусибат тушади. Аллох таоло уларнинг тепаларига бир куёшни якин келтириб кўяди. Дунёдаги биз кўриб турган Куёш, Киёмат кунининг бошланишида нурсиз бўлиб кетади. Киёмат кундаги куёшнинг кандай эканлигини билмаймиз. Иймон келтириб, кандайлиги хусусида хаёл сурмаймиз. Одамлар амалларига караб терлари ичида, баъзиларникики тўпигигача, бошкаларникики тиззасигача, кимники белигача, кимларникидир озгигача бўлади. Мусибат шиддатлашиб кетгач, одамлар тезроқ хукм килинишлари учун шафоат излаб пайгамбарлар олдиларига, Одам алайхиссаломдан бошлаб

Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам гача келадилар. Бирор пайгамбар шафоат кила олмас, факат пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам гина Роббиларидан одамларнинг тезрок хукм килинишларини шафоат килиб сўрайдилар. Бу шафоат, пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам гагина берилган улуг шафоатдир. Шунда одамлар хукм килина бошланадилар. Кейин амалларга мукофот ё жазо белгиланади. Бу одилона махкамадан кейин одамлар Роббиларига кўндаланг кўйиладилар. Аллох таоло: “Ўша кунда (хисоб килиниш учун Аллохга) кўндаланг килинурсизлар - сизларнинг бирор сирингиз махфий колмас” деди. (Ал-хаакка-18). Бунда одамларнинг саҳифалари учиб келади. Бахтли кишиларнинг саҳифалари ўнг томонларидан берилади. Бадбахт кимсаларники эса, чап ё орка томонларидан берилади. Шунда одамлар ўзларининг дунёдаги амаллари ёзилган саҳифаларини ўқийдилар. Аллох таоло айтади: (Маъноси) “Инсонга дейилур: “Китобингни ўқи! Бугун ўз нафсинг ўзинга карши етарли хисобчидир”. (Исро-14). У кунда Аллох таоло хар бир одам билан бевосита, таржимонсиз гаплашади. Саҳифалар олингандан кейин, махшаргоҳдан кетишдан олдин Аллох таоло бандаларини тик килиб кўяди. Бунга хисоб килиниш дейилади. Хисоб килиниш охирига етгач, амаллар тарозуда тортилади. Бу тарозу - хакикий тарозу бўлиб, унинг икки палласи бўлади. Бир палласига яхшиликлар, иккинчи палласига эса ёмонликлар кўйилади. Тарозуда амаллар тортиб бўлингач, одамлар жаханнам устида тортилган сирот кўпригининг устидан ўтмоқ учун у томонга йўл оладилар. Хадисда келганидек, Киёмат майдонида мушриклару кофирлар кетиб, мўминлар ва уларнинг ораларида мунофиқлари қолади. Сирот кўпригидан ўтишда мунофиқлар жаханнамнинг энг тубига кулайдилар. Мўминлар эса Сиротдан ўтиб жаннатга кирадилар. Кимки, дунёда хакикий дин бўлган Аллохнинг сироти мустакимида юриб хаёт кечирган бўлса, охиратдаги сирот кўпригининг устидан яхши ўтиб кетади.)

۹۰ . الجنة و النار مخلوقتان، لا تفنيان أبدا و لا تبيدان، فإن الله تعالى خلق الجنة و النار قبل الخلق، و خلق لهما أهلا، فمن شاء منهم إلى الجنة فضلا منه، و من شاء منهم إلى النار عدلا منه، و كل يعمل لما قد فرغ له، و صائر إلى ما خلق له. والخير والشر مقدران على العباد.

**90-матн:** Жаннат билан дўзах яратилган. Улар ҳеч қачон йўқолиб йўқ бўлмайдилар. Зеро, Аллох таоло жаннат билан дўзахни махлуқотларини яратишидан аввал яратди ва уларга ахллар (яъни жаннатга кирадиган солихларни ва дўзахга кирадиган кофирлар ҳамда фосиқларни) яратди. Ул зот махлуқотларидан кимни жаннатга истаган бўлса, Ўзининг фазли (ва раҳмати) туфайлидир. Кимники, дўзахга тушишини хоҳлаган бўлса, адолати сабаблидир. Махлуқотларнинг хар бири (тақдирига) ёзиб кўйилган нарсаларни қилгувчи ва ўзи учун яратиб кўйилган жойга (ё жаннатга, ё дўзахга) боргувчидир. Яхшилик билан ёмонлик бандаларга тақдир килиниб ёзилган.

**Шарҳ:** Жаннат билан дўзахнинг яратиб кўйилгани ва ҳозирда мавжуд эканлигига Ахли суннат уламолари иттифок қилишган. Мўтазила ва Қадария фиркалари бу мусаффо эътиқодни инкор қилишди. Бу икки тоифа даъво қилишдики: “Киёмат кунидан олдин жаннатни яратиш

беҳуда бир ўйиндир. Шундай дейилмаса, жаннат узок вақт бўш туриб қолади”. Буларнинг тушунчаси тўғри эмас.

Аллох таолонинг жаннат билан дўзахни яратиш кўйганлигига Куръон далиллари куйидагича: Ул зот Оли Имрон сурасининг 133-оятда бундай дейди:

"أعدت للمتقين" (آل عمران: 133)

Маъноси: “Жаннат такводорлар учун тайёрлаб кўйилган”. Шу суранинг 131-оятда айтадики:

"أعدت للكافرين" (آل عمران: 131)

Маъноси: “Дўзах кофирлар учун тайёрлаб кўйилган”.

Бу борадаги Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам дан ривоят килинган хадислар:

Анас رضي الله عنه нинг Исро кассасидаги хадисларида Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам нинг: “Кейин жаннатга кирдим” деган сўзлари бор. (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Яна Анадан бўлган бир ривоятда Ул зот саллаллоху алайхи ва саллам айтадиларки:

"وايم الذي نفسي بيده، لو رأيتم ما رأيتم، لضحكتم قليلا و بكيتم كثيرا". قالوا: و ما رأيتم يا رسول الله؟ قال: "رأيت الجنة و النار". (أخرجه مسلم: 426، و النسائي: 83/3)

Маъноси: “Менинг жоним Унинг кўлида бўлган зот билан касам ичаманки, агар сизлар мен кўрган нарсаларни кўрганингизда эди, шубҳасиз кам кулиб кўп йиглаган бўлар эдингиз”. Нималарни кўрдингиз, ё Расулalloх? деб саҳобалар савол сўрашганда, “Жаннат билан дўзахни кўрдим” деб жавоб бердилар.

Абу Хурайра رضي الله عنه дан ривоят килинади, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам айтадиларки:

"لما خلق الله الجنة والنار أرسل جبريل إلى الجنة فقال: اذهب، فانظر إليها، و إلى ما أعددت لأهلها فيها، فذهب فنظر إليها و إلى ما أعد الله لأهلها فيها، فرجع، فقال: وعزتك لا يسمع بها أحد إلا دخلها، فأمر بالجنة، فحفت بالمكاره، فقال: ارجع فانظر إليها، و إلى ما أعددت لأهلها فيها، قال: فنظر إليها، ثم رجع، فقال: وعزتك لقد خشيت أن لا يدخلها أحد، قال: ثم أرسله إلى النار، قال، اذهب فانظر إليها، و إلى ما أعددت لأهلها فيها، قال: فنظر إليها، فإذا هي يركب بعضها بعضا، ثم رجع فقال: وعزتك، لا يدخلها أحد سمع بها، فأمر بها، فحفت بالشهوات، ثم قال: اذهب، فانظر إلى ما أعددت لأهلها فيها، فذهب فنظر إليها، فرجع، فقال: وعزتك، لقد خشيت أن لا ينجو منها أحد إلا دخلها". (قال الألباني: صحيح، صححه الترمذي و الحاكم و وافقه الذهبي)

Маъноси: “Аллох жаннат ва дўзахни яратиш бўлгач, Жибрийлни жаннатга юбориб, айтдики: Боринг, жаннатга ва унда жаннатийлар учун тайёрлаб кўйган неъматларимга бокинг. Шунда Жибрийл бориб жаннатга ва унинг ахли учун у ердаги Аллох тайёрлаб кўйган нарсаларни кўриб кайтдилар-да, кейин айтдилар: Эй Роббим, иззатинг ила касам ичаманки, жаннат тўғрисида ким эшитса, албатта нима килиб бўлса ҳам унга киради. Кейин Аллох таоло машаккатлар билан ўралгин, деб жаннатга амр килиб, Жибрийлга айтдики: Кайтиб боринг, жаннатга ва унинг ахли учун у ерда тайёрлаб кўйган неъматларимни кўринг. Шунда Жибрийл яна бориб кўриб, сўнг кайтганларида айтдиларки: Эй Роббим, иззатинг билан касам ичиб айтаман: жаннатга бирор кишини кира олмаслигидан чўчиб

колдим. Кейин Аллох Жибрийлни дўзахга юбориб айтдики: Боринг, дўзахга ва унинг ахли учун у ерда хозирлаб кўйган азобларимни кўринг. Жибрийл бориб дўзахга карасалар, бири бирига минган дахшатлар экан. Сўнг кайтиб айтдиларки: Эй Роббим, иззатинг ила касам ичиб айтаманки, дўзах тўгрисида эшитган киши борки, унга кирмайди. Кейин Аллох, шахватлар билан ўралгин деб, дўзахга амр килиб Жибрийлга айтди: Боринг, дўзах ахли учун у ерда хозирлаб кўйилган азобларимни кўринг. Жибрийл бориб кўрдилар-да, сўнг кайтиб келиб айтдиларки: Эй Роббим, иззатингга касамки, бирор киши дўзахдан нажот топа олмасдан унга тушиб колишидан чўчиб колдим

(Жибрийл عليه السلام жаннатга биринчи марта борганларида, эшитган киши унга киради деб келдилар. Ушанда жаннатга кириш шартларини Аллох таоло у кишига хали билдирмаган эди. Иккинчи марта бориб кўрганларида, Аллох таоло у кишига жаннатга етиш учун машаккатлар борлигини билдирди. Жаннат атрофи машаккатлар билан ўралган. Хадисдаги машаккат маъносини Ибни Хажар раҳимахуллох Фатхул-Борий китобларида куйидагича шархлайдилар: “Машаккат деганда балогат ёшига етган инсоннинг ўз нафси билан кураши ва килиши лозим бўлган ибодатларини хар доим килиши хамда тарк этилиши шарт бўлган кайтариклар, харом ва номаъкул килмишлар ва бузук сўзлардан тийилиши назарда тутилади. Бу нарсаларга амал килиш инсонга огир бўлгани учун, машаккат сўзи юритилди. Инсонга мусибат етганда сабр килиши ва Аллох ёзган тақдирнинг аччик томонига хам иймон келтириб таслим бўлиши хам, юкоридаги машаккат калимасининг маъносига дохил бўлади. Хадисдаги шахватлар деганда, шариат харом килган дунёдаги лаззат бахш этадиган килмишлар ёки шариат амр килган буйруқларни тарк этиш назарда тутилади. Шунда хадисдан тушуниладиган маъно шуки, инсон жаннатга етиб бориши учун албатта машаккатларни босиб ўтиши керак. Дўзахга эса, бу дунёда шахватларга кул бўлган кимсалар кулайди).

٩١. والاستطاعة التي يجب بها الفعل، من نحو التوفيق الذي [لا يجوز أن] يوصف المخلوق به – [تكون] مع الفعل، وأما الاستطاعة من جهة الصحة والوسع، والتمكن وسلامة الآلات – فهي قبل الفعل، وبها يتعلق الخطاب، وهو كما قال تعالى: { لا يكلف الله نفساً إلا وسعها } البقرة: ٢٨٦.

**91-матн:** Яралмиш сифатлана олиши мумкин бўлмаган тавфик-хидоят каби феълни вожиб киладиган куч шу феъл билан бирга бўлади. (Чунки, тавфик факат Аллох таоло томонидан бериладиган неъмат. Банда хидоят маъносида бўлган тавфикни касб килиш йўли билан хосил кила олмас). Аммо соглик, куч, имконият ва асбобу ускуналарнинг яркли бўлиши, феълдан аввал бўлади. Шариат хитоби мана шунга тааллуқлидир. Бу борада Аллох таоло айтади:

{ لا يكلف الله نفساً إلا وسعها } البقرة: ٢٨٦

**Маъноси:** “ Аллох бирор жонга кучи етмайдиган юкни юкламайди”.

**Шарх:** Таховий раҳимахуллох кўпчилик Ахли суннат ва жамоат сўзини келтирадилар. Яъни кудрат икки қисмга бўлинади. Биринчиси: Буйрук ва

кайтарикка тааллукли - бўлган кудрат. Бу кудрат гоҳо амал юклатишдан аввал бўлади. Амал юклатилган вақтдагина пайдо бўлиши шарт эмас. (Аммо Бу кудрат бўлмасдан аввал шариат юки юклатилмайди). Иккинчиси: Соғлик, куч, имконият ва асбобу ускуналарнинг яроқли бўлиши. Ушбу кудрат феълдан аввал бўлади. Мазкур кудрат тўғрисида Аллох таоло Оли Имрон сурасининг 97-оятда бундай дейди:

{وَلِلّٰهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ اِلَيْهِ سَبِيْلًا } آل عمران: 97.

Маъноси: “Йўлга кодир бўлган кишиларга Каъбанинг (ҳаж) зиёратига бориш фарздор”. Яна Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам касал бўлган Имрон бин Хусайнга айтдиларки:

"صل قانما فإن لم تستطع فقاعدا، فإن لم تستطع فعلى جنب" رواه البخاري و غيره.

Маъноси: “Тик туриб намоз ўқи. Агар кучинг етмаса, ўтириб ўқи. Агар ўтириб ўқишга ҳам кучинг етмаса, ётиб ўқи”.

92. وأفعال العباد [هي] خلق الله، وكسب من العباد.

## 92-матн: Бандаларнинг феъллари Аллохнинг яратганидир.

### Уларни касб қилиш эса бандалар томонидандир.

Шарҳ: Ҳақ аҳли айтади: Бандалар феълларининг яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам ёлғиз Аллох субхонаху ва таолонинг яратганидир. Жабарийлар тақдирни исбот қилишда беҳад чуқур кетишиб, банда томонидан содир бўладиган иш-ҳаракатни тағ-туғи билан инкор қилиб йўққа чиқаришди. Буларнинг қилмиши мушаббихаларнинг эътиқодига ўхшайди. Мушаббихалар Аллохнинг сифатларига Иймон келтиришда ҳаддан ошиб, уларни махлукотлар сифатларига ўхшатиб юборишди. Тақдирни йўққа чиқарувчи қадарийлар эса, бандаларни Аллох билан бирга яратувчилар қилиб қўйишди. Шунинг учун улар бу умматнинг оташпарастлари бўлишади.

(Аллох таоло айтади:

{وَاللّٰهُ خَلَقَكُمْ و ما تعملون} الصافات: 96.

Маъноси: “Сизларни ҳам, қилаётган амалларингизни ҳам Аллох яратган” деган (Соффот-96). Адашган жабарий тоифаси: бандада бирор-бир хоҳиш йўқ, деб даъво қилишди. Мўтазилалар эса, ёмонликларни Аллохнинг хоҳишисиз банданинг ўзи яратади, дейишди. Бу икки тоифанинг бири ҳаддан ошса, иккинчиси нуксонга қараб кетди. Хумаййис шарҳидан). Бу икки тоифанинг ўртасидаги сўз — Аҳли суннат вал-жамоатнинг сўзидир. Аҳли суннат айтадиларки: банданинг феъли ўзи томонидан содир бўлса-да, аслида уни Аллох яратиб қўйган. Ҳақиқат мана шу.

93. ولم يكلفهم الله تعالى إلا ما يطيقون، ولا يطيقون إلا ما كلفهم. وهو تفسير: " لا حول ولا قوة إلا

بالله" ، نقول: لا حيلة لأحد، [ و لا تحوّل لأحد ] و لا حركة لأحد عن معصية الله إلا بمعونة الله، و لا قوة لأحد على إقامة طاعة الله والثبات عليها إلا بتوفيق الله. وكل شيء يجري بمشيئة الله تعالى وعلمه وقضائه وقدره . غلبت مشيئته المشيئات كلها. [ و عكست إرادته الإرادات كلها]، و غلب قضاؤه الحيل كلها . يفعل ما يشاء

وهو غير ظالم أبداً. (لا يسأل عما يفعل وهم يسألون) الأنبياء: 23.

**93-матн:** Аллох таоло бандаларга факат токатлари етадиган нарсаларнигина юклайди. Уларнинг токатлари факат Ул зот юклаган нарсаларгагина етади. Бу, “Ла хавла ва ла куввата илла биллах” калимасининг тафсиридир. Айтамызки: Бирор кишида, Аллохга осий бўлишдан, яъни гуноҳ килишдан саклаб қоладиган бир хийла, четлаб ўтиш ва бирор бир ҳаракат йўқ. Банда гуноҳдан факат Аллохнинг ёрдами билангина саклана олади. Ҳамда Аллохга тоат-ибодатни адо этишда ва кулчилик килишда саботли бўлиш учун бирор-бир инсоннинг куввати йўқ. Факат Аллох таоло тавфик берсагина бўлади. Хар бир нарса Аллох таолонинг хоҳиши, илми ва тақдири билан амалга ошади. Унинг хоҳиши барча хоҳишлардан устундир. [Ул зотнинг хоҳиши барча хоҳишларни ортига қайтариб юборади]. Ҳамда Унинг ҳукми барча хийлаларга голиб келади. Ул зот ҳеч қачон золим бўлмаган ҳолда хоҳлаган ишини қилади. “Аллох таоло қиладиган бирор-бир феъли-иши ҳақида сўралмайди. Халқлар эса, қилган хар ишлари хусусида сўроққа тутиладилар” (Анбиё-23).

Шарҳ: Аллох таоло айтади:

{ لا يكلف الله نفسا إلا وسعها } البقرة: ۲۸۶.

Маъноси: “Аллох бирор бир жонга кучи етмайдиган нарсани ҳеч юклагас”. Аллох таолонинг хикматидан бўлмайди, бир одамга тоғни юклатиб қўйиши. Шундай юклатишқи, уни қўтаса савоб олади, қўтармаса азобланади.

“Халқларнинг токатлари факат Ул зот юклаган нарсаларгагина етади”. Яъни, одамлар факат Аллохнинг тақдир қилган нарсаларинигина қўтара олурлар.

Зайд бин Собит разияллоху анху ривоят қиладилар, пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам: “Шубҳасиз Аллох, агар осмонлари ва ерининг ахлини азобласа, уларга золим бўлмаган ҳолда азоблайди. Агар уларни Ўз раҳматига олса, Унинг раҳмати улар учун қилган амалларидан яхшироқ бўлган бўлади” дедилар (Абу Довуд, Ҳоким ва бошқалар ривояти).

۹۴. وفي دعاء الأحياء وصدقاتهم منفعة للموات.

**94-матн:** Тирикларнинг дуо ва садакаларида вафот этганларга манфаат бор.

Шарҳ: Ахли суннат ва жамоат шунга иттифок қиладиларки, вафот этган инсонлар тирик инсонларнинг саъю ҳаракатларидан фойдалана оладилар. Бу фойдаланиш икки иш туфайли бўлади. Биринчиси: Инсон ҳаётлик чоғида, вафот этганидан кейин ҳам савоб олиб туришига сабаб бўладиган амаллар қилган. Иккинчиси: Муслмонларнинг вафот этган кишига қилган дуолари, мағфират сўрашлари, садака беришлари ва ҳаж қилишлари. Тирик одамларнинг бадан билан қиладиган ибодатларининг савоби вафот этган кишига етиб бориши тўғрисидаги уламоларнинг фикрлари турлича бўлган. Намоз ўқиш, рўза тутиш, Куръон тиловати ва Аллохни зикр қилиш каби ибодатларга баданий ибодатлар дейилади. Абу Ханифа, Ахмад ва салафлардан бўлган жумхур уламолари, тирикларнинг баданий ибодатларидан ҳосил бўлган савоб вафот этганларга етиб боради, деб қарор қилишди. Шофийий мазҳаблари ва Молик етиб бормади дейишди. Файласуфлардан бўлган баъзи бидъат

ахли эса даъво килишдики, маййитга хеч нарса, на дуо ва ундан бошкаси бўлсин, етиб бормайди. Бундай кимсаларнинг сўзлари Куръон ва суннат далиллари асосида рад этилган.

Вафот этган инсон, гарчи ўзи сабабчи бўлмасада, тирикларнинг амалларидан фойда олади. Китоб, суннат, ижмоъ-иттифок ва тўғри киёс бунга асосдир. Куръондан далиллар: Аллох таоло Хашр сурасида Мухожир ва Ансорларни мактаб бўлгач, улардан кейин келувчи мўминлар зикрига ўтиб, бундай мархамат килади:

"والذين جاءوا من بعدهم يقولون ربنا اغفر لنا ولإخواننا الذين سبقونا بالإيمان ولا تجعل في قلوبنا غلا للذين آمنوا ربنا إنك رؤوف رحيم" (الحشر: ١٠)

Мазкур оятлар маъносини Саъдий раҳимахуллох бундай шархлайдилар: ("Мухожир ва Ансорлардан кейин келган кишилар, ўзларига ҳам ва бошка мўминларга ҳам, насихат килиб айтишади: "Эй Роббимиз, биз ва биздан олдин Иймон билан ўтган биродарларимизни магфират кил ва бизнинг калбларимизда, Иймон келтирган кишиларга нисбатан гиллу гаш, гинаю адоват ва хикду хасад бўлишига йўл кўйма! Эй Роббимиз, Сен меҳрибон, раҳмли зотсан!" Бу дуо барча мўминларни, саҳобалардан аввалгию кейинги иймонлиларни ўз ичига олади. Ха, бу гамхўрлик Иймон фазилатлариданки, мўминлар бир бирларидан фойда олишади. Иймон билан жаннат сари хамсафар бўлганлар бир бирларига дуолар килишади. Иймон Аллохнинг шунака улкан неъматиники, унинг такозосига кўра мўминлар бир бирлари билан ака-укадирлар. Бу биродарликнинг бир шохи уларнинг бир бирларига дуо килиш ва бир бирларини яхши кўришдир. (Шийъалар каби эмаски, энг улуг зотлар бўлган пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам саҳобаларини ҳақорат килишди ва лаънатлашди. Эй Аллох, улуг салафларимиз бўлган саҳобаларга нисбатан бизга мухаббат ато кил!). Шунинг учун Аллох таоло бу дуода калбдаги гиллу гаш каби касалликларни чиқариб ташланишини зикр килди. Бу касалликдан калб бўшагач, албатта унинг ўрнига мўминларга нисбатан мухаббат ва биродарлик ўрнашади. Бу эса, мўминларнинг бир бирларини устидаги ҳақ-ҳуқуқларидан. Бу - Ахли суннат ва жамоатнинг йўналиши).

Аллох таоло мўминларни бир бирларига истигфор айтишлари сабабли мактади. Демак вафот этган мўминлар тирикларнинг дуоларидан фойдаланадилар. Маййитнинг жаноза намозидаги килинаётган дуолардан фойдаланишига бутун уммат ижмоъ килган. Жанозада килинадиган дуолар маъноси кенг қарамлидир. (Келинг шу ўринда жаноза намозида килинадиган дуолардан бири билан танишсак. Авф бин Молик разияллоху анху ривоят қиладилар: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бир жаноза намозини ўқиганларида, маййитнинг ҳақига килган дуоларини ёдлаб қолдим. Ул киши куйидаги дуони килдилар:

"اللهم اغفر له وارحمه وعافه واعف عنه وأكرم نزله ووسع مدخله واغسله بالماء والثلج والبرد ونقه من الخطايا كما نقيت الثوب الأبيض من الدنس وأبدله دارا خيرا من داره وأهلا خيرا من أهله وأدخله الجنة وقه فتنة القبر وعذاب النار" (رواه مسلم: ٩٦٣ و غيره).

Маъноси: Эй Аллох, бу маййитни кечир, уни раҳматинга ол, ёмонликлардан уни халос эт, уни авф қил, жаннатдан бўлган насибасини чиройли қил, қабрини кенг қил, унинг хатоликларини сув, қор ҳамда муз билан юв, оқ қийим қирликлардан тозаланганидек, хатоликларидан уни покла. Унга дунёдаги уйдан яхшироқ уй

алмаштириб бер, дунёда колдирган ахлидан яхшироқ ахл-оила бер, уни жаннатга кирит ва қабр фитнаси ҳамда дўзахдан сақла!)

Ушбу дуо майитга холис қилинганда, албатта у тирикларнинг амали ҳисобланган бу баданий ибодатдан фойдаланади. Шунингдек, дафн қилингандан кейин ҳам, вафот этган киши тирикларнинг дуосидан нафъ олади. Бу борада Усмон бин Аффон разияллоху анху бундай ривоят қиладилар: Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам майитнинг дафнидан бўшаганларида, унинг қабри тепасида туриб айтар эдилар: “Биродарингизга истиғфор айтинглар! Унга собитликни сўранглар! Чунки у ҳозир сўроққа тутилади”. (Абу Довуд, Ал-Байхакий, Ал-Ҳоким ва бошқалар ривояти. Ҳоким бу ҳадисни саҳих дедилар).

Шунга ўхшаш, вафот этганларнинг қабрларини зиёрат қилишга борилганда ҳам уларнинг ҳақларига дуолар қилиш ҳадисларда келган. Бурайда бин Ал-Ҳасийб айтадилар: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам қабристонда қуйидаги дуони уқишни саҳобаларга таълим берар эдилар:

"السلام عليكم أهل الديار من المؤمنين والمسلمين و إنا إن شاء الله بكم لاحقون نسأل الله لنا ولكم العافية" (أخرجه مسلم: ٢٤٩ و غيره)

Маъноси: “Эй мўмин ва мусулмонлардан бўлган диёримиз ахли, сизларга Аллоҳнинг саломи бўлсин! Биз ҳам иншааллох сизларнинг кетингиздан бу ерга келгувчиларимиз. Аллоҳдан ўзимизга ҳам, сизларга ҳам офият сўраймиз!”

Эслаб ўтилган оят ва ҳадислар шунга асос бўладиги, вафот этган мусулмонлар тирикларнинг баданий ибодатларидан фойда оладилар. Баданий ибодатлар савоби уларга етиб боради.

Энди молиявий ибодатларнинг майитга етиб бориши тўғрисида. Маблаг билан адо этиладиган ибодатлар молиявий ибодатлардир. Оиша разияллоху анходан ривоят қилинади, айтадилар: Бир киши пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам олдиларига келиб айтди: Ё Расулalloх, менинг онам тўсатдан вафот этди. Васият қилмади. Мен ўйлайманки, агар гапирганларида, садака берган (садака беришга амр қилган) бўларди. Онам номидан мен садака берсам, савоби у кишига етиб борадими? Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам : “Ҳа”, деб жавоб бердилар. Тирик киши садака бериб, унинг савобини майитга ҳадя қилса, майит ундан фойдаланишига мазкур ҳадис далилдир.

Рўза савобининг майитга етиб бориши тўғрисида. Оиша разияллоху анхо ривоят қиладилар, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бундай дедилар:

"من مات و عليه صيام صام عنه وليه" (رواه البخاري: ١٩٥٢ و مسلم: ١١٤٧ و غيرهما).

Маъноси: Кимки вафот этганда унинг зиммасида тутилмаган рўза кунлари қолиб кетган бўлса, унинг валийси-яқини ўша кунлар рўзасини тутиб бериши лозим.

Бундан маълум бўладиги, тирик одам тутган рўзанинг савоби майитга етиб боради.

Ҳаж савобининг етиб бориши тўғрисида. Ибни Аббос разияллоху анхумодан ривоят қилинади, айтадилар: Жухайна қабиласидан бир аёл пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам олдиларига келиб бундай деди: Менинг онам ҳаж қилишга назр қилган эди. Ҳаж қилишидан аввал вафот қилди. Мен онам номидан ҳаж қилишим керакми? Расулulloх صلى الله عليه وسلم: “Ҳа, унинг номидан ҳаж қил. Айтгинчи, агар онанг зиммасида

карз колиб кетганида, уни ўтаган бўлармидинг? Аллохнинг карзини ўтанглар! Вафо килинишга Аллох ҳақлирок.

Бу каби далиллар кўп.

Амалнинг савоби шу амални қилган инсоннинг ҳаққидир. Агар шу ҳаққини муслмон биродарига ҳадя қилса, бунга монеълик йўқ. Бу иш, ҳудди тирик инсон ўз молидан тирик биродарига ҳадя бериши каби.

Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам рўзанинг савоби маййитга етиб боради, деган гаплари билан, Куръон ўқишнинг ҳам савоби етиб боришига ишора қилдилар. Куръон ўқиш ҳам баданий ибодат каби. Рўзада ният ва амал бўлганидек, Куръон ўқишда ҳам ният ва амал бор. Демак, тирик инсон Куръон ўқиб, унинг савобини яқини ва дўстларига ҳадя қилса, етиб боради деймиз. Аммо қориларни ижарага сотиб олиб, Куръон ўқитиб, савобини маййитга ҳадя қилишни салаф уламоларимиздан бирортаси қилмаган. Дин имомларидан бирортасида бундай йўқ. Маййитга етиб борадиган савоб ҳолис амалдангина бўлиши лозим. Пул аралашганда ибодат ҳолис бўлмайди.

Агар айтилсаки: Куръон ўқиб унинг савобини маййитга ҳадя қилиш салафларимизда бўлмаган ва Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам ҳам саҳобаларни бу ишга амр қилмаган. Жавоб шунака бўладики: Бу савоб берувчи киши ҳаж, рўза ва дуоларнинг савобини етиб боришини эътироф этадиган киши бўлса, унга айтилади: У ибодатлар билан Куръон тиловатини нима фарқи бор? Ундан кейин, салафлар бу ишни қилмаган деб, так-туғи билан қилиб қесиб қўйишни қаердан олдиқ?!

Агар: Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам рўза, ҳаж ва садақага иршод қилдилар, Куръон ўқиб савобини ҳадя қилишга эмас, дейилса. Жавоб берилдики: Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам бу ҳақда ўзлари гап бошламадилар. Балки Ул зотнинг гаплари саҳобалар саволларига жавоб эди. Униси маййит номидан ҳаж қилишни сўраган эди, руҳсат бердилар. Буниси маййит номидан рўза тутиш ҳақида сўраган эди, руҳсат бердилар. Ман шулардан бошқасининг савобини етиб боришида монеълик йўқ.

Куръон ўқиб унинг савобини Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам га ҳадя қилишни баъзи мутаахир-кейинги уламолар мустаҳаб деган бўлишса, улардан бошқалари бидъат деб билишган. Чунки, саҳобалар бу ишни қилишмас эди. Аслида Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам нинг ҳар бир уммати қилган яхшилик савобини Ул киши ҳам бекамукўст олаверадилар. Чунки умматларини яхшиликка бошлаган киши У кишининг ўзларидир.

Агар қимқи: Маййит, қабри устида ўқилган Куръонни эшитиб фойдаланади деса, унинг гапи тўғри эмас. Машҳур имомлардан бирортаси бу гапни айтмаган. Маййит Куръонни эшитишида шубҳа йўқ. Лекин эшитиб фойда олмайди. Куръонни эшитганда, унинг савобини олиш тирикларга хос. Чунки бу ихтиёрий амал. Яъни тирик инсон ўз ихтиёри билан Куръонни эшитиб, ибодат қилган бўлади. Вафот этган кишида бунақа ихтиёр йўқ. Баъзан вафот этган киши тепасида Куръон ўқилганда зарар қўриши ва озорланиши мумкин. Сабаби Аллох таолонинг буйруқларига итоат қилмагани ва қайтаригларидан қайтмагани ёки кўпроқ яхшилик қилиб ўтмагани учун.

Уламолар, қабрлар олдида Куръон ўқиш тўғрисида уч хил фикр билдиришди. Абу Ханифа, Молик ва бир ривоятда Аҳмад (барчаларини Аллох таоло ўз раҳматига олсин): “Макруҳ бўлади. Чунки бу пайдо қилинган янгилик. Буни қилишга суннат қилмаган. Куръон ўқиш намозга

ўхшайди. Кабрлар олдида намоз ўқиш эса таъкикланган”, дейишди. Мухаммад бин Ал-Хасан ва бир ривоятда Ахмад раҳимахумуллохлар: Кабрлар олдида Куръон ўқишнинг зарари йўқ, деб, ўз фикрларига Ибни Умар разияллоху анхумодан накл килинган ривоятни далил қилишди. Бу ривоятда Ибни Умар кабри тепасида Бакара сурасининг аввалги ва охириги оятларини ўқилишини васият қилган эканлар. Бундан ташқари баъзи Мухожирлар ҳам (кабрлари тепасида) Бакара сурасининг ўқилишини васият қилишган экан. Аллох таоло билгувчирок!

۹۵. **والله تعالى يستجيب الدعوات، ويقضي الحاجات.**

**95-матн: Аллох таоло дуоларни ижобат қилади ва хожатларни ўтайди.**

Шарх: Аллох таоло айтади:

{**وقال ربكم ادعوني أستجب لكم**} غافر: ۶۰.

Маъноси: “Роббингиз: “Менга дуо қилинган, Мен сизларнинг қилган дуоларингизни қабул қиламан”. Бакара сурасининг 186-оятда эса бундай дейди:

{**وإذا سألك عبادي عني فإني قريب، أجيب دعوة الداع إذا دعاني**} البقرة: ۱۸۷

Маъноси: “Эй Мухаммад, бандаларим сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуо қилувчиларнинг дуосини ижобат қиламан”.

Дуо — манфаатларни жалб қилиш ва зарарларни дафъ қилишдаги энг қувватли сабаблардан ҳисобланади. Ибни Можа Абу Хурайра разияллоху анхумодан ривоят қиладилар, Расулulloх саллалллоху алайҳи ва саллам айтадилар:

"**من لم يسأل الله [ يغضب عليه ] (قال الألباني رحمه الله: صحيح).**

Маъноси: “Ким Аллохдан хожатларини сўраб турмаса Аллох унга газаб қилади”.

Файласуфлардан бир тоифа ва уларга ҳамфикр бўлганлар: дуода фойда йўқ, деб даъво қилишди. Бу даъво ботил.

۹۶. **ويملك كل شيء، ولا يملكه شيء. ولا غنى عن الله تعالى طرفة عين. ومن استغنى عن الله طرفة**

**عين، فقد كفر وصار من أهل الحين.**

**96-матн: Аллох таоло барча нарсага эгаллик қилур. Бирор-бир нарса Унга эгаллик қила олмас. Бир кўз очиб юмиш лахзасида ҳам Аллох таолодан беҳожатлик йўқ. Кимда-ким, бир кўз очиб юмиш лахзасида ўзини Аллохдан беҳожат деб билса, шак-шубҳасиз кофир бўлиб, халок бўлувчиларга айланур.**

Шарх: Ушбу сўзлар ҳақдир. Шарҳга мухтож эмас.

۹۷. **والله يغضب ويرضى، لا كأحد من الورى.**

**97-матн: Аллох газаб қилади, рози бўлади, лекин халқларидан бирор-бири қаби эмас.**

Шарх: Аллох таоло айтади:

{**لقد رضي الله عن المؤمنين إذ يبايعونك تحت الشجرة**} الفتح: ۱۸.

Ушбу оят маъносини Табарий раҳимахуллох бундай баён қиладилар: “Эй Мухаммад, - صلى الله عليه وسلم - Худайбияда Сизга байъат берган мўминлар-сахобалардан Аллох рози бўлди”. Яна Аллох таоло айтади:

{ من لعنه الله و غضب عليه... النساء: ٩٣ . }

Маъноси: “Кимни Аллох лаънатласа-рахматидан узоқлаштира ва унга газаб қилса...”

عن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: "إن الله تعالى يقول لأهل الجنة: يا أهل الجنة، فيقولون: لبيك ربنا وسعديك والخير في يديك، فيقول: هل رضيتم؟ فيقولون: وما لنا لا نرضى يا رب؟ وقد أعطيتنا ما لم تعط أحدا من خلقك، فيقول: ألا أعطيكم أفضل من ذلك؟ فيقولون: يا رب، وأي شيء أفضل من ذلك؟ فيقول: أحل عليكم رضواني فلا أسخط عليكم بعده أبدا". رواه البخاري و مسلم.

(Бухорий ва Муслим ўзларининг саҳих китобларида Абу Саъийд Ал-Худрий разияллоху анхудан ривоят қилишади, пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам бундай дедилар: “Албатта, Аллох таоло жаннат аҳлига: “Эй Жаннат аҳли, дейди. Улар: Лаббай Роббимиз, тайёрмиз! Яхшилик Сенинг икки кўлингда, дейишади. У зот: “Рози бўлдингизларми?” дейди. Улар: Эй Робб, бизга нима бўлдики, рози бўлмасак? Хақиқатда Сен халқингдан бирор кишига бермаган нарсаларингни бизга берган бўлсанг, дейишади. У зот: “Булардан афзалрогини сизларга бермайинми?” дейди. Улар: “Эй Робб, қайси нарса булардан афзалроқ? дейишади. У зот: “Розилигимни сизларга ҳалол қилдим. Бундан кейин ҳеч қачон сизларга қаҳру газаб қилмайман, дейди”.

Мазкур далиллар қабилар жуда кўп. Салаф уламоларимиз Китоб ва суннатда келган Аллохнинг газаб қилиш, рози бўлиш, душманлик қилиш, дўст тутиш, яхши кўриш ва ёмон кўриш қаби сифатларини исбот қилишади. Уларнинг ҳақиқий маъносини Аллохга нолойик бўлган маъноларга ўзгартириб юборишни ман қиладилар. Аллохнинг рози бўлмок сифатини – яхшиликни иташ, газаб қилмокни – ўч олишни хошлаш, деб эътиқод қилиш мумкин эмас. Чунки бундай тушунча билан Аллохнинг сифати йўққа чиқарилган бўлади.

٩٨ . ونحب أصحاب رسول الله صلى الله عليه وسلم. ولا نفرط في حب أحد منهم. ولا نتبرأ من أحد

منهم. ونبغض من يبغضهم. وبغير الخير يذكرهم، ولا نذكرهم إلا بخير. وحبهم دين وإيمان وإحسان،

وبغضهم كفر ونفاق وطفغان.

**98-матн:** Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам сахобаларини яхши кўраимиз. Улардан бирларини яхши кўришда хаддан ошиб кетмаймиз ҳамда бирорталарини четга суриб, ундан воз кечмаймиз. Уларни ёмон кўрган ва яхшилик билан тилга олмаган кимсаларни ёмон кўраимиз. Биз уларни факат яхшилик билан тилга оламиз. Уларни яхши кўриш диндир, Иймону эхсондир. Уларни ёмон кўриш куфрдир, нифоку тугендир.

Шарх: Аллох таоло Тавба сурасининг 100-оятида айтади:

{ والسابقون الأولون من المهاجرين والأنصار و الذين اتبعوهم بإحسان رضي الله عنهم و رضوا عنه و أعد لهم جنات تجري تحتها الأنهار خالدون فيها أبداً، ذلك الفوز العظيم } (التوبة: ١٠٠)

Маъноси: “Исломнинг бошида Иймон келтирган собик мухожирлар ва ансорлар ҳамда уларга яхшилик билан эргашган кишилардан Аллох рози булди ва улар ҳам Аллохдан рози бўлишди. Аллох уларга остидан анхорлар окиб турадиган жаннатларни хозир килиб кўйди. Улар у жаннатларда абадий қоладилар. Бу энг улкан мукофотдир”.

Таховий раҳимахуллох ушбу матн билан Рофизалар ва Носибалар эътиқодларини рад этадилар. (Улар Али разияллоху анхуни яхши кўришда хаддан ошиб кетишди. Бориб-бориб у кишини илох даражасига кўтаришди). Абу Бакр ва Умар каби бошка улуг саҳобаларни эса ёмон кўришиб, ҳақоратлар килишди. Бухорий ривоятларида пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтган эдиларки:

"لا تسبوا أحدا من أصحابي، فإن أحدكم لو أنفق مثل أحد ذهباً، ما أدرك مد أحدهم ولا نصيفه" رواه البخاري و مسلم.

“Менинг саҳобаларимдан бирортасини сўкманглар! Агар сизлардан бирларингиз Ухуд тогича тилла инфок қилганда ҳам, улардан бирининг бир ховуч (садака)ларига, унинг ярмига ҳам еткиза олмайди”. Аҳли суннат, саҳобаларнинг барчасини дўст тутадилар, уларнинг ҳурматларини адолату инсоф билан ўз ўрнига қўядилар.

٩٩. وثبت الخلافة بعد رسول الله صلى الله عليه وسلم: أولاً لأبي بكر الصديق رضي

الله عنه، تفضيلاً له وتقديماً على جميع الأمة.

**99-матн:** Расулulloх **صلى الله عليه وسلم** дан кейин хилофат (халифалик)ни аввало Абу Бакр Сиддик разияллоху анхуга исбот қиламиз. У кишининг фазилатларини устун қўйиб ва у кишини умматнинг барчасидан олдинга сураамиз.

**Шарх:** Абу Бакр разияллоху анхуни Расулulloх **صلى الله عليه وسلم** кўп ҳурмат қилар эдилар. Бир қанча хадисларида у кишининг халифа бўлишларига ишора қилганлар. Шулардан бирини Бухорий Жубайр бин Мутъимдан ривоят қиладилар. У киши айтадиларки: Бир аёл пайгамбаримиз **صلى الله عليه وسلم** олдиларига келганди. Шунда пайгамбаримиз у аёлнинг яна қайта келишини амр қилдилар. У аёл: Бордию кейинги келганимда Сизни топа олмасамчи? деганида, гўё ўлимни назарда тутаетган эди, шунда Ул киши айтдиларки: “Агар келганимда мени топа олмасанг, Абу Бакр олдига келгин”.

١٠٠. ثم لعمر بن الخطاب رضي الله عنه.

**100-матн:** Кейин Умар бин Хаттоб разияллоху анхуга исбот қиламиз.

**Шарх:** Абу Бакр ўзларидан кейин Умар бин Хаттобни одамларга халифа қилиб кетдилар. Уммат ҳам бунга иттифок қилган эди. Бул кишининг фазилатлари инкор қилина олмайдиган даражада машхур ва эслаганда, охирига ета олинмайдиган миқдорда кўпдир.

١٠١. ثم لعثمان رضي الله عنه.

**101-матн: Кейин Усмон бин Аффон разияллоху анхуга исбот киламиз.**

Шарх: Кейин халифаликни Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам нинг икки кизларини (бирлари вафот этганда, иккинчисини) турмушларига олган икки нур сохиби - Усмон бин Аффонга исбот киламиз. Бу киши хусусларида пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам бундай деганлар: “Фаришталар хаё килган кишидан мен хаё килмайинми?” (Сахих).

١٠٢. ثم لعلي بن أبي طالب رضي الله عنه.

**102-матн: Кейин Али бин абу Толиб разияллоху анхуга исбот киламиз.**

Шарх: Кейин Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам нинг кизлари бўлмиш Фотима разияллоху анхонинг эрлари Али бин Абу Толиб халифа бўлдилар. Бул кишининг фазилатларига келсак, улардан бирини Бухорий ва Муслим Саъд бин Аби Ваккос разияллоху анхудан ривоят қилишади, бул киши айтадиларки: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам Алига бундай дедилар: (маъноси) “Сен билан мен орамиздаги алока мартабаси, Мусо билан Хорун орасидаги алока даражасидадир. Факат мендан кейин бошка пайгамбар бўлмас. (Хорун алайхиссалом пайгамбар бўлганлар)”.

١٠٣. وهم الخلفاء الراشدون والأئمة المهتدون.

**103-матн: Улар рошид-тўғри йўл кўрсатувчи халифалар ва хидоятда бўлган имомлардир.**

Шарх:

عن العرياض بن سارية قال وعظنا رسول الله صلى الله عليه وسلم موعظة بليغة، وذرفت منها العيون، وجلت منها القلوب، فقال قائل: يا رسول الله، كأنها هذه موعظة مودع، فما ذا تعهد إلينا؟ فقال: "أوصيكم بالسمع والطاعة، فإنه من يعيش منكم بعدي فسيرى اختلافا كثيرا، فعليكم بسنتي وسنة الخلفاء الراشدين المهديين من بعدي، تمسكوا بها، وعضوا عليها بالنواجذ، وإياكم ومحدثات الأمور، فإن كل بدعة ضلالة، رواه أصحاب السنن و صححه الترمذي.

Ирбоз бин Сория (разияллоху анху)дан ривоят қилинади, айтадиларки: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам калбларга етиб борадиган бизга шундай мавъиза килдиларки, ундан кўзлар ёшланди ва калблар титради. Шунда бир киши айтди: Ё Расулulloх, Бу мавъиза видолашувчи кишининг мавъизасига ўхшайди. Бизларга нима насихатлар киласиз? Шунда ул киши айтдилар: (маъноси) “Амирларингиз томонидан эшитган сўзларингизга итоат қилишингизни васият қиламан. Зеро, сизлардан кимда ким мендан кейин умр сурса, яқинда кўп ихтилофлар-келишмовчиликларни кўради. Сизларга менинг суннатим ва мендан кейинги хидоятда бўлган рошид халифалар суннاتини лозим тутиш шартдир. Уни мустахамк ушлангиз. Озик тишлар билан уни каттик тишлангиз. Динда пайдо қилинган янги ишлардан саклангиз. Чунки хар бир бидъат залолатдир”. Асхоби сунанлар ривоят қилишган. Тирмизий: сахих, деганлар.

١٠٤. وأن العشرة الذين سماهم رسول الله صلى الله عليه وسلم ويشرهم بالجنة، على ما شهد لهم رسول الله صلى الله عليه وسلم، وقوله الحق، وهم: أبو بكر، وعمر، وعثمان، وعلي، وطلحة، والزبير، وسعد، وسعيد، و عبد الرحمن بن عوف، و أبو عبيدة بن الجراح و هو أمين هذه الأمة. رضي الله عنهم أجمعين.

**104-матн:** Расулulloх صلى الله عليه وسلم ўнта сахобаларининг номларини тилга олиб, жаннатни башорат берганлар. Расулulloх нинг уларга берган гувоҳликларига караб, биз ҳам уларни жаннатий деймиз. Ул зотнинг сўзлари ҳақдир. Улар: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Талха, Зубайр, Саъд, Саъийд, Абдуррахмон бин Авф ва бу умматнинг омонатдори бўлган Абу Убайда бин Жаррохлардир. Аллох барчаларидан рози бўлсин.

**Шарх:** Абдурроҳман бин Авф разияллоху анхудан ривоят қилинади, пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам бундай деганлар:

"أبو بكر في الجنة، و عمر في الجنة، و علي في الجنة، و عثمان في الجنة، و طلحة في الجنة، و الزبير بن العوام في الجنة، و عبد الرحمن بن عوف في الجنة، و سعيد بن زيد بن عمرو ابن نفيل في الجنة، و أبو عبيدة بن الجراح في الجنة". رواه الترمذي، صحيح.

"Абу Бакр жаннатда, Умар жаннатда, Али жаннатда, Усмон жаннатда, Талха жаннатда, Зубайр бин Авфом жаннатда, Абдурроҳман бин Авф жаннатда, Саъийд бин Зайд бин Амр бин Нуфайл жаннатда ва Абу Убайда бин Жаррох жаннатда". Ахмаднинг ривоятида биринчи Усмон кейин Али зикр қилинган. (Аллох барчаларидан рози бўлсин). Абу Довуд ривоят қилган саҳих ҳадисда эса: "Саъд бин Молик жаннатда" дейилган. ١٠٥. ومن أحسن القول في أصحاب رسول الله صلى الله عليه وسلم، وأزواجه الطاهرات من كل دنس،

وذرياته المقدسين من كل رجس، فقد برئ من النفاق.

**105-матн:** Кимки Расулulloх صلى الله عليه وسلم нинг сахобалари, ҳар қандай қирликлардан покиза бўлган жуфтлари ва ҳар бир қабиланинг нарсалардан пок бўлган зурриётлари ҳақида яхши сўз айтса, ҳақиқатда мунофиқликдан қутилади.

**Шарх:** "Мунофиқликдан қутилади" дейилди. Чунки улар шаънига тил теккизиб, уларни сўққанлар - Абдуллох бин Сабаъ каби қимсалар - ўзларини мусулмон қилиб қўрсатадилар. Аммо улар ўзларининг макру хийлалари билан Исломи динини бузмокчи бўладилар. Бундай қимсалар мунофиқу зиндиклардир.

١٠٦. وعلماء السلف من السابقين، ومن بعدهم من التابعين - أهل الخير والأثر، وأهل الفقه والنظر - لا

يذكرون إلا بالجميل، ومن ذكرهم بسوء فهو على غير السبيل.

**106-матн:** Аввалда ўтган салаф уламолар ва улардан кейинги тобиъийлар - яхшилар ва асар аҳли ҳамда фикх ва назар аҳли - факат чиройли сўз билан тилга олинадилар. Кимда-ким уларни ёмон сўз билан тилга олса, бас, у тўғри йўлда эмас экан.

**Шарх:** Аллох таоло Нисо сурасининг 115-оятда айтади:

{و من يشاقق الرسول من بعد ما تبين له الهدى و يتبع غير سبيل المؤمنين نوله ما تولى و نصله

جهنم و ساءت مصيرا} (النساء: ١١٥)

Маъноси: “Кимгаки, Куръон оятлари ва пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам хадислари асосида хидоят баён қилиниб, равшан булганидан кейин, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам га қарши чикса ва муъминларнинг (сахобаларнинг) йулини қолдириб, бошқа йулларга эргашиб кетса, топиб олган йулида уни қуйиб берамиз. (Уни хор қиламиз, унга тавфик бермаймиз. Чунки, у ҳақни қуриб-билиб тарқ этди). Охиратда уни жаҳаннамга қиритамиз. Жаҳаннам қандай ҳам ёмон жой”.

Хар бир мусулмонга, Аллох ва Унинг расулини дўст тутганидан кейин, мўминларни дўст тутиши вожиб бўлади. Бунга Куръон амр қилади.

١٠٧. ولا نفضل أحداً من الأولياء على أحد من الأنبياء عليهم السلام، ونقول: نبي واحد أفضل من

جميع الأولياء.

**107-матн:** Хар қандай авлиёни бирорта пайгамбардан (Уларга Аллохнинг саломи бўлсин) устун қўймаймиз. Айтамызки, битта пайгамбар авлиёларнинг барчасидан афзалдир.

Шарх: Ушбу матн билан Таховий раҳимахуллох Иттиҳодия ва жохил тасаввуф аҳлини рад этадилар. Бундай қимсалар авлиёларни пайгамбарлардан устун қўядилар. Тўғри йўл аҳли илм ва шариатга эргашишни насиҳат қилади. Аллох таоло Оли Имрон сурасида айтади:

" قل إن كنتم تحبون الله فاتبعوني يحببكم الله و يغفر لكم ذنوبكم و الله غفور رحيم" آل عمران: ٣١

Маъноси: “Эй Мухаммад, айтинг, агар сизлар Аллохни яхши қўрсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллох сизларни яхши қўради ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллох мағфиратли ва раҳимли Зотдир”.

Абу Усмон Нисобурий бундай дейдилар: “Қимда қим, ҳам сўз, ҳам амал жихатдан суннатни ўзига амир қилса, ҳикматни гапиради. Қимки, ҳавою нафсни ўзига амир қилса, бидъатни гапиради”.

١٠٨. ونؤمن بما جاء من كراماتهم، وصح عن الثقات من رواياتهم .

**108-матн:** Ишонарли ва динда мустаҳкам бўлган кишиларнинг саҳих ривоятлари билан авлиёларнинг қароматлари ҳақида қелган хабарларга Иймон қелтирамыз.

Шарх: Авлиёлар-Аллох таоло дўстларининг қароматлари ҳақида қорид бўлган саҳих хабарларга Иймон қелтирамыз. Бу ҳақда Аллох таоло айтади: (маъноси) “Хар қачон Зақариё Марямнинг олдига-ҳужрага қирганида унинг ҳузурида қизқ-насиба қўрди. У: “Эй Марям, бу нарсалар сенга қаяқдан қелди?” -деб сўраганида Марям: “Булар Аллохнинг ҳузуридан” деб, жавоб қилди. (Оли Имрон-37).

Адашган муътазилалар авлиёлар қароматини инқор қилишган. Бу даъво ботилдир.

Раҳмоннинг авлиёлари ҳақида қорид бўлган хабарлар Иймон ва тоат аҳлига ҳосланади. Баъзи Шайтоннинг авлиёларида учрайдиган гайри оддий ҳолатларга қаромат дейилмайди.

١٠٩. ونؤمن بأشراط الساعة: من خروج الدجال، ونزول عيسى ابن مريم عليه السلام من السماء، ونؤمن بطلوع الشمس من مغربها، وخروج دابة الأرض من موضعها.

**109-матн:** Киёмат аломатларига: Дажжолнинг чиқиши, Ийсо бин Марям алайхиссаломнинг Осмондан тушишлари, Куёшнинг гарб томонидан чиқиши ва Доббатул-арзни ўз ўрнидан чиқишига Иймон келтирамиз.

Шарх: Шубхасиз Киёматнинг аломатлари бор. Улар Киёмат якинлашганда зохир бўлади. Бунга Иймон келтирамиз. Бу аломатларни Пайгамбар صلى الله عليه وسلم хадисларида зикр қилганлар. Муслим ривоят қилган хадисда Ул киши деганлар: “То Киёматнинг ўнта аломатини кўрмагунингизча, у коим бўлмайди...”, деб, Дажжол, Добба, Куёшнинг ботар томонидан чиқиши, Ийсо бин Марямнинг тушишларини тилга олдилар. Булар Киёматнинг катта аломатларидир. Бундан бошқа кичик аломатлари ҳам бўлиб, (уларнинг кўплари бизнинг ҳозирги замонамизда зохир бўлиб бўлган).

١١٠. ولا نصدق كاهناً ولا عرفاً. ولا من يدعي شيئاً يخالف الكتاب والسنة وإجماع الأمة.

**110-матн:** Бирор кохинни, аррофни ва Куръон, суннат ҳамда умматнинг ижмоъсига қарши бўладиган нарсани даъво қиладиган кимсани (тўғри, деб) тасдиқламаймиз.

Шарх: (Гайб илмини даъво қилувчи кимсага кохин дейлади. Юлдузлар воқеликларига қараб одамларнинг ҳолатлари хусусидаги даъвогар мунажжим-юлдузчига арроф дейлади).

Аллох таоло айтади (маъноси): “Бирор жон эртага нима иш қилишини била олмас” (Лукмон-34). Намл сурасининг 65-оятда эса бундай дейди (маъноси): “Айтинг: “Осмонлар ва ердаги бирор кимса гайбни билмас, магар Аллохгина (билур)”. Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтадилар: “Кимда-ким арроф ё кохинга бориб у айтаётган сўзларни тасдиқласа, Мухаммадга нозил қилинган шариатга қофир бўлишида шубҳа йўқ”. (Термизий ва Хоқим ривояти).

١١١. ونرى الجماعة حقاً وصواباً، والفرقة زيغاً وعذاباً.

**111-матн:** Жамоатни ҳақ ва тўғри, фирқаланиб кетишни эса ҳақдан оғиш ва азоб деб биламиз.

Шарх: Аллох таоло Оли Имрон сурасининг 103-оятда айтади:

{ واعتصموا بحبل الله جميعاً ولا تفرقوا } آل عمران: ١٠٣.

Ушбу оят маъносини Табарий раҳимахуллох бундай баён қиладилар: “Барчангиз Аллохнинг динини мустаҳкам тутингиз! Аллох сизларни мана шунга амр қилган. Ҳамда Куръондаги Аллохнинг сизларга қилган аҳдига каттик боғлангиз. Улфат бўлиш, ҳақ қалима устида жамланиш ва Аллохга таслим бўлиш, ушбу аҳд жумласидандир. Абдуллох бин Масъуд (разияллоху анху) ушбу оятни, “Барчангиз жамоатни мустаҳкам тутингиз”, деб тафсири қилганлар. “و لا تفرقوا” нинг маъноси: Аллохнинг дини ва сизларга қилган аҳдидан ажралиб, фирқаланиб кетмангиз”. Яна Ул зот айтади:

{ و لا تكونوا كالذين تفرقوا و اختلفوا من بعد ما جاءهم البينات، و اولئك لهم عذاب عظيم } آل عمران: ١٠٥

Ушбу оят маъносини ҳам Табарий тафсир килиб, айтадиларки: “Эй Иймон келтирганлар жамоаси, парокандалашиб кетган Ахли китоблар каби бўлмангиз! Уларга Аллохнинг хужжатлари келганидан кейин, фиркаланишиб, Аллохнинг динида, буйруклари ва кайтарикларида ихтилоф килишди. Улар ҳакни билишиб, унинг карама-каршисини мақсад килишди. Аллохнинг амрига қарши чиқишди. Аллохга қарши журъат килишиб, Ул зотнинг аҳдини бузишди. Мана шундай кимсаларга Аллох ҳузуридан келадиган қаттиқ азоблар бор”.

Расулulloх саллалulloху алайхи ва саллам бундай деганлар:

"إن أهل الكتابين افرقوا في دينهم على ثنتين و سبعين ملة، وإن هذه الأمة ستفرق على ثلاث و سبعين ملة، يعني الأهواء، كلها في النار إلا واحدة". صحيح، رواه أبو داود و غيره.

Маъноси: “Икки ахли китоб тоифалари динларида етмиш икки миллатга бўлиниб кетишган. Бу уммат яқинда етмиш уч миллатга бўлиниб кетади, яъни ҳавою нафс йўлларига. Уларнинг барчаси дўзахда. Фақат биттаси нажот топади. У - жамоатдир”.

Жамоат — нажот топгувчи тоифа ва Расулulloх саллалulloху алайхи ва саллам нинг йўлларида. Ундан бошқалари эса, залолат фиркалари бўлиб, улар ҳақдан оғиб кетган, адашган ва, ҳам дунёда, ҳам охирада азобга йўликадиганлардир. Аллох таоло Анъом сурасининг 153-оятда бундай деган:

{ وأن هذا صراطي مستقيما فاتبعوه، ولا تتبعوا السبل فتفرق بكم عن سبيله ذلكم وصاكم به لعلكم تتقون } الأنعام: ١٥٣.

Маъноси: “Албатта мана шу Менинг тўғри йўлимдир. Сизлар шу йўлга эргашинглар! Бошқа йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Аллохнинг йўлидан узиб қўяр. Шояд такво қилсангиз, деб Аллох сизларни мана шу нарсаларга буюрди”.

١١٢. ودين الله في الأرض والسماء واحد، وهو دين الإسلام. قال الله تعالى: { إن الدين عند الله الإسلام } آل عمران: ١٩. وقال تعالى { ورضيت لكم الإسلام ديناً } المائدة: ٣. وهو بين [الغلو] والتقصير، وبين التشبيه والتعطيل، وبين الجبر والقدر، وبين الأمن والإياس.

112-матн: Аллохнинг дини ерда ҳам, осмонда ҳам битта. У — Ислом динидир. Аллох таоло айтади: “Аллох наздида макбул бўладиган дин фақат Ислом динидир”. (Оли Имрон-19). Яна Аллох таоло айтади: “Исломни сизларга дин бўлиб қолишига рози бўлдим” (Моида-3). Ислом - ҳаддан ошиб чуқур кетиш билан нуқсонли қилиш орасида. Аллохнинг сифатларини яралмишлар сифатларига ўхшатиш билан уларни йўққа чиқариш орасида. Жабр (яъни жабарийлар эътиқоди) билан қадар (қадарийлар) орасида. Ҳамда Аллохнинг мақридан хотиржам бўлиб қолиш билан Ул зотнинг раҳматидан умидсиз бўлиш орасидадир.

Аллохнинг дини битта. У - Исломдир. Аллох таоло Куръонда айтади: (маъноси) “Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, унинг “дини” Аллохнинг хузурида харгиз кабул килинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир” (Оли Имрон-85). Исломнинг маъноси — Аллох таолодан бошқасига ибодат қилмаслик ва Ул зот амр қилгандек, ибодат қилишдир. Хар бир юборилган пайгамбар факат Ислом билан юборилган. Куръонда бунинг далили кўп.

١١٣. فهذا ديننا واعتقادنا ظاهراً وباطناً، ونحن براء إلى الله من كل من خالف الذي ذكرناه وبيناه، ونسأل الله تعالى أن يثبتنا على الإيمان، ويختم لنا به، ويعصمنا من الأهواء المختلفة، والآراء المتفرقة. والمذاهب الردية، مثل المشبهة، والمعتزلة، والجهمية، والجبرية، والقدرية، وغيرهم، من الذين خالفوا السنة والجماعة، وحالفوا الضلالة، ونحن منهم براء، وهم عندنا ضلال و أردياء، وبالله العصمة والتوفيق.

**113-матн: Бу (китобнинг аввалидан охиригача ўтган эътикод масалалари) — хам зохирида, хам ботинида бўлган бизнинг динимиз ва эътикодимиздир. Биз бу китобда зикр қилиб ўтган ва баён қилган эътикодга муҳолиф бўлган хар бир кимсадан воз кечиб, Аллохга юзланамиз. Аллох таолодан, бизни Иймонда собиткадам қилишини ва хаётимизни Иймон билан тугатишини сўраймиз. Хамда турли хавою нафслар, парча-парча қилиб юборадиган фикрлар ва Мушаббиха, Мўтазила, Жахмия Жабрия, Кадария ва булардан бошқа, суннат ва жамоатга муҳолиф бўлган ва залолат устида ахдлашган бузук мазхаблар каби фиркалардан саклашини сўраймиз. Биз, бу фиркалардан воз кечганмиз. Улар бизнинг тушунчамизда адашган ва эътиқоди бузуклардир. Сакловчи ва тавфик бергувчи Зот ёлғиз Аллохдир.**

Аллох таолодан саломатлик ва офият сўраймиз!  
Аллох субханаху ва таолонинг мадади  
билан ушбу китоб таржимаси  
нихоясига етди.

سبحان ربك رب العزة عما يصفون.  
و سلام على المرسلين.  
و الحمد لله رب العلمين.